Очик. ва кучли фук.аролик жамиятини бугунги кунда ах.олининг турли ижтимоий гурухлари ва кенг к.атламлари манфаатларини ифода этадиган мустакил ва баркарор нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин оммавий ахборот воситалари ва бошка фук.аролик жамияти институтларининг ривожланган тизимисиз тасаввур этиб булмайди. Шу нуктаи назардан Караганда, бугун мамлакатимизда





5 мингдан ортик. нодавлат нотижорат ташкилот, 870 дан зиёд газета ва журнал, 100 га якин давлат ва нодавлат телерадиостудияси фаолият курсатаётгани дикдатга сазовор.

Утган давр мобайнида фукаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш, фукаролар манфаатларини химоя килиш ва крндириш, мухим ижтимоий ахамиятга молик дастурларни бажариш борасида уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлайдиган зарур меъёрий-хукукий база, иктисодий ва хукукий кафолатлар яратилгани хам бу сохадаги катта ипшаримиздан булди десак, янглишмаган буламиз.

Азиз дустлар!

Мустакдгтлик йилларида кулга киритган ютук.ларимиз хакида гапирганда, биз уларга аввало иктисодиётнинг ривожлашшги. унинг усиш суръатлари, макроик^исодий курсаткичларнинг узаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пасайипш, миллий валютамизнинг барк,арорлиги ва унинг харид крбилияти, экспорт ва олтин-валюта захирамизнинг ортиб бораётгани, бир суз билан айтганда, бутун иктисодиётимизнинг изчил тарзда ривожланаётганидан келиб чиккэн хрлда бахр берамиз.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг куламли, туб ислохртлар ва узгаришларнинг к^онуний натижаси сифатида сунгги йилларда мамлакатимиз иктисодиётининг усиш суръати барк,арор

хусусият касб этди. Биргина кейинги турт йилнинг узида йиллик усиш суръати 7 фоиздан ошгани дам бунинг якдол исботидир.

Республикамизда ялпи ички мадсулот 1990 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Холбуки, Мустакил Давлатлар Хамдустлиги мамлакатларининг аксариятида бу курсаткич данузгача ислодотлар бошланган даврдаги даражага дам етгани йук..

Шуниси мудимки, Узбекистан иктисодиётининг баркарор усиш суръатлари жадон бозорида нефть ва газ нархи ошиб бораётган бир шароитда кагор мамлакатларда кузатилаётган долатдан тубдан фарк. килади. Яъни, бизнинг иктисодий ривожланишимиз экстенсив усиш ва факат углеводород хом ашёсини зур бериб тухтовсиз казиб олиш эвазига булаётгани йук.. Аксинча, биз аник, максадга к.аратилган бозор ислодотларини, иктисодиётда чукур таркибий узгаришларни амалга ошириш, тармок. ва корхоналарни янгилаш, техник к^айта жидозлаш, рак,обатбардош ва экспортга йуналтирилган янги ишлаб чикэриш корхоналарини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дисобидан иктисодий тараккиётга эритттмокдамиз.

Шу уринда мамлакатимиз ик.тисодиётининг жадал усиб бораётгани иктисодиётнинг барча сода ва тармокларида чукур иктисодий ислохотларни амалга оширишга асосланганини яна бир бор таъ-





кидлаб утмокриман. Утган йиллар давомида иктисодиётни ислод килишнинг дар бир боскичида устувор вазифаларни аник, белгилашга алодида эътибор к.аратилиб, уларни дал этиш учун зарур молиявий, моддий ва инсоний ресурслар жалб этилмокда.

Ик.тисодиётни янада эркинлаштириш. хужалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини ва иктисодий мустакиллигини ошириш, кенг тармокли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бопщарув ваколатини кескин камайтириш, унинг корхоналар хужалик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йулидаги тусикларни бартараф этиш — буларнинг барчаси ислодотларни чукурлаштиришнинг дал килувчи йуналиши дисобланади.

Айнщса. иктисодиётда чукур таркибий узгаришларни амалга ошириш РОЯТ мудим адамият касб этади. Бунинг негизини мадаллий хом ашёни к.айта ишлаш ва жадон бозоридаги кескин рак.обатга бардош бера оладиган мадсулотлар тайёрлашга асосланган саноат тармок,ларининг етакчи уринга чикиши ва хизмат курсатиш содаларининг тез суръатлар билан ривожланиши ташкил килади. Шуни таъкидлаш керакки, мустакиллик йилларида ялпи ички мадсулот таркибида саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат курса-

тиш сохаларининг улуши эса 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда фаолият курсатаётган корхоналарни жадал модернизация килиш ва техник канта жихрзлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тукимачилик, озик.-овкат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоги хамда бошка иуналипшардаги янги ва замонавий ишлаб чикаришларни ташкил этишга кдратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга_устувор ахамият берилмокда.

Хорижий ва махаллий сармоядорлар учун кулай, хар томонлама имтиёзли инвестиция мухити яратилди. Натижада мустакил таракдиёт йилларида мамлакатимиз иктисодиётига 100 миллиард доллардан ортик. инвестиция жалб килинди. Бунинг_2_5 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблаглари ташкил

Солик. кщтни камайтириш борасида хам изчил сиёсат олиб борилмокда. Фак.атгина 2000—2007 йиллар давомида даромад СОЛИБИ 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тулов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва кишлок. хужалиги мах.сулотларини ишлаб чик.арувчилар учун ягона солик. микдори эса 10 фоизга камайтирилди. Шу билан бирга, жисмоний





шахслар даромадининг солик. ставкаси сезиларли даражада кискартирилди. Шу тарифа кейинги 7 йилнинг узида умумий солик. юки 40 фоиздан 27 фоизга камайтирилди.

Сунгги йилларда кишлок, хужалиги сох.асида хам туб узгаришлар руи берди. Хужалик юритишнинг совет давридан колган, узини окдамаган шаклларидан воз кечиб, уларнинг урнига бутун дунёда кенг жорий этилган хусусий фермер хужаликлари ташкил этилди.

Бугунги кунда фермер хужаликлари том маънода кишлок. хужалиги ишлаб чикаришининг асосий шаклига, уни барк.арор ва самарали ривожлантирадиган х.аракатлантирувчи кучга, таъбир жоиз булса, бу йуналишнинг локомотивига айланди. Бу сохада бозор инфратузилмаси амалда к.айта тузилди, кишлок. хужалиги ишлаб чик.аришини ташкил этиш ва рагбатлантириш сифат жих.атидан янги тамойиллар асосига курилди.

Хозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички махсулотнинг 76 фоизи, жумладан, саноат мах.-сулотининг к.арийб 80 фоизи, кишлок. хужалиги махсулотлари ва чакана савдо айланмаси эса тулигича иктисодиётнинг нодавлат секторида яратилмокда. Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига утган, уларда жами иш билан банд ахрлининг 77 фоизи мехнат кдлмокда.

Кичик ва ХУСУСИЙ бизнеснинг ялпи ички мах.-сулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз ик.тисодиётидаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тулдириш, ахрли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш билан боглик. муаммоларни хал этишнинг мухим омилига айланганини эътиборга сазовордир.

Айни пайтда юртимизда транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласига хам республикамизни жадал таракдий топтиришнинг асосий шарти ва мезони сифатида катта ах.амият берилмокда.

Сунгги йилларда барпо этилган, умумий узунлиги 633 километрни ташкил киладиган Навоий—Нукус, 223 километрлик Тошгузар — Бойсун— Кумкургон темир йул магистраллари, К,амчик. довони орк.али утадиган тезкор автомобиль йулининг бу борадаги урни ва ах.амияти к.анчалик бекиёс эканини х.аммамиз яхши англаймиз. Бу йуллар мамлакатимизнинг барча худудларини ягона транспорт тармогига ишончли тарзда бирлаштириб, минтак.аларимизда мавжуд булган бой минерал-хом ашё ва табиий ресурсларни узлаштириш учун кенг имкониятлар яратди.

Утган даврда кулга киритган салмокли ЮТУК ва натижаларимиз халкимизнинг даромадлари ва фаровонлигини изчил равштша отиириб боришни таъминлаш. кенг куламли ижтимоий дастурларни муваффакиятли амалга ошириш имконини берди.





Барчамизга маълумки, ахрли иш хаки ва даромадларининг усиш суръати энг мухим курсаткичлардан бири хисобланади. Бу хакда гапирганда, ахрли реал даромаддарининг 2006 йилда 2000 йилга нисбатан 2,5, 1992 йилга нисбатан эса уртача 12 баробар ошганини таъкидлаш лозим. Жорий йил охирига бориб республикамизда уртача иш хаки микдорининг 200 доллар даражасига етиши кутилмокда.

Виз хар уч йилда иш хакини 2—2,5 баробар оширишни уз олдимизга мухим стратегик вазифа килиб куйганмиз. Шу тарифа, ахрлининг харид крбилиятини хисобга олган хрлда, биз якин йиллар ичида халк. фаровонлиги ва даромадларини таъминлаш буйича юксак марраларга эришаётган мамлакатлар даражасига кутарилишни уз олдимизга максад килиб куйганмиз.

Бугунги кунда юртимизда замонавий мехнат бозори шаклланди — мустакиллик йилларида 5 миллиондан ортик. янги иш уринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоиздан зиёди саноат ва хизмат курсатиш сох.аларига тугри келади.

Айникса, шах.ар ва к.ишлокларда биринчи навбатда хотин-кизларни иш билан таъминлаш имконини берадиган, йирик саноат корхонала-

ри билан кооперация асосида ташкил этиладиган касаначилик жадал ривожлана бошлаганини таъкидлаш лозим.

Биз учун мухим ижтимоий ахамиятга эга булган ахрлини иш билан таъминлаш билан боглик. муаммоларга катта эътибор каратиб, бу борада аник, максадга йуналтирилган ишларни изчил амалга ошираётганимиз мавжуд ахволни тубдан узгартириш учун имкон яратди. 2006 йилда ишсизлик даражаси 5,3 фоизгача камайгани хам шундан далолат беради.

Мамлакатимиз ахрлиси. аввало кишлок; жойлардаги одамларнинг турмуш шароити изчил тарзда яхшиланмокда. Истиклол йилларида 36 минг километрлик сув кувурлари, 72 минг километрлик газ тармоклари ишга туширилди. Бу 1991 йилга кадар эришилган натижаларга нисбатан тегишли равишда 2 ва 4 баробар куп демакдир.

Натижада ахрлини ичимлик суви билан таъминлаш бугунги кунда 84 фоизни, жумладан, кишлок. жойларда 77 фоизни, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизни, кдшлок. жойларда эса 78 фоизни ташкил этмокда.

Халкимиз турмуш шароитини яхшилашга дойр чора-тадбирлар тизимида согликни саклаш ва ахрли саломатлигини мухрфаза килиш алохида урин тутишини хаммамиз яхши тушунамиз.





Утган йиллар мобайнида Узбекистонда тиббий хизмат курсатиш тизими амалда тулик. к.айта куриб чикилди. Хозирги вактда бу борадаги исло^отларнинг асосий боскичларидан бири нщоясига етмокда. Адолига бепул шошилинч ва юкрри малакали тиббий ёрдам курсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва булимлар тармогининг ташкил этилиши бу боскичнинг энг мухим ва конкрет натижаси булганини кайд этиш зарур. Махсус ташкил этилган республика маркази бу тизимга рахбарликни ва унинг фаолиятини мувофиклаштиришни таъминламокда.

Согликни саклашнинг бирламчи бугинида, айник.са, кишлок. жойларда жиддий узгаришлар руй берди. Самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва кишлок. амбулаториялари урнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жихрзланган 3 мингдан зиёд кишлок. врачлик пункти ташкил этилгани бу сохадаги катта к.адам булди, десак, тугри булади.

Тиббиёт ходимлари мехнатига х.ак. тулаш ва уларни рагбатлантириш тизимининг х.ар томонлама канта куриб чикилиши ах.олига тиббий хизмат курсатишни сифат жихатидан сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Натижада кейинги 2—3 йилда соха ходимларининг иш х,аки 2 баробардан зиёд купайди.

Юртимизда янги ташкил этилган согликни саклаш тизимида энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар мухим урин эгалламокда. Уларда юкори малакали мутахассислар жахрн микёсидаги мураккаб ва ноёб операцияларни амалга ошириб, одамлар хаётини саклаб, уларнинг умрига умр кушаётгани бу борадаги ислохртларимизнинг яна бир амалий ифодасидир.

Согликни саклаш тизимида булажак оналар саломатлигини мунтазам назорат килиб борадиган, соглом болалар тугилишига хизмат киладиган кенг тармокли скрининг марказларининг урни ва ахамияти канчалик катта экани хакида, уилайманки, ортикча гапириб утиришга хржат йук..

Агар 1991 йилда оналар улими билан боглик. курсаткич хар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил этган булса, бугунги кунда бу ракам 24 тага тушди, гудаклар улими эса илгари 1000 нафар чак.алокда 35 тадан тугри келган булса, хрзирги кунда 14 тага тушди.

Шуниси эътиборлики, бугун Узбекистонда чечак ва ич терлама, куйдирги, улат ва вабо каби юкумли касалликларга бутунлай барх.ам берилди.

Утган давр мобайнида юртимизда ах.олининг уртача умр куриш даражаси х.ам сезиларли ра-



пишда ортганини мамнуният билан к.айд этиш лозим. Бу борадаги умумий курсаткич 1990 йилла 67 ёшни ташкил этган булса. 2006 йилда 72.5 сшни ташкил этди. Жумладан, эркаклар уртасидаги уртача умр куриш 66 ёшдан 70 ёшга, аёллар уртасида эса 70 ёшдан 74,6 ёшга узайганини одамлар саломатлигини мухрфаза килиш ва турмуш шароитини яхшилашга к.аратилган чора-тадбирларнинг аник, ва якдол натижаси сифатида бах.олаш уринли булади. Азиз ватандошлар!

Уз-узидан аёнки, Узбекистон жахрн х.амжамиятида муносиб урин эгаллаш, уз халкининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошка давлатлар к.атори х.озирги шиддат билан узгариб бораётган мураккаб давр уртага куяётган талаб ва саволларга тулик. жавоб берадиган, аник, ва равшан, хар томонлама пухта уйланган стратегия ва харакат дастурига эга булиши зарурлигини бугун хаётнинг узи такрзо этмокда.

Бу стратегия авваламбор тажрибада узини окдаган демократик, сиёсий ва иктисодий ислох.отлар, ижтимоий узгаришларни чукурлаштириш, жамиятда тинчлик ва барк.арорликни мустахкамлаш, тинчликсевар ташки сиёсат юритиш ва жах.он хужалик тизимига интеграциялашишга к.аратилган йулимизни бундан буен х.ам изчил давом эттиришни таъминлаши даркор.

Факат ана шундай сиёсатгина уз олдимизга куйган узок, муддатли максад-муддаоларимиз — Узбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан урин олишига эришиш борасида зарур шарт-шароит ва мустахкам пойдевор булиб хизмат килиши мумкин.

«Хамма нарса инсон учун. унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тулик; амалга ошириш биз учун доим энг мухим устувор вазифа булиб келган ва бундан кейин дам шундай булиб крлади.

Бизнинг иктисодиёт, сиёсат, давлат-хукук. ва суд сохасида амалга ошираётган барча узгариш ва ислохртларимиз пировард натижада ягона мак.-садга — халкимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, хар бир инсонга узининг интеллектуал, касб ва маънавий салохиятини р^ёбга чикариш учун зарур имкониятлар яратиб беришга каратилиши даркор.

Мухтарам ва кадрли ватандошларим!

Бугун сиз, азизларга мурожаат этиб, барчангизни кутлуг айём — Ватанимиз мустакиллигининг 16 йиллик байрами билан самимий муборакбод этар эканман, калбимни, юрагамни эзгу ва юксак туйгулар кдмраб олаёттанини айтмокчиман.

Мана шу утган йиллар давомида машакдатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкама-елка туриб, кандай улкан





Hit олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк і шажагимиз пойдеворини уз кулимиз билан бармо этаётганимиз барчамизга хар канча фахрланиш, Сюсиб утган йулимизни миннатдорлик билан эсл а ш учун асос беради.

Бугунги мажлис, бугунги маърузадан келиб чикадиган фикр ва хулосалар, уйлайманки, барча юртдошларимизни ун олти йиллик тараккиёт йулимизга яна бир бор назар ташлашга даъват •угади. Шу заминда яшаётган х.ар к.айси инсон, миллати ва тилидан, к.аерда, кдйси лавозимда ишлашидан к.атъи назар, мустакшшик йилларида кулга киритган ютукларимиздан кунгли тогдек кутарилиши, шу ишларда менинг х.ам муносиб хиссам бор, деб кувониб, фахр-ифтихор килиб яшаши табиий.

Албатта, амалга оширган барча буюк ишларимиз, эришган ютукдаримиз — узимизники, уларни хеч ким биздан тортиб ололмайди. Лекин келгусида бундан х.ам юксак марраларни кулга киритишга, бутун дунё, авваламбор тарак.к.ий топган давлатлардан кам булмаган эркин фаровон хаётга эришиш учун доимо олдинга интилиб яшашимиз керак.

Хеч шубх.асиз, бугун бутун маърифий дунё кечираётган озод ва обод хаётга эришиш учун куч ва салохиятимиз хам, имкониятимиз хам, энг мухими, азму шижоатимиз х.ам етарли.

Ишончим комилки, Ватанимиз истикболини уйлаб бошлаган барча улуг ишларимизни албатта охирига етказамиз, узимизнинг эзгу максад-муддаоларимизга эришамиз, иншоолло.

Эътиборингиз учун рахмат.

*Узбекистан Республикаси Олий Мажлиси,*
*Вазирлар Мах,камаси ва Президент Девонининг*
*Узбекистан мустациллигининг 16 йиллигига*
*башшланган цушма мажлисидаги маъруза,*
*2007 йил 30 август*

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАРИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СУЗИ

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!

Мухтарам мехмонлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар оркали бутун Узбекистон халкдни барчамиз учун хакдк,атан х.ам энг улуг ва энг азиз байрамимиз булмиш Ватанимиз Мустакдллигининг 16 йиллиги билан чин к,албимдан табриклаш ва узимнинг чукур хурмат-эхтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу гузал ва мухташам майдонда бугунги тантанамизда к.атнашаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари вакиллари, узок.-якиндан келган к,адрли мех.монларимизни, бу байрамни биз билан бирга нишонлаётган барча дуст ва биродарларимизни бутун халкимиз номидан кутлаб, самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дустлар!

Ун олти йил тарих мезонлари билан улчаганда гоят кдск.а бир муддат эканини барчамиз яхши

англаймиз. Бирок, биз учун том маънода янгиланиш ва юксалиш боскичи булган бу даврни ойлар ва йиллар билан эмас, балки амалга оширган ислохртларимиз самараси, бунёдкорлик ишларимиз салмож, кулга киритган юксак марралар билан улчайдиган булсак, хеч шубхасиз, бу йилларнинг хар бири чиндан хам ун, керак булса, юз йилларга тенг булиши мукаррар.

Мана шу шиддатли ва кескин даврда биз босиб утган йул, унинг улкан самаралари, синов ва машакдатлари хакдда куп гапириш мумкин. Лекин бир фикрни хула ишонч билан айтиш лозимки, шу йиллар давомида юртимизда демократик давлат куриш, халкимиз фаровонлигини юксалтириш, халкаро майдонда муносиб обру-эътибор топиш учун амалга оширган ишларимиз, бир суз билан айтганда, Ватанимизни озод ва обод килиш йулида эришган марраларимизни хеч ким инкор эта олмайди.

Бугун мана шундай шукухли дамларда бу ютук.-ларнинг ижодкори булган захматкаш дехдон ва фермерлар, ишчи ва хизматчиларимиз, ишбилармон ва тадбиркорлар, жасур х,арбийларимиз, олиму зиёлилар, маданият ва санъат ахли, фидойи муаллим ва укитувчилар, жонкуяр шифокорларнинг бекиёс хизматларини эътироф этиб, барчангиз олдида, бутун халкимиз олдида бош эгиб таъзим киламан.





Хурматли юртдошлар!

Шак-шубх.асиз, мустакиллик йилларида кулга киритган салмокди ютукдар барчамизники ва уларни хеч ким биздан тортиб ололмайди.

Айни пайтда бугун олдимизда турган мухим ва долзарб вазифалар утган давр мобайнида барпо этилган салохиятдан окилона фойдаланиб, бор кучкудратимиз, имконият ва харакатларимизни эртанги истик.болимиз, эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун сафарбар этишни талаб килади.

Бу х.акда гапирганда, авваламбор, куйидагиларга эътибор бериш керак, деб уйлайман.

**Биринчидан,** эришган ютудва натижаларимизга танкидий бах.о бериб, уларга махдиё булмасдан, уз оддимизга юксак марралар, узок, ва давомли эзгу мадсадларни куииб яшашимиз, биринчи навбатда халвдимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимо эътиборимиз марказида туриши зарур. Бунинг учун иктисодиётимизнинг тез ва баркдрор суръатлар билан усишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ёш оилаларни куллаб-кувватлаш, якин уч йил мобайнида ишчи-хизматчиларнинг маошларини, пенсия, нафада ва стипендиялар микдорини 2-2,5 баробар кутариш бизнинг устувор вазифамиз булиб крлиши шарт.

**Иккинчидан,** сиёсий ва иктисодий х.аётимизни янада либераллаштириш, сиёсий партиялар,

ижтимоий ва фук^аролик тузилмалари хамда нодавлат ташкилотларнинг копуний ваколатларини кенгайтириш, инсон хукук, ва эркинликларини амалда таъминлаш, суд-хукук. тизимини такомиллаштириш буиича кейинги йилларда кабул килинган хукукий нормаларни хаётга татбик. этишга алохида эътибор каратишимиз керак.

**Учинчидан,** хрзирги мураккаб ва тахликали замоннинг узи инсоният хаётига тахдид солаётган турли бало-казолар мавжуд эканини хеч качон унутмасликни, юртимизда тинчлик ва осойишталик, баркярорликни мустахкамлаш, сезгирлик, хушёрлик ва огохдикни йукртмасдан, хар кандай хавф-хатарга кярши муносиб жавоб бера оладиган куч-кудратимизни ошириш, сархаддаримиз дахлсизлигини таъминлаш йулида доимо харакатда булишимизни талаб килади.

**Туртинчидан,** эзгу макрад ва режаларимизни руёбга чик.аришда бизнинг ишончимиз ва таянчимиз булмиш ёшларимизга янада кенг йул очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, уз мустакил фикрига эга булган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустахкам ва муносиб жой олиши йулида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун хдм кдрз, х.ам фарз, деб биламан.

**Бешинчидан,** юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари уртасида тотувлик-





ни, фук.ароларaро ахилликни куз к.орачигидай асраш, ящн ва узок, кушниларимиз билан х.амкорлик ва хамжихатликда яшаш, жамиятимизда мехр-окибат, саховат ва багрикенглик мухитини янада кучайтириш х.ар биримизнинг мухим вазифамиз булиб к.олиши даркор.

Бугунги кунда эл-юртимизнинг ана шундай азалий фазилатлари, ёрдам ва кумакка мухтож булганларни куллаб-кувватлаш мак,садида амалга ошираётган олижаноб ва савобли ишларимиз «Ижтимоий химоя йили» буиича кабул кжлинган давлат дастурида узининг якдол амалий ифодасини топаётгани барчамизни кувонтиради.

Азиз ватандошларим, кддрдонларим!

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кунглимдаги яна бир гапни алохида таъкидлаб айтишни зарур, деб биламан.

Бугун 16 йил давомида босиб утган йулимизни ва эришган марраларимизни бах.олар эканмиз, Ватанимиз, юртимизни улуглаш, юксак муддаоларимизга етиш, х.еч кимдан кам булмаган х.аёт барпо этиш максадида амалга оширган катта-катта ишларимиздан, тер тукиб к.илган ме^натимиздан х.ар канча фахрланиб, ана шу ютукларга мен хам муносиб хисса кущдим, деб бошимизни баланд кутариб, гурур ва ифтихор билан яшашга тула хаккимиз бор, десам, уйлайманки, бу фикримга барчангиз кушиласиз.

Мана шу мунаввар окдюмда сизларни Ватанимизнинг Истиклол байрами билан яна бир бор табриклар эканман, хаммангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халкимизни, барчамизни Яратганнинг узи ёмон кузлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустакиллигимиз абадий булсин!

*2007 йил 31 август*

## ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ДУРДОНАСИ

Ассалому алайкум, кадрли ватавдошлар!

Мухтарам мехмонлар!

Бугун, мана шу муборак кунда сиз, азизлар билан кадимий ва навкирон Маржлон шахрининг 2000 йиллик туйи муносабати билан шу табаррук заминда тупланиб турибмиз.

Барчангизни, аввало, купни курган, багрикенг ва оккунгил Маргилон элини, Фаргона водийси ахлини, бутун халкимизни ана шу кутлуг айём билан чин калбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Мана шу тантанали маросимда иштирок этаётган чет эллик хурматли мехдонларимизни самимий кутлаб, уларга сизларнинг номингиздан, халкимиз номидан эзгу тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дустлар, биродарлар!

Бугун барчамиз учун х.акик.атан х.ам кувончли ва унутилмас тарихий кун. Яъни, Маршлон шах.-рининг дунёда эътироф этилган энг кадимий

шахарлар руйхатига киритилиши, бу мукаддас заминда турилиб яшаб утган буюк аждодларимизнинг келажак авлоддарга крлдирган бебахр меросини, ноёб тарихий обидалар ва табаррук кадамжоларни ардоклаб, утмишга хурмат ва эхтиром намунасини курсатиб келаётгани, бир суз билан айтганда, Маргилон шахрининг жахрн маданияти ва цивилизациясига кушган улкан хиссасининг ЮНЕСКО ва унинг тимсолида халкаро жамоатчилик томонидан тан олиниши, албатта, барчамизга катта рурур ва ифтихор бағишлайди.

Чиндан хам, бундан йигирма аср мукаддам Маргилонсой сохилларида вужудга келган, юртимиздаги илк одамзод масканларидан бири булган бу шахар улкамизда утрок. хает, юксак' дехдончилик ва сугориш маданияти олис замонларда шаклланганини ва равнак. топганидан далолат беради.

Кухна Маррилон замини узининг ноёб хунармандчилик махсулотлари билан Миср ва Юнонистон, Сурия ва Византия, Эрон ва Хиндистон, Хитой каби мамлакатларда маълуму машхур булгани х.ам буни тасдиклайди.

Табиийки, Маррилоннинг бошк.а кухна шах.арларга ухшаш жих.атлари бор, лекин у купгина узига хос белги-аломатлари билан алохида ажралиб туради.





Илмий манбалар, археологик к.азишмаларнинг рувохдик беришича, Маррилон ута ноёб бир хусусиятга эга булиб, 2000 йил олдин аждодларимиз айнан шу ерда илдиз отиб, шахар пойдеворини кургани ва орадан шунча вакт утганига к.арамасдан, унинг уз тарихий худудида бугунги кунга к,адар муким ривожланиб келаётгани хар к,андай одамни х.ам хайратда к.олдиради.

Албатта, бу х.олнинг асл сири ва сабабларини аникдаш учун х.али яна куп тадкик.от ва изланишлар олиб бориш талаб килинади.

Милоддан олдин пайдо булиб, Хитойдан то Испаниягача булган бепоён худудни к.амраб олган Буюк Ипак йули к.анча-к.анча манзилу маконларни кесиб утган. Бу хякда гапирганда, шуни таъкидлаш керакки, бугун ана шу шах.арларнинг аксарияти факат к.адимий хариталарда сакланиб к.олганини куриш мумкин.

Лекин Буюк Ипак йулининг таъсири ва тарихий илдизларини, таъбир жоиз булса, унинг нафасини узида саклаб келаётган Маргилондек шах.арлар, уйлайманки, ер юзида камдан-кам топил ади.

Айникса, бу гузал диёр ханузгача бутун дунёни мафтун этадиган шохию адрас, ипак махсулотлар маркази булиб к.олаётгани, бундай ута нозик хунарнинг мохир усталари шу юртда камолга етаётгани хям шуни исботлайди.

Айни пайтда Маршлон шахрининг миллий давлатчилигимиз ривожида узига хос из крлдир-гани хам хрзирги кунда куп-куп илмий далиллар асосида аён булмокда.

Бунинг тасдигини, аввало, олис утмишда бу ерда мустахкам калъа ва саройлар, мудофаа иншоотлари, эллик чакирим наридан куринадиган баланд минора мавжуд булгани, пул чикариш йулга куйилгани мисолида куриш мумкин.

Маргилон хакида суз борар экан, буюк аждодимиз Бобур Мирзонинг, билаги зур инсонлар, яъни, энг ботир полвонлар Маргилон заминидан чикади, деган сузлари, хеч шубхасиз, бугунги хакикатни хам ифода этади. Уз-узидан равшанки, барча кухна шахарлар катори Маргилон хам асрлар давомида турли синов ва суронларни бошидан кечирди. Лекин ана шундай жасур углонлари, уларнинг хар кандай шароитда хам уз юртини ёвуз кучлардан химоя килишга крдир булгани, фидойилиги ва матонати хисобидан Маргилон шахри, мана, икки минг йилдирки, узлигини саклаб, утмишга хурмат ва эхтиром билан к.араб, безавол яшаб келмокда.

Шу борада Маргилоннинг мук.аддас ислом динимиз, мусулмончилик акидаларининг равна^ топишига улкан хисса кушганини алох.ида таъкидлаш уринли, деб уйлайман.

Бу шахарнинг тарихий киёфасини узида мужассам этган Пурсидцик, мажмуаси, Улугмозор





шёратгох.и, Увайсий мак.бараси, Хожа Сайд А^мад мадрасаси каби к.атор меъморий обидаларни к.айта тиклаб, тубдан таъмирлаганимиз бебахр маънавий меросимизни асраб-авайлаш йулида яна бир амалий к.адам булди.

Табаррук Маргилон диёрида дунёга келиб камол топган буюк алломалар миллий салохиятимиз, миллий тафаккуримиз кудратини намоён этадиган улмас асарлар яратгани хам бу заминнинг илох.ий хосиятидан далолат беради. Хеч шубх.асиз, бундай беназир зотлар, аввало, Аллохнинг назари тушган, унинг узи азиз килган мук.аддас жойдангина етишиб чикади, десам, уйлайманки, сизлар х.ам бу фикрга кушиласиз.

Биз Маргилон деганда, аввало — нафакдт Узбекистон, балки бутун ислом оламининг фахри булмиш БУРХ.ОНИДДИН Маргиноний бобомизнинг муборак номларини хурмат билан тилга оламиз.

Мусулмон уммати орасида «Хидоят йулининг сарбони» деган юксак эътирофга сазовор булган бу мумтоз сиймонинг буюк мероси, ибратли х.аёти ва маънавий жасорати туХкиз асрдан буен узининг улкан ах.амияти ва кадр-кимматини саклаб келмокда.

Маргилоннинг муътабар заминида бу улуг зотнинг куплаб сафдош ва издошлари илму маърифат, дину диёнатни юксалтириш йулида бек.иёс

Айни пайтда Маррилон ша)фининг миллий давлатчилигимиз ривожида узига хос из крлдир-гани хам хрзирги кунда куп-куп илмий далиллар асосида аён булмокда.

Бунинг тасдигини, аввало, олис утмишда бу ер да му стахкам калъа ва саройлар, мудофаа ин-шоотлари, эллик чакирим наридан куринадиган баланд минора мавжуд булгани, пул чикариш йулга куйилгани мисолида куриш мумкин.

Маррилон хакида суз борар экан, буюк аждоди-миз Бобур Мирзонинг, билаги зур инсонлар, яъни, энг ботир полвонлар Маррилон заминидан чикади, деган сузлари, хеч шубхасиз, бугунги хакикатни хам ифода этади. Уз-узидан равшанки, барча кухна ша-харлар катори Маррилон хам асрлар давомида тур-ли синов ва суронларни богяидан кечирди. Лекин ана шундай жасур урлонлари, уларнинг хар кандай шароитда хам уз юртини ёвуз кучлардан химоя килишга крдир булгани, фидойилиги ва матонати хисобидан Маргилон шахри, мана, икки минг йил-дирки, узлигини саклаб, утмишга хурмах ва эхти-ром билан к.араб, безавол яшаб келмокда.

Шу борада Маррилоннинг мук.аддас ислом динимиз, мусулмончилик акидаларининг равнак. топишига улкан хисса кушганини алох.ида таъ-кидлаш уринли, деб уйлайман.

Бу шахарнинг тарихий киёфасини узида му-жассам этган Пурсиддик. мажмуаси, Улугмозор





(иёратгохи, Увайсий мак.бараси, Хожа Сайд А\мад мадрасаси каби к.атор меъморий обида-ларни к.айта тиклаб, туб дан таъмирлаганимиз бсбахр маънавий меросимизни асраб-авайлаш йулида яна бир амалий к.адам булди.

Табаррук Маррилон диёрида дунёга келиб камол топган буюк алломалар миллий салохия-тимиз, миллий тафаккуримиз кудратини намоён /гадиган улмас асарлар яратгани хам бу замин-нинг илохий хосиятидан далолат беради. Хеч шубхасиз, бундай беназир зотлар, аввало, Ал-лох.нинг назари тушган, унинг узи азиз к.илган мук.аддас жойдангина етишиб чикади, десам, уйлайманки, сизлар хам бу фикрга кушиласиз. Виз Маргилон деганда, аввало — нафакдт Узбекистан, балки бутун ислом оламининг фах-ри булмиш Бурх.ониддин Марриноний бобомиз-нинг муборак номларини хурмат билан тилга оламиз.

Мусулмон уммати орасида «Хидоят йулининг сарбони» деган юксак эътирофга сазовор булган бу мумтоз сиймонинг буюк мероси, ибратли хаёти ва маънавий жасорати тук.к.из асрдан буен узи-нинг улкан ахамияти ва к.адр-к,имматини саклаб келмокда.

Маррилоннинг муътабар заминида бу улур зот-нинг куплаб сафдош ва издошлари илму маъри-фат, дину диёнатни юксалтириш йулида бек.иёс

хизматлар килгани хам кейинги йилларда уз исботини топаётгани эътиборга сазовор.

Айник;са, ислом хукуки ва фалсафаси ривожига муносиб хисса кушган Хасан Маргиноний ва Захириддин Марриноний, Мухаммад Маргиноний каби алломаларнинг хаёти ва фаолиятини атрофлича урганиш, жамоатчиликка етказиш буиича бошлаган ишларни давом эттиришимиз зарур.

Ана шундай сиймолар каторида аёл калбининг гузаллиги, пок мухаббат, вафо ва садокат туйруларини куйлаб утган атокли шоира Жахрн отин — Увайсий узининг бетакрор ижоди билан тарихимизда муносиб урин эгаллайди.

Энг мухими шундаки, бундай бебахр мерос намуналари бугунги кунда хам маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодимизни иродаси бакувват, иймон-эътикрдини мустахкам этиб тарбиялашда бещ1ёс хизмат кдлмокда.

Уйлайманки, ана шу улур зотларнинг ру^и покларини шод кдниш мак;садида уларнинг к,адамжоларини дар томонлама обод кдяиб, хотираларига хурмат-эхтиром бажо келтираётганимиздан, аввало, узимиз рух.ий кувват, маънавий мадад топмокдамиз.

Азиз дустлар!

Маргилон заминининг узига хос хусусият ва аломатлари хаьдеда яна куп гапириш мумкин.





Лекин бу шахарга минг йиллар давомида алохида файз ва тароват багишлаб келаётган Маргилон ахлини хар к.анча таърифласак, х.ар к.анча улурласак арзийди, албатта.

Узаро хурмах, мехр-окибат, мехмондустлик, ширин суз ва муомала, одоб-ахлок. ва андиша каби фазилатлари билан ажралиб турадиган, х.атто боласини хам сизлаб гапирадиган Маргилон ахли доимо бошк.аларнинг х.авасини узига тортиб келади.

Шахсан мен Маррилоннинг чехраси очик., юзкузидан нур ёрилиб турадиган фариштадек нуроний оксокрлларини курганда, уларнинг кулини олиб, хрл-ахвол сурашиб, маргилонча айтганда, отамлашиб сух.бат кургим келади. Узининг мех.-наткаш ва чеварлиги билан ном крзонган, отабоболаримиздан к.олган ажойиб касбу хунарларнинг сохибаси булиб, шу билан бирга, замонавий билим ва малака эгаси булмиш Маргилон аёллари, мехрибон ва мунис аяжонлар хар кандай юксак хурмат ва тах.синга сазовордир.

Ишончим комилки, Маррилонда лоак.ал бир марта булган кишининг хаёлида бу шах.ар ахдининг истараси иссик;, самимий киёфаси узок, вакт сакланиб к.олади.

Виз Маррилоннинг кутлур туйи муносабати билан ана шу одамларнинг огирини енгил, узогини якин кялишни уз олдимизга мак.сад килиб

куйиб, янги уй-жойлар, бозор ва дуконлар, замонавий корхоналар куриш, янги-янги йуллар, газ ва сув, алока тармокларини барпо этиш, тиббиёт ва транспорт, маданий-маиший хизмат курсатишни яхшилаш, бир суз билан айтганда, маррилонликларнинг хает даражасини кутаришга каратилган катта бунёдкорлик ишларини амалга оширганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айникса, Маршлонда тугилиб, унинг тупрорини кузига тугие килиб яшайдиган болаларимизнинг истикболини уйлаб, уларнинг сотом ва баркамол вояга етиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш мана шу юбилей тадбирларининг асосий максади ва мохиятини белгилайди, десак, айни хакикатни айтган буламиз.

Шу утган киска муддатда шахарда янги тиббиёт коллежи ва замонавий мактаблар, Ёшлар хиёбони, аквапарк, ёпик. сув саройи, мухташам амфитеатр барпо этилгани, Болалар ижодиёти маркази, бир катор мактаб ва богчалар, 7 та поликлиника капитал таъмирлангани, шахар тугурукхонаси тиббий асбоб-ускуналар билан жихрзлангани ва бошк.а куп-куп ишларимиз барчамизга катта мамнуният етказади. Нега деганда, бу дунёда одамзод учун уз фарзандининг бахтини, камолини куришдан ортик. саодат йук..

Маргилоннинг кутлур туйи муносабати билан бу ерда бажарган ишларимиз хакида куп гапирмасдан биргина рак.амни келтириш уринли деб биламан.





Шах.ардаги курилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига жами булиб 30 миллиард сумга якин маблаг сарфланганининг узи амалга оширилган ишларнинг х.ажми ва куламини яккрл курсатиб турибди. Мухтарам дустлар!

Маррилон деганда, узбек маданияти тарихида улкан урин тутадиган буюк санъаткорлар сиймоси беихтиёр куз унгимизда жонланади.

Мана шу заминда униб-усган, хар бири узига хос бетакрор ижодий мактаб яратган Юсуфжон к^изик. Шакаржонов ва Уста Олим Комилов, Мухиддин Крриёкубов, Тамарахоним ва Гавх.архоним, Маъмуржон узок.ов ва Журахон Султонов, Саодат Кобулова ва Берта Давидова сингари унлаб мумтоз санъаткорларимизнинг номларини эл-юртимиз хамиша эъзозлаб келади.

Айнан Маррилондан — хаётни, гузалликни севадиган, адабиёт ва санъатни теран тушунадиган, истеъдод ва крбилиятни юксак к.адрлайдиган одамлар яшайдиган маънавий мухитдан мана шундай улур санъаткорлар етишиб чикиши асло тасодиф эмас, аксинча, крнуний бир х.ол, десак, хеч к.андай муболага булмайди.

Буюк адибимиз Абдулла Крдирий узининг «Утган кунлар» романида гузал ва окила Кумуш

сиймосини айнан хаётдан олиб тасвирлагани учун дам орадан юз йил утган булса дамки, китобхон халкимиз Маррилон деганда, аввало, ана шу улмас образни хаёлидан утказади.

Буларнинг барчаси Маррилон ахдининг асл инсоний фазилатлар, миллий кадриятларимиз-ни канчалар эъзозлаб, куз кррачиридай асраб келаётганини, унинг маънавий олами накадар бой ва юксак эканини яна бир бор тасдиклайди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, нуфузли ЮНЕСКО халкаро ташкилотига, пгу туйни утказишга му-носиб хисса кушган, Маррилон шахрини доимо хурмат билан тилга оладиган узок.-якиндаги бар-ча дусту биродарларимизга чин калбимдан мин-натдорлик билдираман.

Маррилон шахрининг киёфасини тубдан узгар-тириш, одамнинг хавасини уйротадаган янги равон йуллар, гузал майдон ва хиёбонлар, ши-нам тураржойлар, маданий-маиший иншоотлар-ни бунёд этишда фидокорона мехнат килган курувчи ва мухандислар, ана шу эзгу ишга хиз-мати сингган барча инсонларга самимий ташак-кур ИЗХ.ОР этаман. Азиз юртдошлар!

Бугун Маррилоннинг 2000 йиллик санасига багишланган саъй-х.аракатларимиз, амалга ошир-ган ишларимиз х.акдда гапирар эканмиз, бу бай-рамни Хива, Самарканд ва Бухоро, К,арши ва





Гермиз, Шахрисабз каби кддимий шадарлари-мизнинг туйлари к.аторида утказилаётганини, авваламбор, юртимизнинг нак.адар кухна ва шон-ли тарихга эга булгани, биз яшаётган бу замин-Шинг х.ар к.арич ери мукдадас эканининг якдол далили ва исботи сифатида кабул кжлишимиз даркор.

Агарки бу масалага холисона к.арайдиган булсак, бундай юксак шарафга муносиб булган шах.ар ва масканлар юртимизда куп. Факатгина мана шу Фаргона водийсининг узида латиф шах.ар деб ном олган Кукрн, к.адимий Андижон, гузал Наманган, кухна Ахсикент каби тарихимизда чукур из крлдирган шах.ар ва кургонларнинг ном-ларини улурлаш ва уларнинг хам кутлур санала-рини кенг микёсда нишонлаш — буларнинг бар-часи бизнинг олдимизда турган катта вазифадир. Насиб этса, уларнинг туйларига багишланган тайёргарлик ишларини ва тантаналарини барча-миз биргаликда утказамиз, иншооллох..

Азизларим, к.адрдонларим! Одамга мамнуният ва хурсандчилик етказиб, калбимизни рурур ва ифтихорга туддирадиган мана шундай шукухли дамларда сизларга узимнинг чукур ва самимий хурмат ва эхтиромимни бил-дириб, барчангизга сщат-саломатлик, хонадон-ларингизга файзу барака, ишларингизга янги-дан-янги омаддар тилайман.

Маргилон ша?фининг, она Узбекистонимизнинг шухрати янада зиёда булсин!

Аллохнинг узи барча эзгу ишларимизда мададкор булсин!

*Мартлон ша%ринннг 2000 йиллигига батшланган тантанали маросимдаги нутк,, 2007 йил 7 сентябрь*

# ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛКДМИЗГА САДОКДТ БИЛАН ХИЗМАТ КИЛИШ - ОЛИЙ САОДАТДИР

Хурматли курултой к,атнашчилари!

Азиз ватандошлар!

Авваламбор, бугун сизлар билан учрашиб, дийдор куришиб турганимдан хурсанд булганимни, барчангизга узимнинг хурмат-э^тиромим ва эзгу тилакларимни изхрр этмок^иман.

Менга катта ишонч билдириб, навбатдаги Узбекистон Республикаси Президенти сайловида мени номзод этиб курсатганингиз учун сизларга, Узбекистон Либерал-демократик партияси Марказий кенгашига, унинг фаоллари ва аъзоларига, бу ташаббусни куллаб-кувватлаган барча сиз юртдошларимга самимий миннатдорлик билдираман.

Албатта, бу юксак ишонч мен учун нихрятда шарафли, шу билан бирга, улкан масъулият эканини жуда чукур хис этаман.

Президент вазифасига, давлатни бошкдриш лавозимига муносиб номзод ^акдда суз борар экан, бу вазифа накддар огир ва ута мушкул эканини, уйлайманки, ^аммамиз яхши тушунамиз.

Бунинг тасдирини жахрндаги купгина давлатлар мисолида куриш ва кузатиш мумкжн. Айникса, узимизнинг якин тарихимизда, мустакилликни кулга киритиш, уни химоялаш ва хар кандай хавф-хатарлардан асращца, янги давлат, янги жамият асосларйни барпо этиш ва юртимйзнинг тарак.-киётини таъмйнлашда бу хакикдтнинг исботини курдик. Ва бу йуддаги тусикдар, кийинчилик ва муаммоларни ечйшда, халкнинг тинчлиги ва осоййшталйгйни асраб, бурнйНй крнатмасдан, ёруг марраларга олиб чщдишда, бйр суз билан айтганда, мана шундай РОЯТ масъулйятли ва мураккаб вазифаларни бажаришда давлат рахбарининг роли ва таъсири кандай катта ахамият ва мохиятга *эта* эканини, уилайманки, яхши англаб олдик. Ана шу хакикатдан келиб чикдан хрдда, бу вазифага узини муносиб курган одам, хеч шубхасиз, аввало, уз табиати, хусусият ва аломатлари билан:

**Биринчидан,** унга ишонган халкнинг ранг-баранглиги, турли миллат ва элатларни узида мужассамлаштирганини хисобга олиб, таъбйр жоиз булса, **уз вужудининг ^ар к,айси хужайраси билан шу халщшнг узвий ажралмас бир кдсми булиши,** ах.олининг дарду ташвишлари, орзу-интилишларини нафакат уз к.алби ва юрагидан утказадиган, балки уларнинг ечимини топиш ва уз вактида окилона хал килишга **aigi-идроки ва тажрибаси,**





**куч-гайрати ва азму шижоати етадиган инсон булиши шарт.**

**Иккинчидан,** бу вазифага узини лойик. деб х.исоблайдиган шахе **уз хал^и ва давлатининг миллий манфаатларини** наинки тула ифода этиши ва собитлик билан хлмоя килиши, айни пайтда хар к.андай FОВ ва к.аршиликка карамасдан, уларни **руёбга чи^ариш йулида бутун борлигани багишлаши, керак булса, жонини фидо к^нлиши зарур,** десам, уилайманки, сиз, хурматли анжуман иштирокчилари мени тугри тушунасиз.

**Учинчидан,** бу юксак лавозим мамлакатимиз олдида турган бугунги долзарб муаммоларни ечиш, энг мухими, эртанги стратегик вазифаларни адо этишда, ички ва ташки сиёсатнинг устувор, х.ал килувчи йуналишларини аниклаш ва амалга оширищда **огох., сезгир ва хушёр булишни,** тез узгариб бораётган х.озирги замонда, глобаллашув жараёнлари тобора кенг туе олаётган ута тахликали бир даврда давлат ва жамият бошкарувида умрини утаб булган, узини окламаётган услуб ва тизимлардан бутунлай воз кечиб, **фацатгина олдинга интилишни, уткир онг ва тафаккурни, янгича фикрлаш ва доимий изланиш билан яшашни талаб кдпади,** десам, бу х.еч кимга сир булмаса керак.

Такрор ва такрор айтишга турри келади — бундай талаб ва ёндашувнинг негизида фак.атгина

Узбекистан манфаати ва яна бир бор Узбекистан манфаати туришини хеч качон унутмаслигимиз л озим.

Табиийки, юкррида зикр этилган мезонлар масаланинг бир кисми, холос. Энг асосийси, танланган йулнинг афзаллигига одамларни ишонтириш, эл-юртни эзгу роялар атрофида бирлаштириш, хаётнинг барча сохдлари буиича пухта ва чукур уйланган дастурва режаларни ишлаб чикишда бош-крш булиш, уларни амалга ошириш учун жамоатчиликнинг куч-кувватига таяниб, кечаю кундуз кандай каттик. мехнат килиш кераклиги х.акдда ортикча гапириб утиришга хржат йук., деб уйлайман.

Албатта, рахбар учун зарур булган бундай ута нозик, ноёб хусусият ва аломатлар, инсоний фазилатлар хдкида хаётнинг пасту баландини биладиган, купни курган одамлар яна янги фикрларни билдириши мумкин. Лекин бундай вазифада утирган рахбар унга нисбатан куйиладиган куп-куп талаблар билан бирга, энг мух.ими, **узининг таъсирчанлиги, к,атъият ва иродаси билан оммани бошк^ариши,** уни турли к.алтис к.адамлардан асраб, турри йулга бошлашга, х.ар к.андай шароитда х.ам одамларнинг рух.ини кутариш, лунда к.илиб айтганда, **^ар кайси инсоннинг юрагига етиб боришга, унинг кучига куч, ишончига ишонч, гайратига райрат кушишга ^одир булиши шарт.**





Мух.тарам анжуман к.атнашчилари!

Юк.орида зикр этилган фикрларнинг бугун кун тартибига куйилган асосий масалага, хеч шубхасиз, бевосита алок.аси борлигини х.аммамиз яхши англаймиз. Яъни шу йил декабрь ойида буладиган Президент сайлови х.акида суз борар экан, ran купрок. шахе, номзод хакида эмас, аввуламбор, Узбекистоннинг келгусида олиб борадиган ички ва ташки сиёсати хакида, мамлакатимиз ва халкимизнинг эртанги куни ва такдири хусусида бориши табиий.

Бошкача айтганда, ran босиб утган йулимизни атрофлича бахрлаб, халк.имиз кул га киритган улкан ютукларни чукур англаган х.олда, **юртимизнинг киёфаси ва даётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай узгартирган сиёсатни изчил давом эттириш ва кузлаган максадларимизга етиш, таракдий топган демократии; давлатлар к.аторидан жой олиш хасида кетмокда.**

Бугун хал^аро жамоатчилик ва кузатувчилар, Халкаро валюта фонди, Жах.он ва Осиё банклари каби дунёдаги энг нуфузли иктисодий ва молиявий ташкилотлар Узбекистоннинг олдинга юриш ва тарак.киёт йулида эришган марра ва ютукдарини, узбек модели деб ном олган янгиланиш ва ислохртларни олиб бориш, уларни амалга ошириш борасидаги муваффакият ва натижаларни, мамлакатимизнинг дунё майдонида урни ва обру-эътибори тобора ошиб бораётганини тан олмокда.

Хакикатан хам, мустакдп таракдиёт йиллари-да мамлакатимиз ривожига 100 миллиард доллардан купрок. инвестиция, хусусан, 25 миллиард доллардан зиёд хорижий сармоялар жалб этилгани, иктисодиётимизда улкан таркибий ва ижобий узгаришларга эришганимиз, шу жумладан, бугунги кувда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички махсулотдаги улуши 43 фоизни ташкил этаётгани аввало узимизга мамнуният етказиши, узгаларни эса хайратда крлдириши табиий хрлдир.

Кейинги йиллар давомида юртимизда ялпи ички махсулотнинг усиш суръатлари 7—8 фоиздан кам булмагани, энг мухими, ахрлининг реал даромадлари 1991 йилга нисбатан 12,7 баробар, 2000 йилга Караганда эса, 2,7 марта ошгани-, диёримиз, шахар ва кишлокларимиз обод булиб, одамларимизнинг чехраси тобора очилиб бораётгани мамлакатимиз ривожланишнинг янги, равон йулига чикаётганининг ёркин далолати, десак, хеч кандай хато булмас. Бундай ютук. ва натижалар, хаммамизга аёнки, уз-узидан пайдо булгани, уларни осонлик билан кулга киритганимиз йук,, албатта.

Бунинг учун, аввало, мамлакатимизни мана шундай таракдиёт боскичига олиб чикдан, чукур уйланган стратегия ва бугун амалга оширилаётган сиёсат керак эди. **Бу сиёсатни кимдир бизга**





**чизиб бергани ёки биз бу масалада кимдандир нусха олганимиз йуХ-** Ёки эски замонда булганидек, бу сиёсатни бизга биров тайёр килиб тепадан тушириб бергани х.ам йук..

Бу сиёсатни, айникса, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида мустабид тузум асорати чуфайли халкимиз ута ожр ва ночор ахволда к.олиб кетган, айтиш мумкинки, боши берк кучага кириб крлган бир шароитда, республикамизни ана шундай РОЯТ мураккаб ва фожиали вазиятдан чикариш максадида факат уз кучимиз, ирода ва имкониятларимизга ишониб-таяниб ишлаб чикдик. Шу маънода, бу сиёсатнинг асосий йуналиш ва тамойиллари айнан мана шундай тахликали замонда яратилди, десак, х.акик.атни айтган буламиз.

Бугун вакт утиши билан уша пайтда эл-юртимизнинг бошига тушган мусибатларни, гаму ташвишларни бартараф этиб, х.озирги мунаввар кунларга етиш йулида к.абул килган режа ва дастурларимиз уз вактида ишлаб чикилгани ва яккаю ягона тугри кадам булганини хаётнинг узи х.ар томонлама тасдикламокда. Уйлайманки, шу борада баъзи бир мисолларни келтириб утсак, куп нарса уз-узидан аён булади.

Келинг, хали совет коммунистик тизими уз хукмронлигини утказиб турган 1989 йилни узимизга тасаввур килайлик. Уша йили май ойининг охири — июнь ойининг бошида бугун Узбекис-

тонни, керак булса, Урта Осиёни портлатиб-ёндиришга олиб келиши мумкин булган, собик. иттифокни ларзага солган, «Фаргона фожиаси» деб ном олган машъум вокеаларни яна хаёлимизга келтирайлик.

Айни шу кунларда нафакат Фаргона водийси, балки Тошкент, Сирдарё ва бошка вилоятларнинг баъзи туманларида вазият ёниб турган бир пайтда мен республика рахбари лавозимига келганимни хали-бери эслайман.

Хеч иккиланмасдан туриб айтиш мумкинки, мана шундай гоят мураккаб ва тахликали кунларда тобора кучайиб, аланга олиб бораётган бу фожианинг таг-томирига етиб бормасдан, асл сабабларини очиб, ошкор килиб бермасдан туриб, бу ута хавфли вокеаларни асло тухтатиб булмас эди.

Шу пайтларда бу вокеаларга гуёки бир тарелка кулупнай можароси сабаб булди, деган енгил-елпи гаплар таркалгани, бизга карши канча-канча уйдирмалар, тухмат ва бухтонлар ёгилгани, хатто халкимизга миллатчи деб ном беришга уринишлар булганини купчилик хамон яхши эслайди.

Хакикатда эса, уша вактда республикамизга нисбатан мутлакр зуравонлик сиёсатининг олиб борилиши, халкимизни камситиш, унинг эхтиёжларини менсимаслик, юртимизда, айникса, ах.оли гоят зич яшайдиган Фаргона водийсида пахта





яккахркимлиги авжига чикиб, иктисодий вазият тобора кескинлашиб бораётгани, одамлар узининг ижтимоий-иктисодий ах.волидан норози булиб, сабр косасининг тулиб-тошгани бу вок.еаларнинг асосий сабабчиси булган эди, десак, хеч кандай хато булмайди.

Узингиз уйланг, азиз дустлар, катакдек бир хрвлида туртта-бешта оила яшаб туриши табиий бир х.олга айланиб кетгани, одамларнинг арзу додини эшитадиган бир рахбар топилмаганига к.андай чидаш мумкин эди?

Бу масаланинг к.атъий ечимини топиш учун бошк.а чора-тадбирлар каторида уша йиллари к.арийб 2,5 миллион оилага жами 400 минг гектар сугориладиган ер кушимча томоркд сифатида берилгани, х.еч шубхасиз, кишлокларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, юртимизда тинчлик ва барк.арорликни саклаб к.олишда улкан тарихий кадам булган эди, десак, янглишмаган буламиз.

Бунда айникса табиий бойликларни, **минерал хом ашё ресурсларини узлаштириш, улардан элюртимиз манфаати, ах.олининг турмуш фаровонлигини ошириш йулида фойдаланиш** алохида ахамият касб этиши уктириб утилди. Сайловчилар билан булиб утган фикр алмашув ва мулокртларда Сурхондарё вилоятидаги Хонжиза, Кашкддарё вилоятидаги Тепакутон, «Шуртан-18» ва Жанубий Тандирча, Навоий вилояти Мурунтов ва Зармитан худудларидаги янги конлар узлаштирилиб, Крракалпористон Республикасидаги Сургил кони негизида Устюрт газ-кимё комплекси барпо этилиши ва шу йуналищда амалга оширилаётган бошка лойщалар, уларнинг мохияти ва ахамияти х,акдда батафсил ахборот берилди. Масалан, биргина Устюрт газ-кимё комплексида кдймати 1,5 миллиард АКШ долларига тенг, йилига 450 минг тоннадан ортик. полиэтилен ва полипропилен махсулоти ишлаб чик.арадиган Узбекистон — Корея кушма корхонаси ташкил этилиши айтиб утилди.

Маълумки, мамлакатимизнинг истикболи ва таракъд1ётини таъминлашда республикамиз иктисодиётининг кон томири булган **энергетика со\ася** бекиёс урин тутади.





Шунинг учун Президентликка номзод Ислом Каримовнинг сайловолди учрашувларида бу масалага алохида эътибор к.аратилди.

Жумладан, Тошкент иссиклик электр станциясининг бут-газ курилмасини куриш ва модернизация килиш буйича амалий таклифлар илгари сурилди. Булойиданинг амалга оширилиши ушбу корхонада 370 меговатт кувватга эга булган бут-газ курилмаси негизида янги энергия ишлаб чик,ариш технологияларини жорий этиш ва ёкклти сарфини 22 фоизга камайтириш имконини бериши, шунингдек, табиий газни тежаш хисобидан йилига 55 миллион доллар иктисодий самара олинииш таъкидданди.

Бу сохадаги яна бир йирик иншоот — Навоий иссиклик электр станциясида замонавий бут-газ курилмасини урнатиш ва модернизация ишларининг бажарилиши энергия истеъмолини камайтириш билан бирга, электр энергияси нархининг усишига йул куймаслик имконини бериши х.акида фикрлар билдирилди.

Айни вактда ах.олини ва халк. хужалиги тармокларини электр энергияси билан мунтазам равишда таъминлаш максадида Янги Ангрен иссиклик электр станциясининг юкрри вольтли «Узбекистон» йуналишини куриб битказиш кузда

тутилаетгани хам сайловолди мулокртларида эътибордан четда крлмади. Бу лойихани амалга ошириш туфайли Фаргона водийсини юртимизнинг умумий энергия тизими билан бевосита боглаш ва ахрлини баркдрор электр энергияси билан таъминлаш имконияти юзага келишини инобатга оладиган булсак, унинг амалий томондан накадар мухим ахамиятга эга экани уз-узидан аён булади.

Мамлакат истикболини белгилаб берадиган **саноат сохасини жадал ривожлантириш** билан боглик; иктисодий ислохртларимизни амалга ошириш бундан кейин хам доимий дикдат марказимизда булади, деди Ислом Каримов. Айникса, тукимачилик, фармацевтика, курилиш материаллари ишлаб чикариш, автомобилсозлик ва енгил саноат тармок.ларини янада ривожлантириш, шу асосда ахрлини доимий иш билан таъминлаш келгуси режаларимизда мухрм урин эгаллайди.

Шулар каторида **кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хизмат курсатиш сохдлари ^амда касаначиликни ривожлантириш** буйича амалга оширилаётган ишлар изчил давом эттирилади.

Албатта, бугунги кунда замонавий негизда ривожланиб, янги-янги тармокдарга эга булиб бораётган саноатимизнинг к.иёфасини курсатадиган узгариш ва янгиланишлар, бу сох;ада амалга оширилаётган йирик лойщалар х;акида





куп гапириш мумкин. Лекин бу уринда биргина мущм йуналиш — юртимизда замонавий автомобиллар ишлаб чик.ариш куламини янада кенгайтириш билан боглик. масалага тухталиб, шуни айтиш керакки, жа^ондаги йирик «Женерал моторе» компанияси билан эришилган лик туфайли автомобиллар ишлаб чикариш мини ^озирги 170 мингтадан келгуси йилда 200 мингтагача, кейинчалик эса йилига 250 мингтага купайтириш имконияти пайдо булади.

Энг мудими, ишлаб чик.арилаётган машиналарнинг моделлари янгиланади. Жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб «Женерал моторе» компанияси билан здмкорликда «Эпика», «Каптива» ва «Такума» моделларини ишлаб чик.ариш бошланди. Янги русумдаги бу машиналар ички ва ташки бозорда аллакачон уз харидорларини топиб улгургани бу лойиданинг к.анчалик истик.болли эканини курсатиб турибди.

Барчамизга аёнки, мамлакатимиз иктисодий таракдиётида **щпшкщ хужалиги** мухим урин тутади. Бинобарин, сох.ани барк.арор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, шу асосда х.осилдорликни юксалтириш, ирригация тизимларини модернизация килиш масаласи бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб ва устувор вазифалардан бири хисобланади.

Шу максадда якинда Президент кдрори билан тасдикланган дастур кабул килиниб, махсус Мелиорация жамгармаси ташкил этилди. Ушбу дастурга биноан, 2008—2012 йиллар давомида янги коллектор-дренаж тармокларини куриш, мавжуд тармокларда эса реконструкция ишларини амалга ошириш кузда тутилмокда.

Самимий сухбат ва бевосита мулокрт шаклида булган сайловолди учрашувларида шу борада Крракалпогистон Республикаси ва хар кайси вилоятда амалга ошириладиган ишлар кулами аник, ракам ва далиллар асосида тахлил килиб берилди.

Айни вактда юртимизда сугориш ишларини янада яхшилашга хизмат киладиган, сигими 200 миллион куб метр булган Резаксой сув омборининг иккинчи навбати курилиши янги йилда давом эттирилиб, Жийдалисой сув омбори курилишида катта хджмдаги ишлар бажарилиши ва шу йуналишдаги бошка бир кдтор вазифалар хусусида хам атрофлича фикр юритилди.

Шунингдек, булиб утган учрашувларда якин келажакда мамлакатимизда етиштирилаётган кишлок.хужалиги мах.сулотлари, аввалambор мева-сабзавот ва узумни **^айта ишлаш тармогани** янада ривожлантириш, шунинг хисобидан одамлар-ни иш билан таъминлашга устувор ахамият к.аратилиши алохида 1^айд этилди.





И слом Каримов мамлакатимизда **фермерлик \.||)акати** жадал суръатлар билан ривожланиб, чл;|мларнинг ерга, ишга булган муносабати узгпраётгани, уз мехнатидан манфаатдорлик туигуси кучайиб, уларнинг дунёкараши, онгу тафаккури юксалаётганини мамнуният билан таъкид-и;|ди.

Шу билан бирга, шахсий ёрдамчи, дехдон ва фермер хужаликларида к.орамоллар бош сонини і<уі 1айтиришни рагбатлантириш дастурига мувофик„ сердаромад тармок. булмиш **чорвачиликни ривожлантириш,** зооветеринария хизмати шохобчалари, шунингдек, омухта ем сотадиган ва бошка хизматлар курсатадиган тармокларни ташкил этиш буйича комплекс амалий ишлар режаларини таклиф •*ущи.* Шу борада етиштирилаётган чорвачилик мах.-сулотларини кайта ишлаш х.ажмини ошириш мак.-садида минитехнологиялар асосида ишлайдиган ихчам корхоналар ташкил этишга алохида эътибор каратди.

Ислом Каримовнинг сайловолди учрашувларидаги чик^ишларида одамларнинг огирини енгил килиш, халкимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш билан боглик. **ижтимоий вазифалар тащили** айникса мух.им урин тутди.

Аввалambор, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий маъно-мазмунидан келиб чиккан х.олда, **«Исл(щот — исло^от учун**

**эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун»** деган хаётий даъват хар кайси рахбар фаолиятининг марказида туриши лозимлиги такрор ва такрор уктириб утилди. Айнан ана шундай талаб ва мезонлар асосида истиклол йилларида мамлакатимизда ижтимоий сох.алар ривожига оид куплаб дастурлар кабул килингани ва изчил амалга оширилаётгани барчамизга яхши маълум. Айни пайтда бу борада хали килиниши лозим булган ишлар хам куп экани кайд этилди.

Ислом Каримовнинг сайловолди чикишларида **ахрлини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш** буйича давлат дастури доирасида утган давр мобайнида жуда катта ишлар амалга оширилгани аник, мисоллар асосида курсатиб берилди ва бу хаётий мухим масалага бундан буен хам жиддий эътибор каратилиши алохида таъкидланди. Шу максадда юртимизда янги сув тармокдари ва сув тозалаш иншоотларини барпо этиш, мавжудларини модернизация килиш ва уларнинг кувватини янада ошириш борасида лойихалар белгилангани сайловчиларга маълум килинди.

Хусусан, бу масала энг уткир булиб турган Кррак.алпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти ахолисининг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш мак.садида давлат бюджетидан ажратиладиган кушимча маблаг ва Осиё таракдиёт банкининг имтиёзли кредити асосида ишлаб чикилган





махсус лойих.ага мувофик., худудца 2010 йилгача ах.олини ичимлик суви билан таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ишлари бошланди. Хитой хукумати томонидан ажратилган имтиёзли кредит хисобидан эса 2008—2012 йиллар мобайнида минтаканинг 17 та шах.ар ва туманида 275 минг ахрли эхтиёжини таъминлайдиган ичимлик суви тармокдарини ишга тушириш режалаштирилмокда.

Бундан ташкари, Осиё тараккдёт банки кредити ва давлат бюджетидан ажратиладиган маблаг хисобидан мазкур худудда 560 мингдан ортик. киши истеъмол килаётган сувнинг сифатини яхшилашга дойр чора-тадбирлар амалга оширилади. Бундай кенг куламли ишлар республикамизнинг бошка вилоятларида х.ам изчил давом эттирилади.

Масалан, якин икки йилда Жиззах вилоятида умумий узунлиги 280 километр булган янги тоза ичимлик суви тармоги курилади. Мазкур лойи\анинг амалга оширилиши натижасида вилоятда ах.олини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси хрзирги 73 фоиздан 85 фоизга етади.

Ислом Каримов сайловчилар билан учрашувларда яна бир мухим вазифа — **а^олини табиий газ билан гаъминлашни** яхшилаш масаласига тухталар экан, мамлакатимизнинг барча шахар ва кишлокдарида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилишини кайд

этиб, якин келажакда амалга ошириладиган режалар хакида уз карашларини баён килди.

Бу борада мулжалланган лойихалар орасида Фаргона водийси ахрлисини табиий газ билан таъминлашни баркарорлаштириш максадида 2008 йилда Кдмчщ довони оркали янги магистраль газ кувури ёткизиш ишларининг бошланиши алохида урин тутади. Ушбу лойихани амалга оширишга «Узбекнефтгаз» компанияси билан бирга мамлакатимизда ана шундай стратегик лойщалар учун махсус ташкил этилган Тикланиш ва тараккдёт жамгармаси маблаглари, шунингдек, хорижий банклар кредитларини жалб этиш кузда тугилмокда.

Сунгги вактларда иктисодиётимиз ривожланиб, одамларимиз турмуш даражасининг юксалиб бориши туфайли нафакат шахдрларда,' балки кишлокларда хам янги уй-жойлар куриш кулами кенгайиб бораётгани кишини кувонтиради.

Ислом Каримов вилоятлардаги бундай ижобий ишларни таъкидлар экан, айни пайтда **ахолини уй-жой билан таъминлаш, якка тартибда уй-жой цуриш, коммунал хужаликни исло^ этиш ва модернизация килиш** ишларини такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифаларга эътиборни к.аратди.

Чунончи, мамлакатимиз буйича 1991 йилгача курилган купкаватли уйларни белгиланган тартибда





капитал таъмирлаш ишларини охирига етказиш, жойларда ах.олининг уй-жойга нисбатан усиб бораётган эхтиёжини урганиб бориш ва шу асосда купк.аватли уйлар курилиши ва якка тартибда уй-жой куриш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, бу борада айникса ёш оилаларнинг талаб ва эхтиёжларини хисобга олиш масаласига алохида ургу берилди.

Виз бу масалада энг макбул йулни танлаганимизни бугун хаётнинг узи курсатмокда, деди Ислом Каримов. Бунта юртимизда мазкур сохдда олиб борилаётган ишлар ва эришилаётган натижалар мисол була олади. Масалан, биргина Наманган вилоятида 2008—2009 йилларда 1 миллион 380 минг квадрат метр, шундан кишлок. жойларда 1 миллион 260 минг квадрат метр уй-жой курилиши, бунинг учун 95 миллиард сум маблаг сарфланиши режалаштирилмокда. Бундан ташк.ари, келгуси йилда ах.олига уй-жой куриш учун 2 миллиард сум микдорида ипотека кредитлари ажратилади, шунингдек, ёш оилалар учун Крракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрида купкаватли уйлар курилиб, фойдаланишга топширилади.

Айник.са, бу борада эхтиёж катта булгай пойтахтимизда якин беш йилда 1 миллион 400 минг квадрат метр уй-жой, жумладан, ёш оилалар учун 22 та купкаватли уй курилиши мулжалланаётганини таъкидлаш лозим.

Бундай кенг куламли бунёдкорлик ишлари бошка вилоят, шахар ва туманларда хам амалга оширилади.

Юрт ободлиги, халк. фаровонлигини таъминлаш билан боглик. долзарб ижтимоий масалаларни уз вактида хал килиш, сохага ажратилган маблаглардан самарали фойдаланиш, янги сармоялар топиш билан бирга, фукароларнинг манфаатларини таъминлаш бундан буен хам асосий вазифамиз ва бурчимиз булиши зарур, дея кайд этди Ислом Каримов.

Барчамиз яхши биламизки, **замонавий транспорт ва коммуникация тармокларини** ривожлантирмасдан туриб, биз уз оддимизга куиган юксак марраларга эриша олмаймиз. Шунинг учун хам булиб утган учрашувларда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, янги йул ва куприклар куриш, шахарлар, кишлоклар, махаллалар худудидаги йулларни таъмирлаш, талаб даражасида саклаш буйича ишлаб чщдшган аник, лойида ва режалар ^акида атрофлича суз юритилди.

Бу х,акда гапирганда, жумладан, 2008 йилнинг охирига бориб ишга туширилиши мулжалланаётган 114 километрлик Тошкент — Ангрен электрлаштирилган темир йул участкаси, кейинги йилларда барпо этилган «Навоий — Учк,удук. — Султон Увайстог — Нукус» темир йули, Рузор — Бухоро — Нукус — Кунгирот — Бейнов





автомобиль йули каби мамлакатимиз иктисодий ривожида мухим урин тутадиган транспорт-коммуникация тизимидаги курилишларни давом эттириш, истикдол даврида барпо этилиб ишга туширилган К,амчик. автомобиль йулини янада кенгайтириш мух.им урин тутишини айтиб утиш керак.

Яьдш йилларда бу йуналишда Наманган ва Андижон вилоятларини боглайдиган, узунлиги 287 метрлик, шунингдек, Сайхунобод туманида Катта узбек тракти буйлаб, Амударё узра эса Кррак.алпогистоннинг Беруний туманини Хоразм вилоятининг Урганч тумани билан туташтирадиган янги куприклар бунёд этилиши х.акида х.ам сайловолди учрашувларида ахборот берилди.

Яна бир йирик лойиха — Сирдарё вилоятининг Окрлтин туманини Тошкент вилоятининг Ох,ангарон шахри билан боглайдиган янги йулнинг барпо этилиши мамлакатимизнинг бошк,а минтак,аларидан Фаргона водийси вилоятларига катновчи йуловчи ва транспорт воситаларининг Тошкент шахрига кирмасдан тугри водийга утиш имконини яратиб, харажатларнинг камайишига, энг мухими, вактнинг сезиларли даражада киск,аришига хизмат кдиади.

Ислом Каримов **йул, транспорт-коммуникация тизимида** амалга ошириладиган бундай кенг куламли ва салмокли ишлар хякида фикр юритар экан, бу

магистраль йуллар нафакат узининг иктисодий самараси, балки худудларда тегишли инфратузилмаларни ривожлантиришга, аввало, савдо ва умумий овкатланиш корхоналари, ёкилги куйиш шохобчалари, хизмат курсатиш тизимларининг кенгайиши ва шу оркали кушимча иш уринлари ташкил этилиши, ободончилик ишларини амалга ошириш учун хам шароит яратиши билан алохида ахамиятга эга эканини кайд этди.

Тошкент шахри сайловчилари вакиллари билан булиб утган учрашувда хам Ислом Каримов бу масалага яна бир бор тухталиб, пойтахтимизда автомобиллар сони тобора купайиб бораётгани, бу ерда транспорт катнови масаласини окилона хал этиш зарурлигига эътиборни каратди. Шахар транспортини ривожлантириш бош режасига мувофщ, якин уч йил мобайнида бу ерда НО километрлик янги йул тармоклари, иккита мухташам куприк курилиб, шахарнинг марказий кисми ва туманларини борлайдиган йуллар реконструкция килиниши хамда замонавий транспорт воситалари билан таъминланиши кузда тутилаётгани хакида фикр алмашилди.

Ислом Каримов мана шундай узгариш ва янгиланишлар, **к^рилиш ва ободончилик ишларини** юртимизнинг барча вилоят, шах.ар ва туманларида, олис к.ишлокларда х.ам амалга ошириш белгилангани, айник.са, вилоят марказлари узига хос миллий ва замонавий киёфага эга булиши





х.акида гапириб, бу хусусда х.ам уз фикр-мулохазалари, таклиф ва тавсияларини биддирди.

Сайловолди учрашувларида биз уз олдимизга куйган эркин ва обод, фаровон хает куришда замонавий билим, юкрри касб малакасига эга булган, уз юрти ва халкига садок.атли ёш авлодни тарбиялаш нак.адар масъулиятли масала экани к.айта-к.айта таъкидланди.

**Таълим-тарбия масаласи** мустакиллигимизнинг биринчи кунларвдан бошлаб бугунимиз ва келажагимизни х.ал киладиган энг устувор ва долзарб вазифа сифатида юртимизда кун тартибига куиилди. Бугунги кунда бу сохада амалга оширилаётган улкан ишлар, фарзандларимизнинг х.ар томонлама баркамол булиб улгайиши учун яратилаётган замонавий шароитлар туфайли ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий жщатдан хеч кимдан кам булмасдан вояга етаёттани барчамизга мамнуният етказади, деди Ислом Каримов.

Очик. айтиш керакки, уз вактида узокни уйлаб **Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини** ишлаб чик,-канимизда х.ам, кейинчалик унинг мантилий давоми булган **Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури** устида иш олиб борганимизда х.ам бу борада белгиланган ишларнинг х.ажми ва микёсини куриб, уларни бажара олишимизга шубхя килганлар узимизда хам, четда хам куп булган эди.

Бугун шуни рурур билан айта оламизки, тахминан 1 триллион сум маблаг талаб килаётган мана шундай улкан лойихани биз юртимизда узимиз, уз кучимиз билан амалга оширмокдамиз.

Таълим-тарбия сохасида эришаётган бундай улкан ютукдаримизни халкаро ташкилотлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти буладими, ЮНЕСКО ёки ЮНИСЕФ буладими, дунёдаги тараккий топган давлатлар буладими — барча-барчаси тан олаётгани хаммамизга рурур ва ифтихор багишлайди, эртанги кунга булган ишончимизни мустахкамлайди.

Ёшларимизни жамият хаётида хал килувчи кучга айлантириш максадида **2008 йилни юртимизда «Ёшлар йили»** деб эълон килганимиз бу эзгу ишларни янги боскичга кутариш, унинг самарасини оширишга хизмат килиши шубхасиз.

Ислом Каримов ижтимоий соханинг мухим тармоги булган **СОРЛИДНИ caigiain тизимида** хам салмокли ишлар амалга оширилаётгани хакида тухталар экан, бу борадаги ислох.отлар мустакдилигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб аник, максадни кузлаб олиб борилаётгани ва бугунги кунда уз натижасини бераётгани хакида чукур тахлилга асосланган фикр ва хулосаларни баён килди. Факат СОРЛОМ миллат, СОРЛОМ халк, буюк ишларга ь^одир булади. Шунинг учун х.ам ах.оли саломатлигини мустахкамлаш масаласига мамла-





катимизда устувор ах.амият берилмокда. Бугун нафакдт шах.ар ва туман марказларида, балки юртимизнинг олис ва чекка худудларида х.ам энг замонавий асбоб-ускуналар билан жих.озланган тиббиёт масканлари фаолият курсатаётгани ана шундай юксак эътибор самарасидир.

Якинда мамлакатимизда СОРЛИКНИ сакдаш тизимини ислох. килишни янада чукурлаштириш туррисида махсус карор кабул килинди. Ана шу карорга биноан, 2008—2012 йилларда куп тармокли тиббиёт ва диагностика марказларини хамда туман тиббиёт бирлашмаларини боскичма-боскич капитал таъмирлаш, уларни энг сунгги замонавий асбоб-ускуналар билан жихрзлаш буйича дастур тайёрланмокда.

Шунингдек, бир кагор шахар ва туманларда куп тармокли марказий поликлиникалар барпо этиш режалаштирилиб, кишлок. врачлик пунктларида хизмат курсатиш сифатини янада ошириш буйича ишлар бундан буен хам изчил давом эттирилади.

Хеч кимга сир эмас - х.ар кайси халк., х.ар к.айси жамият авваламбор узининг юксак интеллектуал салохияти, маданият ва маънавияти билан кучлидир. Мамлакатимизда бундай салохиятни узида мужассам эттан ташкилот ва муассасалар фаолиятини янада юксалтиришга алохида эътибор каратиб келинмокда ва бундан кейин хам шундай булиб копали.

Миллат таракдиётининг кузгуси булмиш бундай ноёб бойлик билан барчамиз хакли равишда фахрланамиз, деди Ислом Каримов. Лекин шуни очик. айтиш керакки, **илму фан, адабиёт, маданият ва санъат, таълим-тарбия, маънавиятимизни янада юксалтириш** йулида узининг мехнати ва истеъдодини багишлаган захматкаш инсонларни етарли даражада куллаб-кувватлаш ва кддрлаш борасида хали куп иш килиниши керак.

Сайловчилар билан булган учрашувларда биз учун устувор ахамиятга эга булган **маънавият сохасщаги** долзарб масалалар буиича хам мухим фикр ва хулосалар, амалий таклифлар илгари сурилди. Жумладан, мамлакатимизнинг иктисодий ва интеллектуал салохиятини, халкимизнинг маданияти ва маънавиятини ривожлантиришга катта хисса кушиб келаётган юртдоишаримизни муносиб рагбатлантириш ва кушимча равишда моддий куллаб-кувватлаш туррисида кабул килинган махсус фармоннинг мохияти ва ахамияти хакида фикр юритилиб, унта мувофик,, илму фан, адабиёт, таълим-тарбия, маданият, санъат хамда бошка соха ва тармокдар буиича давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор булган шахсларга ана шу унвонлар учун туланадиган кушимча хак. микдори тегишли равишда 2-3 мартага оширилиши айтиб утилди.

Ислом Каримовнинг сайловолди чикишларида айникса ёшларнинг к.алби ва онгини турли





зарарли таъсирлардан асраш, бой тарихимиз, бетакрор миллий к.адриятларимиз, аждодларимизнинг бебахр меросини, мук.аддас динимизни сохталаштиришга к,аратилган хавф-хатарлардан доимо огох. булиш, бугунги нотинч ва тахдикали дунёда узлигимизни саклаб, аждодларимиз кимлар, кандай буюк зотлар булганини чукур англаб, улар билан фахрланиб яшашимиз лозимлиги таъкидланди. Бунинг учун **маънавий-маърифий ишларни** замон талаблари асосида янги босқичга кутариш зарурлиги к.айд этилди.

Булиб утган учрашувларда бугунги серкирра х.аётимизнинг бошк.а сох.а ва тармокдарида руй бераётган узгаришлар, уларни янада ривожлантириш буиича х.ал килишимиз лозим булган вазифалар х.ам кенг тахлил этилди.

Бугун биз кулга киритаётган юксак марраларга етипща юртимизда яшаётган х.ар к.айси инсон, миллати, тили ва динидан катьи назар, менинг х.ам мех.натим, хизматим бор, деб бошини баланд кутариб яшашга х.аклидир, деб таъкидлади Ислом Каримов. Биз уз олдимизга куиган улкан ва эзгу максадларимизни амалга оширишда барча эришган ютук. ва галабаларимизнинг ижодкори ва бунёдкори булган, бу хаётда не-не синов ва машакдатларни бошидан кечирган **мард, олижаноб ва багрикенг, бунёдкор халк^имизга таянамиз.**

Мен аввало шу муьтабар юртнинг тупрогини кузига тугие килиб яшаётган, узининг куч-кудратига ишонган, буюк келажагини уз кули билан бунёд этаётган халкимиз олдида чукур хурмат билан бош эгаман, бутун Узбекистон халкига бундан буен хам сидкидидцан, садокат билан хизмаг килишни узим учун шарафли бурч, деб биламан, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодаг, хонадонларингизга файзу барака тилайман, деди пировардида Ислом Каримов.

.

:

## АСОСИЙ МАК£АДИМИЗ - ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ЗДЁТ БАРПО ЭТИШ ЙУЛИНИ КДТЬИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

Ассалому алайкум, мухтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар оркали бутун халкдмизни кутлуг сана — Конституциямиз байрами билан чин калбимдан табриклаб, барчангизга узимнинг юксак хурмат ва эхтиромимни билдираман.

Бугун биз х.аётимизнинг Асосий Крнуни булмиш мустакдл Узбекистонимиз Конституцияси к.абул кдлинганининг 15 йиллигини кенг нишонламокдамиз.

Барчамиз шу утган давр мобайнида юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, мамлакатимизнинг кдёфаси ва х.аётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай узгартириб бораётган ислох.от ва янгиланиш жараёнлари замирида, аввало, Конституциямизнинг принцип ва талаблари турганини куриб, кузатиб келмокдамиз.

Хакякатан х.ам, бугун босиб утган йулимизни танк.идий ва холисона бахрлар эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод

жамият куриш, инсон хукук. ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салохияти ва кудратини, халкимизнинг хает даражасини юксалтириш, халкаро майдонда узимизга муносиб урин эгаллаш йулида кандай улкан марраларни кулга киритган булсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йул-йурик.-ларни огишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Шунинг учун хам давр утиши билан биз Конституциямизнинг ахамияти ва мохиятини, хаётимиздаги урни ва таъсирини, кадр-кимматини янада чукуррок. англаб бормокдамиз ва унга булган хурмат-эътиборимиз тобора ортмокда, десак, айни хакикатни айтган буламиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Бугун Конституциямиз кабул кшпшганининг 15 йиллигини нишонлар эканмиз, барчамиз учун катта бир имтихрн булмиш Узбекистан Республикаси Президентлигига буладиган сайловни юксак даражада утказиш масаласи хакида тухталиб утсак, ма^садга мувофик, булади, деб уйлайман.

Авваламбор, Конституциямизда сайловларни, жумладан, давлат рах.бари сайловини демократах асосда, замон талаб киладиган даражада утказиш аник, ва равшан белгилаб берилгани х.аммамизга яхши маълум.





Бу х.акда гапирганда, бугун мамлакатимизда амалда жорий этилаётган Президент сайлови тугрисидаги к.онуннинг Конституциямизда мухрлаб куйилган талабларга тулик. асосланган хрлда ишлаб чикилгани ва шу билан бирга, халк.аро андозалар, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси бу борада инобатга олинганини таъкидлаш лозим.

Бизнинг Асосий Крнунимизда сайлов тугрисидаги махсус 23-боб мавжуд булиб, бу масала бундан ташк.ари яна ундан зиёд к.онунларимизда уз ифодасини топган.

Юртимизда утказиладиган бу галги сайловнинг узига хослиги ва эътиборга сазовор томонлари х.акида гапирганда, шуни айтиш керакки, республикамизда давлат рахбари лавозимига номзодларни курсатиш хукуки сиёсий партияларга берилган.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида тобора мустахкам урин эгаллаётган ва халкимиз уртасида узига эътибор тортаетган, ах.олимизнинг маълум ижтимоий гурухлари манфаат ва интилишларини ифода этишга крдир булган партияларга ана шундай хукук. берилиши уз навбатида барча демократик норма ва талабларга тулик. жавоб беради.

Шу билан бирга, партия аъзоси булмаган ахрли номидан уларнинг орзу-умидлари ва хохиш-иродасини ифода этиш макрадида сайловчиларнинг

ташаббускор гурухи томонидан курсатилган номзод хам бу сайловда катнашмокда.

Вир суз билан айтганда, биз бугун амалга ошираётган сайлов тизимининг модели чукур ва атрофлича уйланган булиб, халкаро андозалар ва дунёдаги демократик давлатларнинг илгор тажрибасига суянган хрлда, халкимизнинг анъанавий кадрият ва карашларини хам тулик. акс этгиради, десак, уйлайманки, хар томонлама тугри булади.

Хозирги кундаги энг мухим ва долзарб вазифамиз — Президент сайловини Конституциямиз, крнунларимиз ва халкаро меъёрларга катьий риоя килган хрлда утказишда узимизнинг сиёсий ва хукукий савиямизни намоён этишдан иборат. Бу хакда гапирганда, куйидаги масалаларга алохида эътибор каратишимиз зарур, деб уйлайман.

Авваламбор, сайловнинг барча жараёнларида к,онун устуворлиги ва эркинлик хукмронлигини таъминлашимиз, барча номзоддарга генг шароитлар тугдириб бериш, совет давридан к.олган, Х.али-бери учраб турадиган баъзи бир тартиб ва крлиплардан бутунлай воз кечишимиз даркор.

Шу билан бирга, сайловни амалдаги к.онунларимизга тула итоат килган х.олда утказиш ва х.ар к.андай давлат-маъмурий идоралари томонидан, умуман четдан туриб бу жараёнга таъсир курсатишга йул куймасликка алох.ида ах.амият беришимиз керак.





Келгуси сайловга халк.аро жамоатчилик томонидан кандай бах.о берилиши сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакилларига, мах.аллий ва хорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситаларига уларнинг уз хукук. ва бурчларини амалга ошириши учун кай даражада шароит яратиб беришимизга боглик^ эканини унутмаслигимиз зарур.

Бугунги ахборотларга мувофик., чет мамлакатлардан ва нуфузли халкаро ташкилотлардан, ту жумладан, Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик ташкилотидан сайловни кузатиш учун келаётганлар сони 300 кишига якин булиб, хаммаси булиб 23 минг 300 киши сайловимизни кузатади.

Булар каторида Европа, Осиё, Америка Кушма Штатлари, мусулмон ва араб давлатларининг вакиллари сайлов жараёнлари к.андай утишини кузатади. Шу фурсатдан фойдаланиб, бир масалага алохида ургу бериб тухталмокчиман.

Хеч кимга сир эмас — бугунги кунда х.ам Узбекистон ва Америка Кушма Штатлари, Европа давлатлари орасида х.али-бери давом этаётган кандайдир узаро тушунмовчилик х.акида башорат килувчилар, бошк.ача айтганда, шундай муносабатларни саклаш ва шундан манфаат топиш тарафдорлари борлигини сезиш, кузатиш кийин эмас.

Бундай х.олатларга нисбатан нима дейиш мумкин?

Узбекистан узининг ташки сиёсатида барча якин ва узок, кушнилар билан, шу жумладан, Америка Кушма Штатлари ва Европа билан хам узаро манфаатли, узаро хурмат ва хамкорлик алокаларини олиб боришнинг доимо тарафдори ва бу йулдан биз хеч качон кдйтмаймиз.

Ишонч билан айтиш мумкин — бугунги кунда бундай алокаларнинг замини тобора мустахкамланмокда ва биз бундан манфаатдормиз.

Мухтасар килиб айтганда, навбатдаги сайловни Конституция ва крнунларимизда белгиланган тартибда — очик., холис ва хакдоний асосда, хеч кимдан кам булмаган юкрри даражада утказишнинг мохияти ва ахамиятини бугунги кунда сайловчиларимиз, бутун халкимиз чукур англамокда, десам, уйлайманки, бу фикрга барчангиз кушиласиз.

Ишончим комилки, купни курган, к.анча-к.анча синовлардан утган халкимиз бу сайловда фаол иштирок этиб, узининг эзгу орзу-макрадларини руёбга чик.ариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг таракдиёти учун овоз беради.

К^адрли ватандошлар!

Барчамизга маълумки, дунёда «узбек модели» деган ном билан тан олинган мустакил таракдиёт йулимизнинг негизида турган машхур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдан иборатдир.





Мустакилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий тасдиги сифатида шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий сохага йуналтирилаётган маблаглар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йидда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу курсаткич 54,6 фоиз даражасида булиши белгилаб куйилган.

Бундай курсаткичлар бошк.а давлатлар тажрибасида камдан-кам учрайдиган х.ол, десак, бу — айни хакикатдир.

Ана шу сиёсатни изчил давом эттириш, унинг самарадорлиги ва таъсирини ошириш, жамиятимизда инсонпарварлик, мехр-окибат ва саховат мухитини янада мустахкамлаш мак.садида 2007 йил юртимизда «Ижтимоий химоя йили» деб эълон килингани ва шу асосда кабул килинган махсус давлат дастури йил мобайнида амалга ошириб келинаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Еттита устувор йуналишдан иборат булган, юзлаб мухим тадбирларни узига к.амраб олган бу купкиррали дастурнинг ижроси хакдда, албатта, йил якуни билан хисоботлар берилади ва холис хулосалар чикарилади.

Энг мухими, бу дастурда белгиланган режа ва тадбирларни бажаришда юксак фаоллик ва жонкуярлик курсатган, узининг катта х.иссасини кушган ташкилотлар ва инсонлар х.акида мат-

буотимиз, радио-телевидение оркали жамоатчилигимизга атрофлича маълумотлар етказилади ва уларнинг мехнатига, савобли ишларига хак.-крний бахр берилади.

Рухсатингиз билан, мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, умуммиллий туе олган, мамлакатимиз ва халкимиз, узок; ва як,ин шахар-ьдишлок,-ларимиз хаётида чукур из крдцирган ушбу дастурнинг асосий якунлари хакида, амалга оширган энг мухим ишларимизнинг натижаси ва самараси хусусида кискача тухталиб утмокчиман.

Хдммамизга аёнки, кенг камровли, аввалambор, инсон хаёти ва унинг манфаатларини химоялаш билан борлик. йуналиш ва тармокларни узида мужассам этган ижтимоий соха ривожини таъминлаш, уни янги боскичга кутариш, бу сохадаги муаммоларни ечиш, бир суз билан айтганда, биз бугун олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсат ва бу борадаги ислохртлар биринчи навбатда узининг крнуний асосларини мустах.-камлашни талаб ьддлади. Шу ма^садца «Ижтимоий химоя йили» давлат дастури буйича йил давомида 26 та крнун ва норматив-хукукий хужжатлар кабул килинди.

Шулар к.аторида ижтимоий хаётимизда, х.еч шубх.асиз, РОЯТ мух.им урин тутадиган ва катта таъсир кучига эга булган «Узбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий химояси тurри-





сида»ги ва «Болалар хукукларининг кафолатлари туррисида»ги, шунингдек, «Хомийлик туррисида»ги ва «Йод танкислиги касалликларининг олдини олиш туррисида»ги к,онунлар, айник.са, эътиборга сазовордир.

Айни пайтда ижтимоий тизимни, шу билан боглик. х.олда марказда ва жойларда бу вазифага масъул булган идора ва ташкилотлар фаолиятининг самарасини янада ошириш мак.садида Узбекистон Республикаси Президентининг махсус фармон ва карорлари к,абул килинди.

Хусусан, Мехнат ва ах.олини ижтимоий мухрфаза килиш вазирлиги, унинг вилоят, туман ва шах.ар булимларини тубдан ислох. килиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий куллаб-кувватлашга дойр кушимча чора-тадбирлар туррисидаги фармонлар, уйлайманки, х.аётимизда бу сох.ани янада такомиллаштириш ва унинг амалий таъсирини ошириш борасида мухим кадам булди.

Бу йуналишдаги ишлар бугунги кунда давом эттирилмокда.

Дастурда курсатилган тадбирларни амалга оширишда «Мехрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, бокувчисини йук.отган болаларга давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва рамхурлигини кучайтириш, шу тарика «Сен ёлриз эмассан» деган даъватни хар жщатдан мус-

тахкамлашга каратилган ишлар алохида урин эгаллайди.

Жорий йил мобайнида 15 та махсус мактаб-интернат ва «Мехрибонлик» уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сумлик курилиш-таъмирлаш ва жихрзлаш ишлари бажарилганини, Халк. таълими вазирлиги томонидан «Мехрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сумлик кийим-бош ва зарурий жихрзлар олиб берилганини кайд этиш лозим.

Шуниси эътиборга лойикки, бу савобли ишларга жойларда купгина ташкилот ва хрмийлар хам уз хиссасини кушмокда. Мисол учун, Самарканд, Навоий ва Жиззах вилоятларида шу максадда карийб 580 миллион сумлик маблаг сарфлангани бунинг тасдигидир.

Бу хакда гапирганда, бажарган ишларимиз орасида алохида ажралиб турадиган хайрли бир тадбир хакида тухталиб утишни истардим. Жорий йил давомида давлат бюджетидан 4 миллиард 600 миллион сумга якин маблаг сарфланиб, республикамиздаги 28 та «Мехрибонлик» уйи хамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатга узимизда — Самарканд шахрида ипшаб чикарилган 114 та замонавий автобус берилди, 4 та оилавий болалар уйи эса «Дамас» микроавтобуслари билан таъминланди.

Ана пгундай эзгу ишларимиз хакдца гапирганда, уилайманки, Алишер Навоий бобомиз-





нинг чукур маъноли сузлари беихтиёр барчамизнинг хаёлимизга келади. Яъни, улут аждодимиз айтганидек, кунгли ярим бир инсоннинг дардига хамдард булиш, унинг рухини кутариш бамисоли бутун жах.онни обод килиш билан баробардир.

Бинобарин, биргина мана шу тадбир туфайли юзлаб калби уксик болаларимизнинг к.андай хурсанд булганини, уларнинг кувончини, энг мухими, такдир синовлари олдида улар узининг х.еч к.ачон ёлшз к.олмаслигини, давлатимиз, халкимизнинг ишончли химоясида булишини яна бир бор хис этганини тасаввур килиш кийин эмас.

Дастур доирасида ах,олининг кам таъминланган, кумак ва ёрдамга мухтож к.атламларини моддий ва маънавий куллаб-кувватлашни кучайтириш, уларни мехлатга жалб килиш орк.али даромад манбаи билан таъминлаш буйича х.ам салмокли ишлар килинди.

Жумладан, шу йилнинг утган даври мобайнида 50 мингдан зиёд оилага бепул к.орамол берилгани, 10 минг 580 та оилага чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари орк.али 8 ярим миллиард сумга якин имтиёзли кредит ажратилгани х.ам бу борада бошлаган ишларимизнинг давом этаётганини курсатади.

Йил мобайнида х.омийлар ва оталик. ташкилотлар томонидан 3 миллион 100 минг нафар

ёлгиз кекса, пенсионер ва ногиронларга, кам таъминланган оилаларга кдрийб 9 миллиард сумлик ёрдам курсатилди. Шулар каторида Олмалик. шахридаги «Саховат» уйи, Андижон шах.-ридаги кузи ожизлар яшайдиган 2 та куп каватли уй тубдан таъмирлаб берилганини айтиб утиш зарур.

Шу билан бирга, пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббий марказларда 2 минг 400 нафар фукарога бепул тиббий хизмат курсатилгани, ногирон шахсларга 8 мингга якин протез-ортопедия жихрзлари, 3000 та ногиронлар аравачаси, бир ярим минг дона эшитиш мосламаси, 5 минг дона хдсса ва култиктаёк. бепул берилганини кайд этиш уринли булади.

Анъанамизга кура, бу йил мактаб остонасига илк бор кадам куйган 485 минг нафар фарзандларимизга 5 миллиард 157 миллион сумлик укув анжомлари бепул такдим этилди.

Айни пайтда кам таъминланган оилаларга мансуб 715 минг укувчи 17 миллиард 816 миллион сумлик кишки кийим-бош билан бепул таъминлангани х.ам дастур буйича бажарилган мухим тадбирлар к.аторига киради.

Утган ёз мавсумида 234 минг нафар бола, жумладан, экологик шароити мураккаб булган К^орак^алпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшайдиган 3 мингдан ортик. угил-к.изларимиз,





шунингдек, 8 мингдан зиёд «Мехрибонлик» уйи ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун оромгохларда бепул дам олиш имконияти яратилганини алохида таъкидлаш лозим.

Жорий йил мобайнида ногиронларни нафак.ат моддий, балки маънавий жих.атдан куллаб-кувватлаш мак.садида х.ам к.атор тадбирлар ташкил этилди.

Бухоро шах.рида 450 нафар ногирон бола иштирок этган Узбекистон миллий махсус олимпиада уйинлари, Андижон, Фаргона ва Кдшкадарё вилоятлари х.амда Тошкент шахрида «Мурувват» уйларида тарбияланаётган болалар уртасида параолимпия мусобак.алари утказилгани бунга мисол була олади.

Энг мухими, ногиронларнинг тулак.онли ва мазмунли х.аёт кечиришини таъминлашга к.аратилган мана шундай ишларимиз бугунги кунда узининг ижобий самарасини бермокда.

Якинда ногирон-ампутантлар уртасида футбол буйича утказилган 7-жахрн чемпионатида Узбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг дунеда машхур булган Бразилия ва Эрон, Украина, Туркия ва Россия каби мамлакатларнинг терма жамоалари устидан галаба к.озониб, матонат ва жасорат намунасини курсатиб, жах.он чемпиони унвонига сазовор булгани барчамизга гурур ва ифтихор багишлайди.

Азиз юртдошлар!

Мазкур дастурда уз ифодасини топган ута мухим ва савобли ишларни бажаришда хорижий мамлакатлар ва халкаро ташкилотлар, чет эллик хамкорларимизнинг хам муносиб хиссаси борлигини алохида кайд этиш зарур.

Жумладан, Жанубий Кореянинг Саломатлик ва ривожланиш жамгармаси билан хамкорликда Тошкент вилоятининг Урта Чирчик. туманидаги болалар шифохонаси капитал таъмирланиб, замонавий асосда жщрзланди. Шулар каторида чет эллик мутахассислар ёрдамида 180 нафар бола операция килиниб, тугма нуксонлардан халос этилгани, 22 нафар бемор боланинг эса Германия касалхоналарида даволаниб кайтганини таъкидлаш жоиз.

Мана шундай олижаноб хамкорлик хакида гапирар эканмиз, Жахрн банки, Осиё тараккдёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамгармаси — ЮНИСЕФ каби халкаро ташкилотларга, бу инсонпарварлик тадбирларида фаол катнашган хорижлик дустларимизга сизнинг номингиздан, халкимиз номидан самимий ташаккур изхрр этамиз.

Дастурда белгиланган яна бир мухим вазифа — ижтимоий хизмат курсатиш тизимида ишлаетган, «Мехрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ходимлари мехнатини рагбатлантириш ва муносиб бахрлаш буйича бажарилган ишлар х.ам





эътиборга лойик.. Хусусан, «Мурувват» уйлари тарбиячи ва ходимларининг иш х,акини ошириш учун шу йилнинг узида марказий ва махаллий бюджетдан 125 миллион сумдан зиёд маблаг сарфланганини к.айд этиш зарур.

Шунингдек, уруш ва мехнат фахрийларига хизмат киладиган санаторийларнинг ходимлари учун 15 фоизли устама хак. жорий этилди, хонадонларга бориб ижтимоий ёрдам курсатадиган ходимлар учун 230 миллион сум, ногирон болаларни уйда укитиш учун эса бир ярим миллиард сумдан зиёд маблаг ажратилди.

«Ижтимоий х.имоя йили» дастурига мувофик., ёш авлоднинг х.аётий мухим манфаатларини таъминлаш, ёш оилаларга хар томонлама гамхурлик курсатиш, фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида х.ам йил давомида кенг куламли ишлар амалга оширилди.

Айник.са, ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат куриш, рузгорини бутлашга кумаклашиш мак.садида тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сумлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.

Шу билан бирга, «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати кумагида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сумлик микрокредит, ёш оила-

лар учун 1 миллиард 800 миллион сумлик ипотека кредита, 1 миллиард 100 миллион сумлик истеъмол кредитлари, шунингдек, олий укув юртларида тахсил олаётган талабалар учун таълим грантлари ажратилганини таъкидлаш лозим.

Шулар каторида жорий йил мобайнида 195 минг нафар йигит-киз иш билан таъминлангани, бир канча вилоят ва туманларда ёшлар марказлари ташкил этилгани эътиборга лойик., албатта.

Мухтарам дустлар, хаммамиз яхши биламизки, ижтимоии химоя деганда, биринчи навбатда хонадонларимиз файзи ва фариштаси булган мухтарам карияларимизни кадрлаш, уларга эътибор ва гамхурликни кучайтиришни тушунамиз. Дастурда белгиланган тадбирларга мувофик., бу борада хам бир канча ибратли ишлар килинди.

Авваламбор, якинда кабул килинган «Пенсионерларни ижтимоии куллаб-кувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тугрисида»ги фармонга асосан, фахрийларимиз учун жорий йил охиригача Пенсия жамгармасидан кушимча равишда 20 миллиард 300 миллион сумдан зиёд маблаг сарфланди, кейинги йилда эса шу мак.сад учун 94 миллиард сум ажратилиши кузда тутилмокда. Бундан ташкари, 480 мингдан зиёд ёлгиз кекса, уруш ногирони ва иштирокчиларига, фронт ортида мехнат килган хамда Чернобиль





х.алокатини бартараф этишда к.атнашган кишиларга 21 ярим миллиард сумдан зиёд компенсация туловлари амалга оширилди.

Шу тоифага мансуб булган 37 минг нафар киши ва кузи ожиз биринчи гурух. ногиронларининг йил давомида шахдр йуловчи транспортидан бепул фойдаланиши йулга куиилиб, бу ишларга 648 миллион сум бюджет маблани сарфланди.

Биргина «Тошкенттрансхизмат» уюшмаси томонидан ах.олига карийб 2 миллиард 230 миллион сумлик имтиёзли транспорт хизмати курсатилганини к.айд этиш жоиз.

Айни пайтда 28 минг нафар фахрийларимизнинг Бухоро ва Самарканд, Хива ва Ташкент каби к.адимий шах.арларга бепул саёх.атлари ташкил этилганини уларга курсатилаётган амалий эътиборнинг яна бир ифодаси сифатида к.абул киламиз.

Азиз дустлар, уйлайманки, бундай мисолларни сизларнинг х.ар бирингиз узингиз яшаётган мах.алла, туман ёки шахар х.аётидан куплаб келтиришингиз мумкин.

Мухтасар килиб айтганда, жорий йилда юртимизда ах.олини ижтимоии химоя к.илиш мак.садида барча манбалар х.исобидан жами 483 миллиард 600 миллион сум, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сум бюджет маблаги, 270 миллиард 400 миллион сум микдорида грантлар, ижрочилар хдмда х.омийлар маблаги сарф-

лангани бу сохдда амалга оширган улкан ишларимизнинг хажми ва салмогини як.крл курсатади.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун мамлакатимизни камраб олган бу умуммиллий харакатда фаол иштирок этган давлат ва хркимият идоралари, нодавлат ташкилотлар, хусусан, «Махалла» ва «Нуроний», «Соглом авлод учун» ва «Экосан», «Мехр нури», «Узбекистон маданияти ва санъати форуми», «Сен ёлгиз эмассан» каби жамгармалар, Узбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати, Хотин-кизлар кумитаси, ТТТифокорлар уюшмаси сингари куплаб жамоат бирлашмаларига, бу эзгу ишга муносиб хисса кушган барча инсонларга уз номимдан, халкимиз номидан самимий миннатдорлик биддираман.

Хурматли юртдошлар!

Юкррида келтирилган далил ва мисоллар, аввало, давлатимиз, эл-юртимизнинг утган давр мобайнида амалга оширган улкан ишларини, ту йулда кднча-канча куч, маблаг ва имкониятлар сафарбар этганимизни якдол курсатиб турибди.

Шулар хакида гапирганда, куйидаги фикр ва хулосалар беихтиёр х.ар кайси инсоннинг хаёлига келиши табиий:

Авваламбор, юксак инсонпарварлик рухи билан йугрилган, мехрибонлик, мехр-окибат, мурувват ва саховат каби туйгуларнинг ёркин намоёни булмиш бундай ишларни амалга ошириш хамманинг х.ам кулидан келмайди.





Яна бир фикр шуки, бундай эзгу интилиш, бундай хдракатларнинг негизида айни бизнинг миллатимиз ва халкимизга мансуб булган багрикенглик ва олижаноблик фазилатлари, шу билан бирга, мустакиллик йиллари давомида юртдошларимиз дунёкарашининг тубдан узгаргани, аввало, ёш авлодимизни тарбиялаш ва маънавий юксалтириш йулида к.илаётган барча-барча ишларимиз уз ифодасини топган, десак, уилайманки, айни х.акик.атни айтган буламиз.

Бугун мен шу юксак минбардан туриб, узок, ва якин кушниларимизнинг х.авасини тортаетган жамиятимиздаги х.амжщатлик, узаро хурмат ва ахиллик мухитини мустахкамлашга муносиб хисса кушаётган мах.алла ок.сок.оллари ва фаолларининг мехнатини, айник.са, мах.алла ахли, аёллар уртасида катта иш олиб бораёттан маслах.атчиларнинг фаолиятини алохдда эътироф этиш ва уларга чин калбимдан ташаккур билдиришни узимнинг бурчим, деб биламан.

Узингиз уйланг, азизларим, барчамиз биргаликда амалга оширган мана шундай бекиёс ишларни бирон-бир ракам билан улчаб, ифода килиб буладими?

Узингиз айтинг, кадрли дустлар, биродарлар, мана шундай буюк ишларга крдир булган халк.-ни енгиб буладими?

Мухтарам юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2008 йилга кандай ном бериш ва шу асосда кандай эзгу максаддарни узимиз учун энг мухим ва устувор вазифа сифатида белгилаб олиш хакдда фикр алмашиб, маслахатлашиб олсак, уйлайманки, айни муддао булади.

Барчамизга маълумки, хар к^айси давлат, хар кайси миллат аввало уз фарзандлари киёфасида, униб-усиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халк.-ка хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини руёбга чикарадиган буюк кучни куради.

Виз уз олдимизга куйган юксак максадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда авваламбор миллий ва умуминсоний кадриятлар рухида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация килиш ва замонавий демократик жамият куриш йулидаги кенг куламли ва мураккаб вазифаларни хал этишга крдир булган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини мухим принципиал ва х,ал кдпувчи даражага кутарганимиз х.аммамизга яхши аён.

Мустакиллик йилларида шу мак^садда амалга оширган том маънодаги тарихий ишларимиз





х.озирги вактда, сузсиз, уз х.осилини бермокда. Бу йуналишда бошлаган улкан ишларимизни давом эттириш, янги погонага кутариш, энг мухими, бугунги кунда долзарб масала булмиш х.аётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб урин эгаллаши учун замоннинг узи олдимизга янги-янги вазифаларни куймокда.

Мана шу ута мухим вазифаларни амалга ошириш, бу масалага давлатимиз ва жамиятимиз, кенг жамоатчилигимиз эътиборини жалб этиш мак.садида мен янги — 2008 йилни мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон кдлишни таклиф этаман.

Азиз дустлар!

Янги йилга айнан мана шундай ном беришимиз ва бундан кузланган максадларимизнинг ах.амияти ва мохдяти х.акида ортикча гапириш ва уни исботлаб беришнинг зарурати йуХ, албатта.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача булган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий ах.олининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача булганлар эса — 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.

Уз-узидан аёнки, ах.олимизнинг аксарият кисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг хали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни хаётимизда х.ак.ик.атан хам хал килувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг дикдат марказида туриши шарт.

Шу максадларни амалга ошириш учун 2008 йилга «Ёшлар йили» деб ном берипшмиз муносабати билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастуринй ишлаб чикишимиз ва амалга оширишимиз зарур, албатта.

Бу дастурнйнг асосий максад ва вазифалари хякида гапирганда, айрим мухим, бугунгй кунда долзарб масалаларга алохдда эътибор каратиш лозим, деб хисоблайман.

Биринчилар каторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга каратилган хукукий базани янада мустахкамлаш, амалдаги крнун хужжатларини бугунгй кун талаблари нуктаи назаридан кайта куриб чикишимиз зарур.

Мухим масалалар каторида мамлакатймизда таълим сохасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларимизнинг ижросини янги боскичга кутариш, марказда ва жойлардагй бунга жавобгар булган идораларнйнг масъулйятинй ошириш вазифаси туриши керак.

Шахсий ёрдамчи, дех.к.он ва фермер хужаликларида чорва молларини купайтиришни раг-

батлантириш дастурини амалга ошириш юзасидан бажарилаётган чора-тадбирлар бугунги кунда сезиларли натижалар бермокда. Факат 2007 йилнинг узида коррамол бокиш билан шутулланадиган 350 мингдан зиёд фукарога мехнат дафтарчаси очилди.

Бу эса уларнинг ижтимоий ва хукукий химоясини таъминлаш имконини берди. Шахсий ёрдамчи ва дехдон хужаликларида коррамол бокиш билан банд булганлар сифатида руихатга олинган фукароларнинг умумий сони эса бир миллион нафардан ошиб кетди.

Янги иш уринларини ташкил этиш борасида курилаётган чора-тадбирлар 2007 йилнинг охирига келиб иш билан банд булмаган мехнатга лаёкатли ахрли уртасида ишсизлар сонини мамлакатимиз буйича 5 фоизгача камайтириш имконини берди.

Утган йили ахрли даромадларини ошириш борасида хам изчил ишлар олиб боридди.

Якин уч йилда иш хакини 2—2,5 баробар ошириш буйича уз олдимизга куйган стратегик вазифага мувофик., 2007 йилда иш хаки, пенсия, стипендия ва нафакалар микдори 1,5 баробар купайтирилди. 2007 йилнинг декабрида уртача ойлик иш хаки, хужалик субъектлари ва бюджет сох.аларини хисобга олганда, 210 АК.Ш доллари мик.дорига тенг булди.





2006 йилдан бошлаб умумтаълим мактаблари ук,итувчилари ва шифокорлар мехнатига х.ак, тулашнинг янада такомиллаштирилган тизими жорий этилди. Натижада кейинги икки йилда уларнинг иш хаки микдори тегишли равишда 2,8 ва 2,7 баробар оширилди.

Ахрлининг реал пул даромадлари бир йилда 27 фоиздан зиёд купайди. Статистика идоралари маълумотларига кура, 2001 йилда мехнатга лаёкатли ахрлининг уртача иш хаки кун кечириш учун минимум даражада зарур булган маблагнинг 99 фоизини ташкил этган булса, 2007 йилда бу курсаткич 3 баробардан купрок. ощди. Таъкидлаш жоизки, бу ракам Мустакил Давлатлар Хамдустлиги мамлакатлари уртасида юкрри курсаткичлардан бири хисобланади.

Мамлакатимиз, авваламбор, кишлок, ахрлисининг турмуш шароити ва сифати хам боскичма-боскич яхшиланиб бормокда.

Утган даврда, халк,аро молия тузилмалари маблагларини жалб этган хрлда, К,орак.алпогистон Республикаси, Хоразм вилояти, Самарканд ва Бухоро, Гулистон, Жиззах ва Кдрши шах.арларида ах.олини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш буйича йирик инвестиция лойихалари амалга оширилди. 2007 йили кдшлок. жойларда 1,6 минг километрдан ортик. сув кувурлари ва 710 километр газ тармоклари фойдаланишга топширилди.

Ахрлини ичимлик суви билан таъминлаш 84 фоизга, шу жумладан, кишлок. жойларда 77 фоизга етди, табиий газ билан таъминлаш 82 фоиз, кшплокларда эса 77 фоизгача усди.

Таълим ва СОЕЛИКДИ сакдаш сохаларида аник; макрадли умуммиллий ижтимоий дастурлар муваффакиятли амалга оширилмокда.

Утган йили барча турдаги таълим муассасаларида янги курилиш ва капитал реконструкция килиш хисобидан энг замонавий укув-лаборатория ва ишлаб чикдриш асбоб-ускуналари билан жихрзланган 169 та касб-хунар коллежи, 18 та академик лицей хамда 336 минг нафар укувчига мулжалланган 558 та умумтаълим мактаби ишга туширилди.

2007 йилда 170 та болалар спорти объекти, жумладан, 27 та спорт иншооти, 143 та мактаб спорт зали барпо этилди.

Болалар спорти сохасидаги изчил ва аник, максадга йуналтирилган ишлар миллионлаб фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланишга жалб килиш имконини бермокда.

Бу эса, хеч шубхасиз, жисмоний ва маънавий жихатдан соглом авлодни тарбиялашда узининг ижобий таъсирини курсатмокда.

Утган йили юртимизда **ахоли саломатлигани мустахкамлаш йулида амалга оширилган ишлар-**



**ни** сар?щсоб килар эканмиз, тиббий хизмат си(|>ати янада яхшилангани, биринчи навбатда, нрачлик пунктлари тармогини кенгайтириш дисоОидан а^олини тиббий хизмат курсатиш билан камраб олиш даражаси кенгайганини, уткир юкумли ва вирусли касалликларга к.арши кураш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни алохида таъкидлашни зарур деб биламан.

АХ.ОЛИНИНГ турмуш шароити ва тиббий хизмат курсатиш сифатини изчиллик билан яхшилаш натижасида мамлакатимизда умумии улим курсаткичи кейинги 10 йилда к.арийб 20 фоизга камайди. Гудаклар улими курсаткичи эса янги тугилган х.ар 1000 нафар чак.алокк«а нисбатан 23 тадан 13 тага тущци ва биргина 2007 йилнинг узида 11 фоизга камайди.

2007 йили мамлакатимизда Согликни саклаш тизимини тубдан ислох. кдпмшнинг иккинчи боскичини амалга ошириш буйича махсус дастур кабул килинди ва у бугунги кунда амалга оширилмокда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ва амалий максадга жавоб беришидан келиб чик.кан х.олда, тиббиёт сох.аси бошк.арув тизимининг барча бугинлари к.айта куриб чикилмокда.

Даволаш-профилактика муассасалари тармогини кайта ташкил килиш, вилоятларда катталар ва болалар учун куп тармокди тиббиёт марказларини барпо этиш, туманлар микёсидаги

тузилмаларни такомиллаштириш, кдшлок. врачлик пунктларини мустахкамлаш ва уларнинг, аввало, кишлок. жойларда касалликларнинг олдини олишга каратилган фаолиятини кучайтиришга дойр ишлар бошлаб юборилди.

Диагностика ва даволаш ипшарини яхшилащда ахрлига юксак технологик, ноёб тиббий хизматлар курсатадиган, амалда узини окдаган республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармогини кенгаитиришга алохида эътибор каратилмокда. Бу борада ах.олимизнинг саломатлигини мунтазам равищда назорат килиб бориш максадида ташкил этилган кенг тармок.-ли скрининг-марказларнинг урни ва ахамияти бекиёс, албатта.

Буларнинг барчаси пировард натижада одамларга тиббий хизмат курсатишни тубдан яхшилаш, халкимизнинг хает сифатини юксалтириш ва умр куриш даражасини оширишга каратилгани билан, айникса, эътиборлидир.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Утган даврда эришган ютукдаримизни танкидий бахрлаб, олдимизда турган узок, муддатли вазифаларни, шунингдек, жахрн бозорида бугун вужудга келган йуналишларни хисобга олган х.олда, 2008 йилда иктисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий устувор вазифалари сифатида куйидагилар белгилаб олинган.





**Макроищисодий баркарорлик, ишлаб чщаришнинг изчил ва мутаносиб усиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаёттан инвестицияларни купайтириш \исобидан таркибий узгаришларни щпыш давом эттириш, ищисодиётнинг етакчи rapivioiyiaрини модернизация к,илиш ва янгилаш — биз учун бош вазифа булиб к^олади.**

2008 йилда биз ялпи ички махсулотни 8 фоизга, ишлаб чикаришни — саноатда 9,6 фоиз, кишлок. хужалигида — 5 фоизга, асосий ишлаб чикариш тармокларига киритиладиган инвестициялар микдорини 17 фоиз оширишга эришишни уз олдимизга вазифа килиб куйдик. Инфляция даражасини утган йилги курсаткич, яъни 6—8 фоиз даражасида сакдаш кузда тутилмокда.

2008 йилга мулжалланган иктисодий ривожланиш дастурида саноатнинг стратегик мухим тармоклари булган ёкилги-энергетика комплекси, рангли ва к.ора металлургия сохасининг усишини таъминлаш алохида урин тутади.

Бунга янги табиий конларни узлаштириш ва мавжуд минерал-хом ашё базалари захираларининг ортиши, ана шу ресурсларни казиб олиш ва кайта ишлашда самарали замонавий технологияларни жорий этиш хисобидан эришиш назарда тутилмокда. Шу билан бирга, кимё ва енгил саноатни, нефткимё, курилиш материаллари саноатини, истеъмол товарлари ишлаб чи-

каришни ривожлантиришга хам устувор ахамият берилади.

Иктисодиётимизнинг соха ва тармокларини баркарор, мутаносиб ва комплекс ривожлантиришнинг энг мухим омили булмиш транспорт-коммуникация инфратузилмаси жадал таракдий эттирилади.

Ишлаб чикаришни модернизация килиш, техник ва технологик янгилаш буйича мухим вазифаларни бажариш иктисодий сиёсатимизнинг хал килувчи йуналиши сифатида катта урин эгаллайди.

Барчамиз бир уткир хакикатни яхши англаб олмокдамиз. Жахрн бозорида ракрбат тобора кескинлашиб бораётган хрзирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция килмасдан, замонавий, илгор ва юксак технологик ускуналар билан жихрзланган корхоналар ташкил этмасдан туриб, ишлаб чикарилаётган махрулотларни мунтазам янгиламасдан туриб иктисодиётимиз келажагини, бинобарин, ах.оли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас.

Айни шу вазифаларни ечиш мак.садида 2007 йилда рангли ва к.ора металлургия, автомобиль ва кимё, пахтани к.айта ишлаш ва тукимачилик саноати каби етакчи сох,алар буйича к.абул килинган ундан ортик. дастурнинг ижросини сузсиз таъминлаш мухим ах.амият касб этади.





Иктисодиёт ва Молия вазирликлари, Ташки ик^тисодий алок.алар, инвестициялар ва савдо назирлиги, Давлат солик. ва божхона кумиталари ушбу дастурларнинг амалга оширилиши устидан кдтъий назорат урнатсин, ажратилаётган маблаг ва ресурслар, берилган имтиёзлардан максадли \амда самарали фойдаланиш, манфаатдор хорижий инвесторларни жалб килиш масалаларига алохида эътибор к.аратсин.

2008 йилда иктисодиётимизни ривожлантиришга барча молиявий манбалар хисобидан киймати 5,4 миллиард доллардан зиёд, жумладан, умумий киймати тахминан 1,5 миллиард долларга тенг булган хорижий инвестицияларни киритиш кузда тутилмокда. Бунинг натижасида мамлакатимиз иктисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг усиш суръати 40 фоиздан ошади.

Жорий йилда хорижий сармояларни киритиш хисобидан 80 дан ортик. инвестиция лойихасини амалга ошириш, умумий киймати 1,4 миллиард долларлик уттиздан зиёд объектни фойдаланишга топшириш мулжалланган.

2008 ва ундан кейинги йилларда инвестиция лойщаларини амалга оширишда 2006 йили ташкил этилган ва бугунги кунда 1,2 миллиард АКД1 доллари микдоридаги валюта маблагларига эга булган Узбекистон Тикланиш ва таракдиёт жамгармаси мухим урин тутади.

Мазкур Жамгарма, шунингдек, хорижий хамкорлар билан бирга кушма лойихаларни амалга оширищда иштирок этиб, мухим вазифаларни бажаради. Факат 2008 йилда ана шундай лойихалар буйича хорижий шериклар билан биргаликда узлаштириш кузда тутилган маблаглар хажми карийб 800 миллион AKJII долларини ташкил этади.

**Иккинчи асосий устувор йуналиш — бу ислох.отларни чукурлаштириш, иктисодиёт, солик,-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантиришдан иборат.**

Акциядорлаштириш амалий самара бермаган корхона ва объектларни хусусий мулкдорларга сотиш хисобидан иктисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш борасидаги ишларни давом эттириш керак.

Амалдаги крнунчиликнинг меъёрий кридаларини кайта куриб чикиш, кабул килинган инвестиция мажбуриятларини сузсиз бажариш ва хусусиилаштирилган корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун янги мулкдорларнинг и^тисодий ва х.ук,у^ий жавобгарлигини назарда тутадиган нормаларни кучайтириш лозим.

Бу борада асосий вазифа — хусусийлаштириш жараёнларига ишлаб чикаришни модернизация





килиш ва техник янгилаш, жахрн бозорида харидоргир булган махсулот ишлаб чик.ариш мажбуриятини уз зиммасига оладиган ишончли ва масъулиятли инвесторларни жалб килиш учун барча кулай шарт-шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

Вазирлар Махкамаси Давлат мулки кумитаси, Иктисодиёт ва Молия вазирликлари, Аддия вазирлиги, Олий хужалик суди иштирокида икки ой муддатда бу борадаги амалий ишларни танкидий бах.олаган х.олда, ушбу масалалар юзасидан тегишли к.арорлар кабул килсин.

Ик.тисодиётни эркинлаштиришда, биринчи навбатда, **со л и к юкини камайтириш, соликда тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация килиш масалалари мрднм урин тутади.**

Фак,ат 2000—2007 йиллар мобайнида юртимизда даромад солиги 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тулов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва кишлок. хужалиги махсулотлари ишлаб чик.арувчилар, яъни фермерлар учун ягона солик. 10 фоизга туширилди.

Жисмоний шахслар даромадидан солик. олиш ставкаси х.ам тубдан канта куриб чикилди ва камайтирилди. Натижада сунгги етти йилда иктисодиётда умумий солик. юки 40 фоиздан 27 фоизга пасайтиридди. Шунга мувофик. корхоналарнинг молиявий ресурслари хам тегишли равишда ощди.

Бу уз навбатида, инвестицияларнинг купайиши, корхоналарнинг айланма маблагларини тулдириш, ишчи ва хизматчиларнинг иш хаки ва даромадларини ошириш учун кушимча манба булиб хизмат килмокда.

Биргина 2007 йилда республикамиздаги хужалик субъектлари солик. имтиёзлари берилиши хисобидан уз молиявий ресурсларини кушимча равишда 830 миллиард су^мта тулдиришга эришгани бу фикрнинг якдол тасдигидир.

2008 йилда солик. сохасини янада эркинлаштириш сиёсати давом эттирилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хужаликлари учун ягона солик. ставкаси 10 фоиздан 8 фоизга камайтирилади.

Шунингдек, банклар учун даромад солиш 17 фоиздан 15 фоизга туширилади. Бунинг натижасида бушайдиган маблаглар банкларнинг капиталлашувини ошириш учун максадли равишда йуналтирилади. Бошка барча хужалик субъектлари учун даромад солиги ставкаси 10 фоиз мик.дорида баркарор сакланиб к.олади.

Шуни к.айд этиш жоизки, бундай солик. ставкаси нафак.ат Мустакил Давлатлар Хамдустлиги мамлакатларида, балки иктисодий ривожланган хорижий давлатлар уртасида х.ам энг паст курсаткичлардан биридир. Хисоб-китобларга кура, таклиф этилаётган чора-тадбирларни амалга оши-





риш кушимча равишда 100 миллиард сумдан ортик. маблагни хужалик субъектлари ихтиёрида к.олдириш имконини беради.

Шуни алохида таъкидламокчиманки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган солик. базасини хисоблаш ва купайтириш буйича янги тизимнинг жорий этилиши муносабати билан ах.олининг реал даромадлари сезиларли даражада ортади.

Давлат бюджетини бажаришга каратилган газначилик хизмати институтини ривожлантириш ва мустахкамлаш бюджет маблагларидан фойдаланиш самарадорлигини анча оширади.

Бу борада Молия вазирлиги хузурида янги ташкил этилган газначилик тузилмасининг моддий-техник базасини барча погоналарда мустахкамлаш, уни мал акали кадрлар билан таъминлаш, халк. таълими ва соглик.ни сак,лаш сох.асида бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини янада такомиллаштириш буйича кенг куламли ишларни амалга ошириш лозим.

Солик. тизимини бошкаришни ислох. килишда 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги тахрирдаги Солик. кодекси мух.им ахамият касб этади.

Жах.он тажрибасини ва соликда тортишнинг амалда синовдан утган ёндашув ва тамойилларини урганиш асосида тайёрланган Солик. кодекси-

мизда кузда тутилган меъёр ва кридалар, аввало, солик. тизими ва солик. муносабатларини унификация килиш, мамлакатимиз иктисодиётини баркарор ва мутаносиб ривожлантиришда солик.-ларнинг рагбатлантирувчи ролини кучайтиришга каратилгани билан эътиборлидир.

Шу сабабли янги Солик. кодексининг амалий ижросини дикдат билан урганиш, унинг кандай шароитларда самара бераётгани, кайси хрлатларда эса уни янада такомиллаштириш ёки тузатиш киритиш зарурлигини аникдаш жуда мухим.

Шу муносабат билан Молия вазирлиги ва Давлат солик. кумитасига Иктисодиёт вазирлиги, Давлат монополиядан чикариш кумитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошка манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга янги солик. крнунчилигини амалга ошириш жараёнини мониторинг килиш буйича махсус Идоралараро гурух. ташкил этиш ва зарур хрлларда Вазирлар Мах.-камасига Солик. кодексининг айрим моддаларини такомиллаштириш буйича таклифлар киритиш вазифаси юклатилсин.

Маълумки, иктисодиёт ривожининг бугунги боскичида **монополизм куринишларига кдрши кураш ва амалда ракрбат мухитини шакллантириш** масалалари РОЯТ мухим ахамиятга эга.

Мамлакатимизда монополияга к.арши сиёсат олиб бориш натижасида сунгги 10 йил мобай-





нида монополист корхоналар сони 3,5 баробар, монопол махсулотлар тури эса 26 баробар кискарди. Фак.ат 2004—2007 йиллар давомида ялпи ички мах.сулотнинг умумий ^ажмида монопол махсулотлар улуши 26 фоиздан 21 фоизга тушди.

Шу билан бирга, айрим тармокдарда иктисодиётнинг монополлашуви асоссиз равишда юкрри даражада сакданиб к.олаётгани ишлаб чик.ариш х.ажмининг усишига, мах.сулот сифати ва ракрбатбардошлигининг ортишига, нархларнинг пасайишига хамон тускинлик килмокда.

Жумладан, шулар каторида цемент, шифер, полиэтилен, енгил ва ёг-мой саноати мах.сулотлари ва бошка бир кагор товарларга булган эхтиёжни к.ондириш имконияти нисбатан чекланган х.олда сакланиб крлмокда.

Бу эса ана шу мах.сулотларга конъюнктура талаблари ошиб кеттан пайтда монополист корхоналарга уз мах.сулотининг нархини асоссиз равишда ошириш учун кул келмокда.

Давлат монополиядан чик.ариш кумитаси, Ик.тисодиёт, Молия ва Адлия вазирликлари, Давлат солик. ва Давлат божхона кумиталари, Савдо-саноат палатаси бошк.а манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга ана шу масалаларга дойр ишларнинг ахволини урганиб чик,син ва бир ой муддатда Вазирлар Махкамасига бозорнинг барча иштирокчилари учун тенг ракрбат шарои-

тини таъминлаш буйича тегишли таклифлар киритсин.

Маълумки, **щтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси,** яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, сугурта, инжиниринг ва бошка тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Утган йил давомида банк фаолияти, аудиторлик ва сугурта компаниялари буйича крнунчиликни тартибга солиш ва мустахкамлаш борасида салмок,ли ишлар килинди. Бу амалий чора-тадбирлар, авваламбор, ахрлининг янги шаклланаётган бозор институтлари ва механизмларига нисбатан ишончини мустахкамлашга каратилганини кайд этиш лозим.

Бунинг натижасида 27 та сугурта компанияси уз низом жамгармалари микдорини белгиланган талаблар даражасига етказди ва уларнинг ялпи хажми 2007 йидда 1,5 баробар купайди.

Сугурта мукофотлари микдори бир йил давомида 45 фоизга ортди ва 70 миллиард сумдан зиёдни ташкил этди. Ихтиёрий шахсий сугурталаш буйича сугурта хизматлари баркарор суръатлар билан ривожланиб, 80 фоизга ортди, мулкни сугурталашнинг ихтиёрий турлари эса 48 фоизга усди.

Айни пайтда сугурталашнинг умумий хажмида мажбурий сугурталашни турли шаклларининг улу-





in и нихрятда паст булиб, 6 фоиздан хам ортмайди. Ьунинг сабаби халкаро амалиёт талабларига мое булган мажбурий сугурталашнинг айрим турлари бизда жорий этилмагани билан изохданади.

Шу билан бирга, нафак.ат мамлакатимиздаги, балки хорижий мижозларнинг х.ам ишончини крзона оладиган юк.ори малакали аудиторлик, сугурта, лизинг компаниялари ва бозор инфратузилмаси бошка хизматларининг молия бозорида етакчи мавк.ега эга булиши учун х.али куп иш килишимиз лозим.

Шунинг учун хам «Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тугрисида»ги, «Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тугрисида»ги крнунларнинг ишлаб ЧИК.ИЛИШИ ва к.абул килинишини тезлаштириш зарур.

Молия вазирлиги, Марказий банк, Иктисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, аудиторлар ва сугуртачилар ассоциациялари бир ой муддатда молия-банк, аудиторлик ва сугурта фаолиятини ривожлантириш борасида илгари кабул килинган дастурларнинг ижросини тахлил килсин ва тупланган тажриба асосида уларнинг фаолиятини рагбатлантириш буйича ьфпимча таклифлар киритсин.

**Учинчи устувор йуналиш — ахрлини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровон-**

**лишни оширишнинг энг му^им йуналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат курсатиш ва касаначилик ссщаларини куллаб-цувватлаш ва ривожлантиришни рагбатлантирищцан иборат.**

Дунёдаги куплаб ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг, аввало, узимизнинг утган йиллар мобайнида туплаган тажрибамиз бир хакикатни якдол тасдикламокда.

Яъни, юкррида зикр этилган сохалар, биринчи галда, биз учун энг уткир булиб турган ахрли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини хал этищда узига хос локомотив вазифасини бажарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида биз танлаган сиёсатнинг мутлакр тугри ва узок.ни кузлаган хрлда олиб борилаётганини такрор ва такрор исботламокда. Хеч муболагасиз айтиш мумкинки, бу соха ички бозоримизни истеъмол товарлари билан тулдиришда салмокли хисса кушмокда.

Ушбу сох.а бугунги кунда мамлакатимизда энг йирик мехнат бозори, мулкдорларнинг урта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи хисобланади.

Айтиш керакки, айнан ана шу одамлар уз бизнесини ривожлантириш ва кучайтиришдан,





ту аснода икгисодиётимиз барк.арорлигини таъминлашдан энг куп манфаатдор булган инсонлардир. Айнан ана шу шахслар жамиятда баркарорлик ва ер юзида тинчликни мустахкамламасдан туриб, юк.орида зикр этилган эзгу мак.садларга эришиб булмаслигини чукур тушунадиган одамлардир.

Фурсатдан фойдаланиб, бу масаланинг яна бир мухим жих.атига тухталиб утмокчиман.

Биз уз олдимизга ах.оли турмуш даражасини янада оширишни юксак мак.сад килиб куимок.дамиз.

Лекин, узингиз айтинг, ушбу мухим вазифани хизмат курсатиш ва сервис тармокларини, алок.а ва транспорт, молия-банк хизматлари, коммунал хизмат хамда асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини талаб этадиган бошк.а инфратузилма сох.аларини жадал ривожлантирмасдан туриб хал этиш мумкинми?

Клчик бизнесни нафакат сон жих.атидан купайтириш, балки уни, аввало, сифат жщатидан хам ривожлантиришимиз, бу борада оддий ишлаб чик.аришдан ички ва тапщи бозорга йуналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чикаришга утиш масаласига алохида эътибор каратишимиз даркор.

2008 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички мах.сулот таркибидаги улуши-

ни 48 фоизга, 2010 йилга бориб эса 50-52 фоизга, хизмат курсатиш сохасининг салмогини тегишли равищца 45 ва 49 фоизга етказиш учун бугун бизда барча асосларимиз бор. 2010 йидда янги ташкил этилаётган иш уринларини касаначилик асосида 250 мингтага етказиш лозим.

Хурматли мажлис катнашчилари!

Бугунги кунда мамлакатимиз кишлок. хужалиги самарадорлигини ошириш масаласи сугориладиган ерларнинг мелиоратив хрлатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш буйича ута мухим вазифани хал этиш билан бевосита богликдир.

**Бу вазифа 2008 ва ундан кейинги йилларда биз учун асосий устувор йуналиш булиши зарур.** Ерларнинг мелиоратив хрлатига оид вазият бизни ташвишлантирмасдан крлмайди. Хозирги вактдасугориладиган ерларнинг карийб 8 фоизининг мелиоратив хрлати ёмон булиб, бу аввало, тупрокнинг шурланиш даражаси юкррилиги ва ер ости сувларининг кутарилиши билан боглик.. Салкам 330 минг гектар ер мелиоратив хрлати крникарсизлиги туфайли кишлок. хужалиги учун яроксиз булиб турибди.

Сугориладиган ерларнинг сифатини бахрлашнинг умумий курсаткичи булган ер бонитети сунгги йилларда 55 баллгача пасайди. Айникса, Крракалпористон Республикаси ва Хоразм, Бухоро ва Сирдарё, Фаррона ва Тошкент хамда бошка бир катор вилоятларда ахвол мураккаблигича крлмокда.





Бугунги кунда ерларнинг мелиоратив хрлатиии яхшилаш, унумдорлигини ошириш кишлок. х^жалигини интенсив ривожлантириш ва унинг (.чмарадорлигини юксалтиришнинг мухим резерви на \ал килувчи омили, энг асосийси — кишлок. ахдяисининг моддий фаровонлигини кутариш-11инг зарур шарти ва гарови булиб хизмат килади.

Биз мазкур муаммони хдл этишни, куп жихатдан, 2008—2012 йилларга мулжалланган суюриладиган ерларнинг мелиоратив хрлатини яхшилашга кдратилган давлат дастурини амалга ошириш билан ГЮРЛИК. хрлда курамиз. Ушбу дастурда мелиорация иншоотларини барпо этиш, реконструкция килиш на таъмирлаш, мелиорация техникаси паркини янгилаш буйича кенг куламли ипшарни бажариш белгиланган.

2008—2012 йилларда умумий узунлиги 3,5 минг километрдан зиёд булган магистрал, туманлараро ва хужаликлараро коллекторларни, мингдан ортик. мелиорация кудугини барпо этиш ва реконструкция килиш, 7,6 минг километрлик дренаж тарморини к.айта тиклаш вазифаси куиилмокда.

Биргина жорий йилнинг узида ерларнинг мелиоратив хрлатини яхшилаш буйича катта хажмдаги ишларни амалга ошириш кузда тутилган. Ушбу максаддар учун 75 миллиард сумдан ортик. маблар ажратиш мулжалланмокда. Бу маблагларнинг кат-

та кисми коллектор-дренаж тармокларини кайта тиклаш ва тозалаш, пудратчи ва сув хужалиги ташкилотларини лизинг асосида замонавий техника билан таъминлашга йуналтирилади.

Вазирлар Махкамаси Молия вазирлиги, Кяшлок. ва сув хужалиги вазирлиги билан биргаликда ерларнинг мелиоратив хрлатини яхшилаш буйича дастурда белгиланган лойихаларнинг амалга оширилишини катъий назорат килиш, лойиха-смета хужжатларини уз вактида ишлаб чикиш ва экспертиза килиш, вилоятларда махсус пудрат ташкилотларини ташкил этиш ва уларни замонавий техника билан таъминлаш масалаларини ечиш вазифасини уз зиммасига олеин.

Шу борада мелиорация ишларини молиялаштириш механизмини хам тубдан кайта куриб чикиш даркор. Бунда 2007 йили Молия вазирлиги хузурида ташкил этилган Сугориладиган ерларнинг мелиоратив хрлатини яхшилаш жамгармаси мухим роль уйнаши лозим.

Шу билан бирга, ерларнинг мелиоратив х.олатини яхшилаш буйича ута долзарб вазифани амалга оширишда халкаро молия институтлари, банклар ва хорижии шериклар билан хамкорликни янада кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш хам катта ахамиятга эга.

Масалан, Сирдарё вилоятининг Окрлтин туманида, Крракалпогистон Республикасининг жанубий худудларида сугориладиган ерларнинг мелиоратив хрлатини яхшилаш, Бухоро, Бцашк.адарё на Навоий вилоятларининг 9 та туманида сугориладиган ерларни дехдончилик учун ярокли хрлатта келтириш буйича кушма лойихаларни амалга оширишда халк.аро молия институтлари билан хдмкорлик тажрибаси узини тулик. оклади.





Шунингдек, Жанубий К,орак.алпористондан дренаж тармогини утказиш буйича лойих.ани амалга ошириш ва Марказий Фаргонадаги ерларнинг мелиоратив хрлатини яхшилаш учун Жахрн Банки х.амда Шанхай Хамкорлик Ташкилотининг умумий киймати карийб 70 миллион долларга тенг булган имтиезли кредити жалб килинганини кайд этиш лозим.

1чишлок. ва сув хужалиги вазирлиги, Иктисодиёт ва Молия вазирликлари, Ташкя иктисодий алок.алар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ушбу йуналишдаги лойихаларни амалга ошириш учун кушимча равишда имтиезли хорижии кредитларни жалб килиш ишларини жадаллаштирсин.

Бу борадаги ишларнинг натижалари Вазирлар Махкамасининг х.ар чорак якунлари буйича утказиладиган мажлисларида мух.окама этиб борилсин.

Хурматли юртдошлар!

**2008 йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон кдтаниши муносабати билан «Ёшлар йили» дав-**

**лат дастурини** тайёрлаш ва амалга оширишга кдратилган ипшар буйича кдскдча тухталиб утмок,- чиман.

Энг асосийси — ушбу дастур ёшларнинг дукук, ва манфаатларини димоя килиш борасидаги барча долзарб муаммоларни уз вактида дал этишга кяратилиши ва бунинг учун мустадкам крнунчилик базасини таъминлаб бериши лозим.

Вир фикрни мамнуният билан таъкидламоклиман — биз таълим содасини боскичма-боскич, аник, макрадга йуналтирган додда ислод килиш буйича узокни кузлаган дастурларни изчил амалга оттириб келмокдамиз.

Бунинг натижасида ёшларимизнинг энг кжсак талаблар даражасида умумий таълим олиши билан бир кдторда уларнинг уз крбилиятини руёбга чикяриши, жамиятда муносиб ва мустадкам урин эгаллаши учун аник, мутахассисликка эга булиш имконини берадиган яхлит, узлуксиз таълим-тарбия тизимини яратдик.

Бу вазифаларни дал этиш учун Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурлари доирасида уттан давр мобайнида юртимиздаги таълим муассасалари — мактаблар, лицей ва коллежларнинг замонавий модций-техник ва укув базасини шакллантириш ва мустадкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илгор педагогик ва ахборот техно-





логияларини жорий этиш борасида кулами ва маъно-мазмунига кура хакикятан дам улкан ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимизда утган давр мобайнида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-хунар коллежи, 4600 дан ортик, умумтаълим мактаби янгитдан бунёд этидди, реконструкция килинди ва замонавий укув-лаборатория жидозлари билан таъминланди.

2009 йилда мазкур дастурлар ижроси тулик, якунига етгач, замон талабларига жавоб берадиган академик лицей ва касб-дунар коллежларида 1,1 миллион уХувчи, умумтаълим мактабларида эса 3 миллион укувчи таълим олиш имконига эга булади.

Шу тарифа биз юртимиздаги барча **укувчиларнинг бепул мажбурий умумий ва уч йиллик махсус касб-з^унар таълими билан туда к^амраб олинишига эришамиз.**

Кейинги 10 йил давомида урта махсус, касб-дунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йуналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб буйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салодиятига эга булган бир миллион нафардан ортик. янги авлод мутахассислари тайёрланди.

Айни пайтда бугун бизни гоят мудим, принципиал бир масала безовта килмаслиги мумкин эмас. Яъни, ёш мутахассислар тайёрланаётган их-

тисослик йуналишларининг барчасига хам икти-содиётимизнинг соха ва тармокдарида амалий талаб борми? Лицей ва коллежлар, олий укув юртларини битириб чик.аётган йигит-кизларимиз жамиятда узига, уз касбига муносиб урин топаяптими?

Ана шу масалалар буйича хакикий ахволни атрофлича урганишимиз, хрзирги вактда мутахассислар тайёрланаётган хар кайси ихтисослик йуналиши реал х.аёт талабларига кай даражада жавоб бериши, унта нафакат бугунги, балки якин истшфодда кандай эхтиёж борлигини хар томонлама чукур аник.лашимиз лозим. **Заруратга кдраб, ихтисослик йуналишларига катьий узгартиришлар киритиш, керак булса, айрим махсус касб-хунар таълим даргохларини кайта ихтисослаштириш даркор.**

Шу борада алохида мухим ах.амият касб этадиган иккинчи бир масала — ёшларни, булгуси кадрларни тайёрлаш сифати билан боглик.. Табиийки, бу борада бугун фарзандларимизга кимлар таълим-тарбия бераётгани, педагогик кадрларни тайёрлаш ва к.айта тайёрлаш тизими к.андай ташкил этилгани хал килувчи ахамиятга эга. Бу масала умумий урта ва урта махсус таълимни ислох. килиш тизимининг энг долзарб вазифаси булмоги зарур. Лицей ва коллежларимизда таълим жараёнларига олий укув юртларининг тажрибали амалиётчи ва укитувчиларини янада кенг ва фаол жалб этиттт лозим.





Шу уринда яна бир масалага эътиборингизии каратишни истардим. Бугун ёшларимиз кандай кадриятлар сари интилмокда, кандай орзуният ва уй-хаёллар билан яшамокда — биз бунга асло локайд ва бефарк. кдрамаслигимиз керак. Ота-она, устоз-мураббий, етакчи-рахбар сифагида бу жараённи четдан туриб кузатишга хак.-ь;имиз йуХ-

**Барчамиз оддий бир хакикатни яна бир бор чукур англаб етишимиз шарт — маънавият сох.асида бушлик. булмайди.**

Биз фарзандларимизни миллий табиатимизга ёт ва зарарли булган таъсирлардан химоя килишимиз, уларни хаётга, ён-атрофда юз бераётган вокеахрдисаларга дахлдорлик хисси билан яшайдиган, мустакил фикрлайдиган, иймон-эътикрдли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Ёшларимиз к.албида соглом х.аёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний к.адриятларга хурмат-эх.тиром туйгуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Бу масалада жамоат ва нохукумат тузилмалари, биринчи навбатда, ёшлар ташкилотлари алохида фаоллик курсатиши даркор.

«Ёшлар йили» дастури х.ак.ида гапирганда, ёшлар сиёсати масалаларини тахдил этаётганда, биз ёш оилаларнинг эхтиёж ва талабларига алохида эътибор каратишимиз керак.

Аваламбор, ёш оилаларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратиб беришщ, рузгорни бутлаш учун маблар ва кредитлар билан таъминлаш, маънавий етук, жисмонан СОРЛОМ болаларни тарбиялаб вояга етказиш йулида зарур имкониятларни турдириб беришимиз керак. Бу масалаларнинг барчаси дастурда уз ифодасини топиши лозим.

Дастурни тайёрлаш ва амалга ошириш учун масъул булган кишиларнинг хаммаси энг асосий бир масалани хар томонлама чукур тушуниб олишлари шарт — биз 2008 йилни ким учун ва кандай максадларга эришиш учун «Ёшлар йили» деб эълон килдик?

Бу уринда ran хозирги кунда жами ахолимизнинг 64 фоиздан ортигини ташкил этадиган ёшлар хакида, таълим-тарбия ва профессионал тайёргарлик даражаси бизнинг келажагимизни, демократик ва иктисодий тарак.киётимизнинг такдирини хал этадиган ёшлар хакида, жамиятимиз хаётида муносиб урин эгаллашга лаёкатли, **мамлакатимизни ислсщ этиш ва янгилаш буйича белгилаб олган юксак мак;садларимизга эришиш йулида том маънода вдл кдпувчи куч, таянч ва суянч булишга кодир ёшлар ^акида бормокда.**

Бу борада х,еч к^андай расмиятчилик ва юзаки ёндашувларга йул куйиш мумкин эмас. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши нафак.ат ижти-





моий, балки сиёсий а^амиятга эга эканини барчамиз аник, ва равшан англаб олишимиз зарур.

Кддрли дустлар!

Юк.орида билдирилган фикрларни умумлаштириб, шуни таъкидламокчиманки, бизнинг х,амма ишларимизда — бу иктисодий сиёсатимизни шакллантириш масаласи ёки иктисодиётни ислох, этиш ва модернизация килиш дастурини ^аётга татбик. этиш буладими, ижтимоий со?Qа, таълим ва согликни саклаш тизимида эртанги ва узок, муддатли истик.болга мулжалланган энг МухjiM устувор йуналишларни белгилаб олиш буладими — буларнинг барчасида биз учун факат битта масала энг устун ва хал килувчи уринда туради. У ^ам булса, инсон манфаатларининг устуворлигидир.

Халкимизнинг турмуш даражаси ва хает сифатини изчил ва боскичма-боскич юксалтириб бориш буйича бизнинг асосий максадимиз хам ана шундан иборат. Шу сабабли барча режаларимиз, ресурс ва имкониятларимиз пировард натижада ана шу бош максадимизни амалга оширишга каратилмоги керак.

Иктисодий тараккдётимизнинг барк.арор усиш суръатлари, юксалиб бораётган молиявий имконият ва резервларимиз, ички бозоримизнинг сифатли товар ва хизматлар, биринчи навбатда, юртимизда ишлаб чик.арилган махсулотлар би-

лан баркарор равищца тулиб бораётгани **а^олининг иш ха^и ва даромадларини босщима-босщет ошириб бориш, мамлакатимиз истеъмол бозорини рагбатлантириш сиёсатини** давом эттириш учун етарли даражада ишончли асос яратмокда.

Шу боне, 2008 йилда **жорий йил учун кузда тутилган инфляция курсаткичлари доирасидан чщмаган додда, уртача иш \а^и микдорини камида 1,5 баробар оширишни** таъминлаш учун тегишли манбаларни излаб топиш мухим вазифа килиб куйилмокда.

Ишонаманки, бу вазифани бажаришга бизнинг имконимиз хам, курбимиз хам, албатта, етади.

Азиз юртдошлар!

Бугун утган йил давомида босиб утган йулимизга якун ясар эканмиз, 2007 йил биз учун мамлакатимиз хаётида учмас из крлдирган улкан ижтимоий-сиёсий ислодот ва узгаришлар йили, иктисодий ва ижтимоий тарак.киётимизда мисли курилмаган усиш суръатларига эришилган ютук,-лар йили будди деб айтсак, уйлайманки, ?^еч к,андай муболага булмайди.

К^улга киритган бундай юксак марраларимиз — аввалambор, бунёдкор халк^имизнинг кечани кеча, кундузни кундуз демай килган фидокорона мехнатининг амалий самараси, демократик янгиланишлар ва бозор ислохртлари йулидан





кдгъият билан олдинга интилиб бораётганимизнинг бераётган натижасидир.

Ишончим комилки, 2008 йил х.ам, х.еч шубхасиз, жамиятимиз х.аётидаги янгиланиш жараёнлари ва ислох.отларни ривожлантириш ва чукурлаштиришнинг мантикий давоми булиб, иктисодиётимизнинг салох.ияти, барк.арорлиги ва мутаносиблигини мустахкамлаш йулида, энг мухими, халкимизнинг турмуш даражасини яхшилашга к.аратилган ишларимизда янги ва юксак боскич булгай, иншоолло.

Ана шу йулда барчангизга сщат-саломатлик, куч-гайрат ва янги-янги омадлар тилайман.

*2007 йилда мамлакатни ижтимоий-щтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда щтисодий ислоу,отларни чукурлаштиришнинг энг мууулм устувор йуналишларига батишланган Вазирлар Мщкамаси мажлисидаги маъруза, 2008 йил 8 февраль*

# ХАЛК. ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА СУЗЛАНГАН НУЩ

*2008 йил 15 февраль купи Халк. депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан таищари сессияси булиб утди.*

*Сессияда Узбекистан Республикаси Президенты Ислом Каримов нутк. сузлади.*

Хоразм вилоятининг иктисодий ва ижтимоий ривожланиши, бу улкада мавжуд булган барча-имкониятларни ишга солиш, ер ости, ер усти бойликларидан окилона фойдаланиш, янги иш жойларини ташкил килиш ва шулар хисобидан шу заминда яшаетган одамларнинг даёт даражаси ва маданиятини юксалтириш, уларни рози килиш дар доим бизнинг энг мухим ва долзарб вазифамиз булиб келмокда, деди Президент.

Ана шу максадларга эришиш йулида кузга куринарли ишлар амалга оширилмокда, уларнинг суръат ва самараси вилоят хаётида, одамларнинг кундалик турмушида уз ифодасини топмокда.





Хоразм вохасининг охирги йилларда эришган марралари дакдца гапирганда, бир мудим фикрни алодида таъкиддаш зарур. Яъни, иктисодиётнинг усиш суръатлари, кенг куламда олиб борилаётган ислодотларнинг амалий натижалари, янги-янги курилишлар, вилоят маркази, шадар ва туманларнинг киёфаси тобора обод булиб бораётгани, кишлок. хужалиги содасида нисбатан огир шароитга к,арамасдан, досилдорлик ва мех.нат унумдорлигини кутариш борасида кулга киритилаётган ютуклар Хоразмнинг бошка вилоятлардан кам булмасдан, изчил ривожланаётганидан далолат беради. Шу борада баъзи бир рак,амларга мурожаат кдяадиган булсак, 2007 йилда вилоятда ялпи худудий мадсулотнинг салкам 8 фоизга, саноат— 11,8 фоизга, капитал курилиш — 11,6 фоизга, пуллик хизмат курсатиш сохаси — 19,7 фоизга усганини алохида таъкидлаш лозим.

Айникса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят ялпи худудий махсулоти таркибидаги улуиги республикада энг юкрри курсаткични, яъни 64,4 фоизни ташкил этгани ёки бир йилда икки баробар усгани, худуддаги мавжуд кушма корхоналарнинг экспортдаги хиссаси ортиб бораётгани — бундай ютукдарнинг руйхатини яна давом эттириш мумкин — буларнинг барчаси вилоятнинг баркарор суръатлар билан ривожланиб бораётгани-

ни курсатиб турибди, дея кайд этди давлатимиз рахбари.

Кишлок. хужалиги сохасида олиб борилаётган туб ислохртлар натижасида бугун вилоятда 19 мингдан ортик. фермер хужаликлари фаолият юритмокда, энг мухими, уларга хизмат курсатиш буйича зарур шарт-шароит, таъминот шохобчалари ва инфратузилма яратиб берилган.

Хоразм вилоятида ижтимоий сохани ривожлантириш, ахрлининг кундалик эхтиёжларини таъминлаш билан боглик. долзарб муаммоларни ечиш йулида хам купгина ишлар к,илинмокда. Вохаиинг мураккаб табиий шароитида кишлок.жойларда яшаётган одамларнинг огирини енгил килиш, ахрлини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига устувор ахамият берилмокда. .

Шу борада 2007 йилда вилоятда 490 минг квадрат метр уй-жой барпо этилди, 46 километрлик ичимлик суви, 46,4 километрлик табиий газ тармоклари фойдаланишга топширилди.

Айникса, ахрлини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, худуднинг санитария ва гигиена хрлатини яхшилашга каратилган «Тоза сув, санитария ва ахрли саломатлиги» лойихаси доирасидаги тадбирлар узининг ижобий натижасини бермокда.

К,адимдан илму маърифат, юксак маънавият маскани булиб келган Хоразм заминида ёшла-





римизни хар томонлама соглом ва баркамол этиб тарбиялаш, энг аввало, уларга замонавий билим бериш, зарур касб-хунарларга ургатиш борасида кулга киритаётган улкан ютукларимиз барчамизга мамнуният багишлайди. Хусусан, биргина утган йилнинг узида бу ерда 5 минг 400 нафар укувчига мулжалланган 8 та касб-хунар коллежи, 555 укувчи таълим оладиган 1 та академик лицей барпо этилди, 9 минг 800 уринли 32 та мактаб янгитдан курилди ва капитал таъмирланди.

Виз бу узгаришларнинг барчасини ёш авлодимизнинг хеч кимдан кам булмай вояга етиши, уларнинг мустакил х.аётга дадил кириб боришига мустах.кам пойдевор яратиш мак.садида амалга ошираётган энг катта ишларимиз, деб бах.олаймиз, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз, жамиятимизнинг бебахр бойлиги булган инсон саломатлигини мух.офаза килиш буйича хам кейинги йилларда вилоятда эътиборга лойик. ишлар килинмокда.

Жумладан, Республика ихтисослашган урология маркази ва Шошилинч тиббий ёрдам марказининг Урганч филиаллари, вилоят марказий болалар шифохонаси, кардиохирургия булими, онкология шифохонаси, «Хонка санаторийси» каби замонавий тиббиёт масканлари фойдаланишга топширилганини согликни сакдаш сох.а-

сида олиб бораётган ислохртларимизнинг амалий натижаси сифатида эътироф этиш уринлидир.

Шулар каторида 2007 йидда 2 та кишлщ врачлик пункти барпо этилиб, уларнинг умумий сони 65 тага етгани ахрлига малакали тиббий хизмат курсатиш сифатини оширищда алохдца ахамият касб этмокда.

Хоразм вилоятининг иктисодий таракдиётини таъминлаш, ахрлининг хает сифатини яхшилаш йулида килинган ана шундай ишларни тан олиш билан бирга, бу ерда хали-бери ечилмаган масалалар ва одамларни кийнаб келаётган купгина муаммолар борлигини, уларни хал этишга етарли даражада эътибор берилмаётганини хам кайд этиш зарур, деди Президент.

Бу хакда гапирганда, биринчи навбатда, саноат сохасида оксоклик хрлатлари мавжуддигини очик. айтиш керак. Буни ялпи худудий махсулот таркибида саноатнинг улуши охирги 7 йил давомида узгармасдан, 8 фоиз даражасида крлиб келаётгани хам исботлайди.

Вилоятда ишлаб чикариш кувватларидан тулик. фойдаланмаслик сурункали туе олаётгани ташвиш уйготади. Масалан, мавжуд кувватлардан ун ишлаб чик.аришда 41 фоиз, усимлик мойи буйича 54 фоиз, гилам ва гилам мах.сулотлари тайёрлаш буйича 42 фоиз, трикотаж буюмлари ишлаб





чик.аришда 40 фоиз, омихта ем тайёрлашда эса 12 фоиз фойдаланилмокда, холос.

Бунта куп хрлларда хом ашё ва ресурслар етишмаслиги сабаб килиб курсатилмокда. Лекин, аслида, бунинг сабаби ишни замонавий асосда, тугри ташкил этолмаслик, изланувчанлик, ташаббус ва тадбиркорликнинг етишмаслигида, десак, уйлайманки, янглишмаган буламиз.

Вилоятда хорижий инвестицияларни жалб килиш борасидаги ишлар хам талабга жавоб бермайди. Мисол учун, 2007 йилда вилоят буйича тугридан-турри жалб килинган инвестиция мик.дори мамлакатимиз мик.ёсидаги курсаткичнинг атиги 1,4 фоизини ташкил этиши албатта х.еч кимни к.ониктирмайди.

Утган йили бевосита Хоразм вилояти хркимлиги ташаббуси билан хорижий инвестициялар иштирокидаги биронта х.ам лойща амалга оширилмаган.

Гарчи 2007 йил якунлари буйича вилоят дотациядан чикдан булса-да, бир к.атор туманлар, хусусан, Гурлан, Шовот, Янгиарик., К^шкупир ва Янгибозор туманлари х.амон дотацияда крлиб келаётганини афсус билан кайд этиш керак.

Шундан сунг Президент Хоразм иктисодиётининг ривожланиши ва ахрлининг асосий даромад манбаи булмиш, вилоят ялпи худудий махсулотининг 41,5 фоизини ташкил этадиган

етакчи тармок. — кишлок. хужалигидаги ишларнинг ахволи хакида тухталиб утди.

Хозирги пайтда мамлакатимиз кишлок. хужалигидаги энг катта муаммо — бу ерларнинг мелиоратив хрлати тобора ёмонлашиб, тупрок.унумдорлиги, унинг бонитети пасайиб бораётгани билан боглик.. Бу муаммо, айникса, Хоразм вохаси учун канчалик мухим ва долзарб экани тугрисида гапириб утирмаса хам булади.

Бугунги кунда вилоятда 28 минг гектар ёки 1.0 фоиздан ортик. сугориладиган ернинг мелиоратив хрлати крникарсиз ахволда булиб, бу, уз навбатида, кишлок. хужалиги ривожига жиддий салбий таъсир курсатаётганини барчамиз яхши тушунамиз. Республика микёсида эса бу курсаткич 8 фоизни ташкил этмокда.

Хоразмдаги вазиятнинг мураккаб томони пгундаки, дехдончилик килинадиган ерларнинг салкам 60 фоизи уртача ва кучли даражада шурланган. 220 минг гектардан ортик. сугориладиган майдонларда ер ости сувлари ута якин, яъни бир ярим-икки метр чукурликда жоилашгани х.ам бу сохада кушимча кийинчиликларни тугдирмокда.

Натижада кейинги 10 йилда сугориладиган майдонларнинг уртача ер бонитети вилоят буйича 2 баллга, Ьчушкупир ва Урганч, Хдзорасп ва Хонк.а, Хива ва Янгиарик. туманларида эса 6 баллгача пасайиб кетгани кузатилмокда.





Агар бу уткир масала х.акида бугун уйламасак, деди давлатимиз рах.бари, бу муаммо йилдан-йилга кучайиб к.андай салбий окибатларга олиб келишини тасаввур килиш кийин эмас. Барчамизга аёнки, Хоразм заминида одамлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай фидокорона мехдат килмокда, миришкор дехдонлар, мохир фермерлар х.акикий жасорат намунасини курсатмокда. Лекин шундай бир шароитда ерларнинг мелиоратив х.олати ана шу мехнатнинг самарасидан тулик. бахраманд булиш, етарли даромад олиш ва сох.ани баркарор ривожлантиришга FOB булиб турибди.

Шунинг учун х.ам ерларнинг мелиоратив хрлатини яхшилаш буйича якинда кабул килинган давлат дастурида бопща худуд ва минтак.алар к.аторида бу масалада Хоразм вилоятида юзага келган ахволни тубдан узгартиришга каратилган аник, чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, 2008—2012 йилларда вилоят буйича к.арийб 40 миллиард сум, жумладан, 2008 йилнинг узида 6 миллиард сум хажмидаги мелиорация ишлари амалга оширилади. Бу эса бошк.а вилоятларга нисбатан икки баробар куп демакдир. Шуни х.ам таъкидлаш керакки, кейинги икки йил давомида вилоятга 50 дан ортик. хорижда ишлаб чик.арилган замонавий мелиорация техникалари олиб келинди. Келгусида яна 20 та ана шундай техника сотиб олиш мулжалланмокда.

Бундам ташкари, 165 минг гектар сугориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш максадида 60 миллион АКД1 долларига тенг лойиха ишлари амалга оширилади.

Х.еч шубхасиз, белгиланган ана шундай комплекс дастурлар вилоят кишлок. хужалигидаги мавжуд вазиятни ижобий томонга узгартириш, хрсилдорликни кутариш, энг мухими, дехдонларимизнинг уз мехнатидан хар томонлама манфаат топиши учун янги имкониятлар очиб беради.

Юртбошимиз мажлис ахли эътиборини яна бир муаммога каратди. Бу вилоятда пахтачилик сохасидаги ахвол билан боглик.. Сунгги йилларда вохада пахта хрсидцорлиги сурункасига пасайиб бормокда. Кейинги турт йил давомида хрсилдордик уртача 1,3 центнерга камайди. Айникса, Кушкупир, Урганч ва Хазорасп туманларида хрсиддорлик даражаси паст булиб, утган йили гектарига уртача 20—22 центнерни ташкил этганини албатта ижобий бахрлаб булмайди.

Бундай хрлатнинг сабаблари хакида куп гапирмасдан, биргина масала — яъни, Хоразмнинг тупрок., сув ва иклим шароитига х.ар томонлама мое келадиган, серх.осил ва эртапишар навларни яратиш масаласини олайлик.

Маълумки, Хоразм вилоятида 20—30 йил давомида «175-Ф» деган гуза нави экиб келинди. Айтиш керакки, бу жуда инжик., нозик нав булиб,





бугунги кунда ундан воз кечилди. Х.озирги вактда вилоятда «Мех.нат» ва «Хоразм-127» навлари экилмокда. Улар янги районлаштирилган навлар булиб, афсуски, хрсилдорлиш ва дунё бозорида харид нархи етарли даражада эмас.

Буларнинг барчасини инобатга олган хрлда, аввалambор, Кдшлок. ва сув хужалиги вазирлиги, Хоразм вилояти х.окимлиги ва мутасадди идоралар вох.ада селекция ва уругчилик, навларни танлаб экиш ва синовдан утказиш ишларини кучайтириш ва шу асосда мах.аллий шароитга мое келадиган истикболли гуза навларини яратиш масаласини х.ал килиши зарур, деб таъкидлади Президент.

Бугунги кунда вилоятда ахрлини иш билан таъминлаш хам кун тартибида долзарб булиб турибди. Шу борада биринчи навбатда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боглик. муаммоларни х.ал этишга алохида эътибор к.аратиш керак. Бу масала буйича мавжуд ахволнинг тахлили шуни курсатадики, 2007 йидца касб-хунар коллежларини тугатган к.арийб 15 минг 900 нафар укувчининг фак.ат 9 минг нафари ишга жойлаштирилган, холос.

Табиат уйгониб, богу роглар, дашту далалар яшил либосга бурканиб, бахрр нафаси, куёшнинг тафти тобора кучайиб бораётган шу ёрут кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халкимизни юртимизга кириб келаётган Наврузи олам билан чин калбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Халкимиз доимо орзшдиб, интизор булиб кутадиган, янги кун ва янги фасл дебочаси, шаркрна янги йилнинг бошланиши булмиш Навруз айёми узининг маъно-мазмуни, курку таровати, теран фалсафаси билан бошка байрамлар орасида алохида урин тутади, десак, хеч кандай хато булмайди.

Нега деганда, Навруз табиат очилиши, уйгониш ва янгиланиш фасли булиб, Шарк. дунёсидаги энг кадимий, биз учун асл миллий, гоят ардокли ва эъзозли байрамдир.





Навруз узига хос бетакрор бир олам булиб, инсон зотини табиат билан доимо уйрун ва хамоханг булиб яшашга даъват этадиган *узаро* мехр-окибат, к.адр-киммат, хайру саховат рамзи ва белгисидир.

Айни Навруз фаслида барчамиз узимизнинг табиат фарзанди эканимизни, халкимизга хос миллий кадрият ва анъаналар нечогли теран ва сермазмун, маданиятимиз накадар бой эканини бутун ь^албимиз билан англаймиз ва беихтиёр юрагимиз гурур ва ифтихорга тулади.

Мана шундай нурафшон лах.заларда, айнан бах.орга мансуб сумалак ва х.алим, кук сомса каби тансик. таомлар тортилган дастурхонлар атрофида халкимиз Навруз неъматларини, байрам кувончини з^з якинлари, еру дустлари билан бах.ам куради, дунёга к.албини, багрини кенг очиб, пок ният ва орзуларини билдиради.

Мана шу файзли кунларда одамлар мах.аллакуй, эл-юрт билан тотув булиб, бир-бирига к.алб курини бажшлаб яшашга, беморлар, етим-есирлар, кунгли ярим инсонларга беминнат ёрдам ва кумак беришга, табаррук кексаларимизнинг дуосини олишга интилади.

Бу ажойиб байрамнинг яна бир хислати шундан иборатки, у кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни унутиш, кечиримли булиш, х.ар к.андай вазиятда х.ам ёруг кунлар келишига

умид ва ишонч билан яшашга, жамиятимизни ахиллик ва хамжихатликка чорлайди.

Бугун юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари махаллаларда, тураржойларда бу гузал ва дилбар айёмни ягона сила булиб, катга хурсандчилик билан нишонламокда.

Бу эса Наврузнинг хакикатан хам ноёб ва бетакрор экани, одамзодни факдт эзгулик ва яхшиликка даъват этишини якдол тасдиклайди.

Хурматли юртдошлар!

Бугун юртимизда «Ёшлар йили» деб ном олган 2008 йилнинг Наврузини кутиб олар эканмиз, барчамизни бахрр айёми, табиат уйгонишининг ёшлик фасли билан накадар узвий ва чамбарчас богланиб кетганини яна бир бор хис этамиз.

Халкимиз азал-азалдан ёшликни умр бахрри, деб таърифлайди. Айни шу кунларда фарзандларига атаб, уларнинг хает неъматларидан бахраманд булиши учун нихрл экиб, бог яратади.

Хдр кандай йилнинг хосияти бахррнинг илк нафасидан маълум булганидек, биз уз ёруг келажагимизни, авваламбор, ёш оилалар, ёш авлодимиз тимсолида курамиз.

Биз бугун хаётга кириб келаётган навкирон урил-кизларимизнинг очик. чехрасига, акд-заковатига, х.аракат ва интилишларига бокиб, уларнинг юртимизда хеч кимдан кам булмайдиган





янги хает, янги жамият куришга к.одир эканига ишонч хрсил киламиз.

Уларнинг ана шундай эзгу мак.садга эришиш йулида чиндан х.ам х.ал кдиувчи кучга айланиб бораётганини куриб, беихтиёр барчамизнинг кунглимиз гурурга тулади, тогдек кутарилади.

Бугун мана шу мухташам майдонда, Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси кад ростлаган шу азим богда тупланган, юзида, кузида катъият ва шижоат порлаб турган сиз, азиз ёшларимизга к.арата айтмокчиман:

**Хеч к^ачон буш келманглар, болаларим, эртанги кун бизники, марра бизники.**

Азиз дустлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг элчилари, халк.аро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча мухтарам мех.монларимизни Навруз байрами билан табриклаб, уларга юксак хурмат ва эхтиромимизни билдиришга, узок.-якин кушни ва хамкор хорижий дусту биродарларимизга кизгин салом ва табрикларимизни йуллашга ижозат бергайсиз.

Кддрли ватандошларим!

Бугун, мана шу унутилмас дамларда, янги мавсум арафасида барчамиз, энг аввало, Навруз айёминингх,акики:й эгалари, ризк.-рузимиз бун-

ёдкорлари булмиш захматкаш дехдонларимизни кутлаб, уларга мул хрсил, бахт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида килаётган эзгу тилакларимиз ушалсин, хар кайси хонадонда кувончли кунлар, тую томошалар купайсин!

Хар бир сила, хар бир шахар ва кишлогимиз, бутун Узбекистонимизни файзу барака тарк этмасин!

Юртимиз тинч, халкимиз омон булсин! ,,

Наврузи олам барчамизга муборак булсин!

*2008 йил 21 март*

## ХАЛК, ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА СУЗЛАНГАН НУТК,

*2008 йил 25 март купи Термиз шсарида Халц депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташцари сессияси булиб утди.*

*Сессияда Узбекистан Республикаси Президенты Ислом Каримов нутц сузлади.*

Сурхон вох.аси, унинг фвдойи мехнаткашлари уз юртини янада обод к^лиш ва таракдий топтиришда х.еч кимдан кам булмасдан, балки баъзи бир жараёнларда бопщаларга ибрат булиб келаётгани барчамизга катта мамнуният багишлайди, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз рах.бари, аввало, Сурхондарё вилояти кейинги йиллар мобайнида эришган ижтимоий-иктисодий натижалар х.акида тухталиб, 2007 йил якунига кура, бу ерда ялпи худудий мах.сулот х.ажми 7 фоизга усгани, жумладан, саноат мах.сулотлари 10,4 фоиз, кишлок. хужалиги мах.сулотлари 2,3 фоиз, халк, истеъмоли моллари ишлаб чик.ариш 9,4 фоизга ошганини таъкиддади.

Маълумки, бугунги кунда юртимиздаги хар кайси худуд ва минтака ривожида хорижий инвесторлар билан самарали хамкорлик килиш, иктисодиётга чет эл сармояларини фаол жалб этиш энг мухим ва устувор аханиях касб этмокда.

Айни Сурхон вохасида ана шундай масалани куйишга барча асослар борлигини хдммамиз яхши англаймиз, деди Ислом Каримов. Авваламбор, Сурхондарё вилоятида ноёб табиий бойликларнинг улкан захиралари мавжудлиги уларни узлаштириш ва эл-юртимиз манфаати йулида ишлатишга ундайди.

Айникса, халкимиз бунёдкорлик кудратининг яна бир амалий намоёни булган йирик коммуникация иншооти — «Тошгузар — Бойсун — Кумкургон» темир йулининг ишга туширилиши бу борада янги-янги имкониятлар ва уфклар очганини узимизга тасаввур килиш кийин эмас.

Бугун шуни алохида мамнуният билан айтиш мумкинки, Шеробод туманидаги Бешбулок. конида аникланган 150 миллион тонна микдрридаги хом ашё захираси асосида салкам 300 миллион долларлик тугридан-тугри чет эл инвестицияларини жорий ксилит хисобига юкрри сифатли цемент ишлаб чикариш буйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу мак,садда Жанубий кореялик хдмкорларимиз билан биргаликда кушма корхона ташкил этилди.





2010 йилда ишга тушириш мулжалланаётган бу заводнинг узида мингдан зиёд янги иш урни очилишини инобатга оладиган булсак, унинг вилоят учун нафак.ат иктисодий, балки ижтимоий жихатдан х.ам к.андай мух.им ахамиятга эга экани аён булади.

Айни вактда яна бир истик.болли лойиха — катта микдорда полиметалл захираларига эга булган Сариосиё туманидаги Хонжиза конида х.ам ана шу бойликларни узлаштириш буйича кенг куламли ишлар олиб борилмокда. Утган йили шу максадда 4 миллиард 400 миллион сумлик капитал маблаг сарфланганининг узиёк. бажарилган ишлар х.ажмидан далолат беради. Шунингдек, Бойсун ва бошка худудларда жойлашган ерости бойликларини узлаштириш буйича х.ам ишлар олиб борилмокда.

Вилоятда саноат сох.асини ривожлантиришга к.аратилган чора-тадбирлар х.акдда суз юритганда, утган йили бу ерда 15 та, жумладан, курилиш материаллари саноатини модернизация килиш хисобига 6 та инвестиция лойихаси амалга оширилганини к.айд этиш лозим.

Шундан сунг Ислом Каримов мажлис ахли эътиборини вилоят иктисодиётида етакчи тармок. булган кишлок. хужалиги сох.асида кейинги йилларда муайян натижаларга эришилаётганига к.аратди. Айник.са, пахтачилик ва галлачилик

буйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишида худудда фаолият курсатаётган 14 минг 400 та фермер хужалиги хал килувчи куч сифатвда узини намоён этаётгани таъкидланди.

Утган йили 2004 йилдагига нисбатан сабзавот 1,5 баробар, картошка 1,2 баробар, мева ва узум эса карийб 2 баробар куп етиштирилгани, албатта, сурхондарёлик сохдбкорларнинг самарали мехнати натижасидир.

Вилоятда курилиш ва ободончилик, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш борасида хам бир кагор ишлар бажарилмокда. Масалан, 2005—2007 йиллар давомида, асосан, кишлок. жойларда 1 миллион 650 минг квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 490 километрдан ортик. табиий газ, салкам 700 километрлик ичимлик суви' тармож тортилгани хам ана шу ишларнинг хажми ва куламини курсатади.

Бу ерда утган йили 9 мингдан зиёд укувчига мулжалланган 15 та касб-хунар коллежи, 16 мингдан ортик. укувчи таълим оладиган 51 та мактаб фойдаланишга топширилгани, хеч шубхасиз, ёш авлодимизнинг замонавий асосда таълим-тарбия олиши учун катта имкониятлар яратмокда.

Мухтасар килиб айтганда, бугун Сурхондарё вилоятининг киёфаси узгариб, куплаб сох.аларда даврнинг узи талаб этаётган янгиланиш ва узгаришларни амалга ошириш йулида сезиларли ишлар





килинаётганини куриш-кузатиш мумкин. Лекин вилоятда вужудга келган умумий ахволни тахлил килиб, холисона бах.о берадиган булсак, бу ердаги ислох.отларнинг бориши, ривожланиш суръатлари барчамизни крниктирмаслиги табиийдир, деди Юртбошимиз ва мажлис иштирокчилари эътиборини куйидаги масалаларга каратди.

Мисол учун, саноат сох.асидаги ахволни оладиган булсак, купгина жиддий камчилик ва нук.-сонлар борлигидан куз юмиб булмайди. Бу сохадаги ислох.отларнинг асосий шарти ва мезони булган таркибий узгаришлар жараёни изчил амалга оширилмаётгани туфайли саноатнинг ялпи худудий мах.сулот таркибидаги улуши охирги йилларда усмасдан, бир хрлатда к.олиб келмокда.

Бу хакда гапирганда, вилоят учун ута мухим булган, хом ашёни кайта ишлашга к.аратилган ишлаб чик.ариш сохалари, хусусан, енгил саноат корхоналарини ривожлантириш масаласида узгариш сезилмаётганини кайд этиш лозим.

Биргина мисол. Аксарият вилоятларда пиллани к.айта игшгаш масаласи тупик. х.ал этилган бир пайтда Сурхон вохасида етиштирилаётган 1200 тонна пилла хом ашёси умуман кайта ишланмаётганига нима деса булади?

Факат хом ашё етиштириш хисобидан иктисодиётни ривожлантириб булмаслиги, бундай

ёндашув бугунги кунда бизга умуман тугри келмаслигини кимгадир исботлаб, тушунтириб утиришга хржат борми?

Президент яна бир мухим масала — Сурхондарё вилоятида хусусийлаштириш жараёнлари буйича белгиланган режа ва дастурлар тулик. бажарилмаётгани хакида хам тухталиб, куйидаги фикрларни баён кидди.

Мулк эгаларининг хусусийлаштирилган корхоналарни замон талаблари асосида кайта жихрзлаш ва модернизация килиш, шу тарифа ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни курмаётгани бу сохадаги ишлар хужакурсин учун, номигагина булмокда, деб айтишга асос беради.

Текширишлар натижасида илгари хусусийлаштирилган 265 та корхонадан 25 таси тула кувват билан ишламаётгани, 13 та корхона эса мутлакр фаолият юритмаётгани аникланди.

Сурхондарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сохаси х.ам талаб даражасида ривожланмаяпти. Буни биргина рак,ам, яъни 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 580 тага ошгани хрлда, уларнинг саноат мах.сулотлари х.ажмидаги улуши 20,5 фоиздан 16,7 фоизга тушиб крлгани х.ам тасдиклаб турибди.

Бундай нохуш х.олатнинг асосий сабаби шундаки, вилоятда ташкил этилган кичик бизнес ва





хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта кисми, асосан, савдо-сотик. билан шугулланмокда. Улар орасида мах.аллий хом ашё асосида тайёр махсулот ишлаб чикарадиган корхоналар сони бармок. билан санарлидир.

Вилоятга ташк.аридан олиб келинадиган бутловчи кдсм ва материалларни шу ернинг узида кичик корхоналар ташкил этиб, ишлаб чикаришни йулга куйиш учун Мах.аллийлаштириш дастурида 2004—2007 йиллар давомида бир канча лойих.аларни имтиёзли асосда амалга ошириш белгиланган эди. Минг афсуски, ана шундай эътибор ва имтиёзга карамай, бу лойихалардан биронтаси хам жорий этилмаган. Бундай ахвол, аввало, Бандихон, Кдзирик., Кумкургон, Музработ, Сариосиё, Узун ва Шеробод туманларида мавжуд эканини к,айд этиш зарур.

Вилоятда яна бир мухим йуналиш — хорижий инвестициялар иштирокидаги лойих.аларни амалга оширишда х,ам оксокдик кузга ташланмокда.

Мисол учун, 2007 йилга мулжалланган Инвестиция дастури доирасида вилоятда 2 та лойихани амалга ошириш режалаштирилган булиб, улар буйича кузда тутилган маблагнинг атиги 7,6 фоизи узлаштирилганини кандай изохлаш мумкин?

Такрор ва такрор айтишга тугри келади — бугунги кунда юртимизга чет эл инвестициял-

рини, замонавий технологияларни олиб келмасдан туриб, хеч кандай ривожланишга эришиб булмайди. Агар кимки бошкача уйласа, хато килади, деди давлатимиз рахбари.

Албатта, бутун дунёда сармоядор бирон жойга узидан-узи кириб келмайди. Бунинг учун уларнинг кунглини топиш, керак булса, ортидан юриш-югуриш, мамлакатимизда яратилган кулай инвестицион мухитнинг мохияти ва ахамиятини, афзаллигини тушунтириш, энг асосийси, уларни узаро манфаатли хдмкорлик килишга кизиктира билиш, зарур шароитни ташкил этиб, йулини очиб бериш керак.

Мамлакатимизда бу масала буиича барча муаммолар ечилиб, кенг хукукий замин яратиб берилганига карамасдан, Сурхондарёдаги рахбар ва мутасаддилар бу ута мухим масалада хали-бери локяйдлик ва бепарволикка берилиб келмокда.

Табиийки, иктисодиёт сохасидаги бундай камчиликлар вилоятнинг молиявий ахволига уз таъсирини курсатмасдан к.олмайди. Буни бугунги кунда 15 та туман ва шахардан 13 таси дотацияда к.олиб келаётгани, айник.са, Бандихон ва Олтинсой, Бойсун ва Шербобод, Сариосиё ва Кдзирик. туманларида дотация даражаси юкрри экани хам тасдиклайди.

Мамлакатимизда кишлок.хужалиги самарадорлигини кучаитириш ва шу асосда халкимизнинг





хает фаровонлигини юксалтириш бутун юртимиз катори Сурхондарё вилоятидаги сугориладиган экин майдонларининг мелиоратив х.олатини яхшилаш, ернинг тупрок. унумдорлигини ошириш билан бевосита боглик, экани х.акида фикр юритар экан, Юртбошимиз бугунги кунда вилоят буиича сугориладиган ерларнинг 48 фоизи турли даражада шурлангани, жумладан, 51 минг гектар ёки дехдончилик килинадиган ерларнинг 16 фоизи уртача ва кучли даражада шурланганига эътиборни к.аратди.

2008—2012 йилларга мулжалланган давлат мелиорация дастурига кура, вилоятда 30 миллиард сумлик, хусусан, биргина жорий йилнинг узида 5 миллиард 400 миллион сумлик мелиорация тадбирлари амалга оширилади. Шу максадда йил охиригача Сурхон вохасига 24 та замонавий мелиорация техникаси олиб келиш кузда тутилмокда, деди Ислом Каримов ушбу муаммони х.ал этиш буиича курилаётган амалий чора-тадбирлар х.акида тухталиб.

Маълумки, вилоят худудида Осиё Таракдиёт банки иштирокида Аму — Занг машина каналини реконструкция килиш буиича умумий киймати 112,6 миллион АКШ долларига тенг булган лойиха амалга оширилмокда. Бу лойих.а тулик. амалга оширилгач, Ангор, Жаркургон, Кумкурfон, Музработ ва Термиз туманларидаги дехдон-

чилик килинадиган 100 минг гектар ер майдонининг сугориш таъминоти ва мелиоратив хрлатини яхшилаш имкони тугилади.

Албатта, кишлок. хужалиги таракдиёти билан боглик. бундай долзарб масалаларни ечищца хукуматимиз, марказий идоралар Сурховдарё вилоятига доимо ёрдам бериб келган ва бундам буен хам хар томонлама ёрдам беради. Лекин бу ерда рахбар булиб, етакчи булиб утирган шахслар хам ушбу сохани ривожлантириш, шу оркали дехкрн ва фермерларнинг даромадини ошириш учун бор имкониятларини ишга солиши керак. Таассуфки, хрзирча бундай интилиш ва амалий харакатларни курмаяпмиз.

Масалан, пахтачиликни олайлик. Бу сохада ишни тугри ташкил этолмаслик, гуза парваришидаги асосий агротехника тадбирларининг сифатсиз бажарилиши, замонавий технологияларга риоя килмаслик натижасида етиштирилган пахта хрсилини йигиб-териб олиш ишлари чузилиб, тола сифати пасайиб кетмокда.

Ана шундай хато ва камчиликлар туфайли утган йили Кдоирик. (83,5 фоиз), Ангор (87,1 фоиз), Термиз (92 фоиз), Жаркургон (92,8 фоиз) ва Бандихон (94,2 фоиз) туманларида пахта тайёрлаш буйича шартнома мажбуриятлари бажарилмасдан к.олиб, дех.к,онларимизнинг пешона тери тукиб килган мехнатига яраша даромад ололмаганини к.андай бах.олаш мумкин?





Мажлисда вох.анинг тупрок. ва иклим шароитига мое, янги ва истикболли гуза навларини яратиш билан боглик. масалалар х.ам атрофлича тахлил этилиб, вилоятда бу борада х.ам етарли иш олиб борилмаётгани афсус билан кайл этилди.

Биргина мисол, «Термиз-31» ингичка толали гуза навининг вегетация даври 135—145 кунни ташкил этади, унинг толаси 1-тип эмас, 3-тип булса х.ам, вилоят ва туман рахбарлари 1995 йилдан буен ушбу навни экишни сураб мурожаат к.илади.

Бугунги кунда пгуни аник, ва очик. айтишимиз керак — Сурхондарё заминига мое келадиган, серхрсил ва эртапишар, сифатли тола берадиган, жах.он бозорида талаб юкрри булган навларни яратиш масаласи муаммо булиб к.олмокда.

Саховатли Сурхон тупроги бекиёс имкониятларга эга экани, дехдончилик илмининг х.акики[й усталари айнан шу ерда мехнат килиши барчамизга яхши маълум. Бу заминда усмаидиган экиннинг узи йуХ, десак, муболага булмайди, деди Юртбошимиз.

2007 йили вилоятда 350 минг тонна сабзавот, 76 минг тонна мева, 94 минг тонна узум етиштирилгани хам фикримизни тасдиклайди. Аммо бу мах.сулотларни канта ишлаш, энг мухими, шу орк.али янги иш уринлари ташкил этиш ва ахрли даромадларини ошириш масаласи кандай х.ал

килиняпти, деган саволга, афсуски, ижобий жавоб бериш кийин.

Воханинг Ангор, Бандихон, Бойсун, Кдзирик., Музработ ва Шеробод туманларида мева ва сабзавот махсулотларини кайта ишлаш буйича биронта корхона ташкил этилмаганини рахбар ва мутасаддилар кандай изохлайди?

Бу масалада на махаллий хркимият, на тегишли вазирлик ва корхоналар рахбарлари ташаббус ва жонкуярлик курсатмаяпти.

Сурхондарё вилоятида сердаромад тармок, булган чорвачиликни ривожлантириш учун мавжуд катта имкониятлардан хам тулик. фойдаланилмаяпти.

Маълумки, чорвачилик огир ва мураккаб соха булиб, чорва молларининг бошини купайтириш, уларнинг наслини яхшилаш, касалликлардан химоя килиш замонавий ветеринария хизматини талаб этади.

Лекин бугунги кунда вилоятдаги мавжуд 255 та зооветеринария шохобчасининг 230 таси замонавий асбоб-ускуна ва жихрзлар билан таъминланмаганини, уларда малакали мутахассислар етишмаслигини хисобга оладиган булсак, бу борадаги ахволни, албатта, крникарли деб булмайди.

Президентимиз уз нуткида Сурхондарё вилоятида долзарб ахамиятга эга булган ижтимоий масалаларни ечиш, одамларнинг ошрини енгил





килиш, хизмат курсатиш даражаси ва сифатини ошириш масалаларига алохида эътибор каратиб, кейинги йилларда бу борада бирмунча ишлар килинганини эътироф этган хрлда, х.али ушбу сох.ада куплаб камчилик ва нук.сонлар мавжудлиги, улар ахрлининг х.акди эътироз ва норозилигини уйготаётганини таъкиддади.

Масалан, согликни саклаш сох.асини оладиган булсак, вилоятдаги 67 та тиббиёт муассасаси капитал реконструкция килиш ва кайта таъмирлашга мухтож, уларнинг аксариятидаги мухандислик тармокдари талабга жавоб бермайди. Айник.са, Шеробод, Сариосиё ва Кдзирик. туманларида ахрлининг касалликка чалиниш даражаси вилоятдаги уртача курсаткичдан юк.ори экани, айрим шахар ва кишлокдарда мутахассис шифокорлар ва махсус тиббий транспорт воситалари етишмаслиги ташвишланарли х.ол.

Биз бугун мамлакатимизни юксалтириш ва янгилаш буйича улкан ишларни амалга ошираётган эканмиз, бир х.акик.атни хаммамиз яхши англаб олишимиз зарур: кайси жабх.ада булмасин — бу иктисодиётни ислох. этиш ва модернизация килиш буладими, ижтимоий сох.а, таълим-тарбия ва согликни саклаш борасидаги энг мухим йуналишларни изчил давом эттириш буладими — буларнинг барчасида биз учун инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати энг асосий ва усту-

вор масала булиб келмокда, деди давлатимиз рахбари.

Бу борада ахрлининг бандлик даражасини ошириш, шу асосда унинг даромадлари ва турмуш фаровонлигини юксалтириш мухим ахамият касб этади. Бу масала юртимизда нафакат иктисодий, керак булса, сиёсий ахамиятга эга

Шу нуктаи назардан Караганда, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида бу борада маълум бир ишлар амалга оширилганини, хусусан, утган йили 42 мингдан ортик., жумладан, касаначилик хисобидан 7 минг 600 та янги иш урни яратилганини ижобий бахрлаш керак. Утган йил якунига кура, вилоятда расмий хисобот буйича 35 мингдан ортик. киши ишсиз сифатида руйхатга олинган. Лекин хаммамиз яхши биламизки, купчилик мщнатга лаёкатли одамлар иш излаб юрган булсада, бандлик хизматлари идораларига расман мурожаат килмайди. Шунинг учун бу масала буйича жорий этиб келинаётган мезон ва курсаткичларни яна ва яна бир бор аниклаб олиш зарур.

Шуни айтиш керакки, янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чикариш кувватларини реконструкция килиш ва кенгайтириш хисобидан иш жойлари яратиш буйича Термиз, Музработ, Кизирик. ва Денов туманларида етарли иш олиб борилмаяпти. Шу боис бу худудларда кейинги йилларда ушбу йуналишда яратилган





жами иш уринларининг 5 фоизга хам етмагани, х,еч шубх.асиз, хаммамизни ташвишлантиради.

Барчамизга яхши аёнки, хар к.айси инсон, бутун ахрли фаровонлигини юксалтиришнинг асосий шарти — авваламбор, одамларни доимий, барк.арор иш билан таъминлаш, уларнинг мехнат самарадорлигини янада оширишдан иборатдир. Шундагина фук.ароларнинг оладиган маошлари ва даромадлари х.ам, х.аёт даражаси ва сифати хам ошади. Бир суз билан айтганда, бу масалага айнан ана шундай ёндашув бизнинг уз олдимизга куиган мак.садларга эришишнинг яккаю ягона йулидир.

Мен узимнинг кейинги чикишларимда юртимиздаги касб-хунар коллежларини битириб чик.аётган йигит-кизларимизни биринчи галда иш билан таъминлаш масаласига кайта-кайта эътибор каратаётганим бежиз эмас, деди сузини давом эттириб Ислом Каримов. Нега деганда, биз замонавий касб ва малакага эга булган бу ёшларни иктисодиётимизнинг реал сох.а ва тармокларида асосий х.ал килувчи куч сифатида курамиз.

Шу куз билан Караганда, Сурхондарё вилоятида утган йили ана шундай укув даргохларини битирган 15 мингдан ортик. укувчининг 4 минг 520 нафари ёки 30 фоизи иш билан таъминланмагани вилоятдаги мутасадди рахбарларни безовта килмайдими?

Бундай ахволни кескин узгартириш учун биринчи галда ишчи кучини куп талаб этадиган енгил

ва озик.-овкат, махаллий хом ашёни кайта ишлаш саноати корхоналарини ташкил этиш юзасидан аник, ва амалий чора-тадбирлар куриш лозим. Шу билан бирга, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, шахсий чорва хужалигини ривожлантириш буйича хам ишларни кучайтириш зарур.

Одамларни иш билан банд этиш масаласида, аввало, ахрлига хизмат курсатиш сохаларида янги-янги ймкониятлар мавжудлиги хаммамизга аён булиши керак. Мамлакатимиз буйича ахрлига хизмат курсатиш тармопшинг ялпи ички махсулот таркибидаги улуши 50 фоизга якин булган бир пайтда Сурхондарё вилоятида бу курсаткич 36 фоизни ташкил этишини нима билан изохдаш мумкин?

Шахар ва туман хркимликлари, тижорат банклари ахрли бандлигини ошириш учун уз ишимни очаман деган тадбиркорларга тегишли шарт-шароитларни яратиш, микрокредитлар ажратиш буйича янада фаол иш олиб боришлари лозим.

Бир суз билан айтганда, бу масаланинг ижроси махаллий хркимликлар томонидан кундалик назоратга олиниши, уларнинг доимий эътиборида булиши даркор.

Маълумки, хар кандай ташкилот, корхона ёки жамоанинг такдири ва истикболини юксак малакали, мустакил фикрлайдиган, билимли ва тажрибали кадрлар хал килади. Афсуски, Сурхондарёда





кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига куиишдек ута мухим масалада кейинги пайтда бир кагор камчиликлар кузга гашланмокда.

Сунгги йилларда вилоят ва мах.аллий бошк.арув идоралари рах.барлари уз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариш, фук.аролар томонидан кутарилган таклиф ва муаммоларни чукур урганиб, вакгида ечиш урнига купрок. бегамликка берилиб, шахсий манфаагини уилаш билан овора булиб юрганини, к.анчалик огир булмасин, айтишга мажбурмиз, деди Ислом Каримов шу сохадаги ахволга бах.о берар экан.

Ишда жиддий нук.сонларга йул куйгани учун вилояг х.окимининг биринчи уринбосари Ж. Холмуродов, хрким уринбосари — хогин-к.излар кумигасининг раиси Д. Авлиёкулованинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани, х.окимнинг курилиш буйича уринбосари X. Рамазонов эса уз мансаб вазйфасини суиистеъмол килгани учун суд хукми билан жиноий жавобгарликка тортилиб, озодликдан махрум этилгани х.ам шундан далолат беради.

Вилоят Х.ОКИМЛИГИ томонидан кадрларга нисбатан талабчанлик ва масъулият бушашиб кетгани, уз навбатида, туман ва шах.ар бугинлари рах.-барларига х.ам салбий таъсир курсатмокда. Буни кейинги вактда Термиз шахри, Ангор, Кизирик., Музработ ва Термиз туманлари х.окимларининг уз

вазифасидан четлатилгани дам исботлайди. Ёки булмаса, 2004—2007 йиллар мобайнида вилоят ташкилотларининг 22 нафар рахбари турли камчилик ва крнун бузишларга йул куигани учун уз вазифасидан бушатилгани дам бунинг тасдищдир.

Сурхондарё вилоятида юзага келган бугунги ахволни ижобий томонга узгартириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, энг мухими, шу юртда яшаётган ахрлининг хаётий эхтиёжларини крндириш, турмуш даражасини ошириш учун амалий чора-тадбирлар куриш зарурлигини юкррида келтирилган мисоллар якдол курсатмокда.

Барчангизга маълумки, бундан турт йил олдин биз Абдулхаким Эшмуротовга катта ишонч билдириб, уни Сурхондарё вилоятига рахбар эти.6 тасдиклаган эдик, деди Президентимиз.

Эътироф этиш керакки, дастлаб иш бошлаган паитида унда вилоят олдида турган муаммоларни ечиш, ислохртларни амалга ошириш буйича кандайдир ижобий харакат ва интилишлар кузатилган эди. Афсуски, бундай харакатлар кейинги йилларда унинг фаолиятида уз давомини топмади. Шуни очик. айтиш керакки, А. Эшмуротовнинг иш фаолиятида кенг микёсда фикр юритиш, карор кабул килишда масъулият ва жавобгарликни уз зиммасига олиш, принципиаллик хусусиятлари етишмади. Узини хам, бошкаларни хам аямасдан ишлаш, ишлатиш кайфияти умуман намоён булмади.





кимга сир эмаски, х.окимнинг талабчанлиги ва катьияти етарли булмаса, у талаб килиш урнига кузатувчи булиб турса, бундай вазиятда нафак.ат унинг бевосита кул остида ишлайдиган ходимлар, балки жойлардаги радбарлар томонидан хам уз вазифасига совукдонлик билан караш, узибуларчиликка берилиб кетиш х.олатлари кучайиши мукаррар.

Вилоятда кадрлар масаласи билан боглик. яна бир хрлат шундан иборатки, Сурхондарё вилояти буйича 1996—2007 йиллар мобайнида Узбекистан Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академиясини 71 нафар киши битирган булса, уларнинг 10 нафари уз жойига ёки ундан хам куйи лавозимларга ишга тайинланган. Факат Президент девонининг аралашувидан кейин уларнинг 6 таси истикболли кадрлар захираси руйхатига киритилган, холос.

Бундай камчилик ва нук.сонларнинг барчаси вилоят рахбарининг масъулиятсизлик ва бепарволик кайфиятига берилиб, ишларни уз х.олига ташлаб куйгани билан изохланади. Холбуки, вилоят мик.ёсида етакчи лавозимга сайланган шахе унга ишонч билдирган одамларнинг дарду ташвишларини уз калбидан, юрагидан утказиб, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга бош-крш булишга хар томонлама к.одир булиши шарт.

Сессияда ташкилий масала куридди. А. Эшмуротов Сурхондарё вилояти хркими вазифасидан озод килинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кура, Узбекистан Республикаси халк. таълими вазири вазифасида ишлаб келаётган Туробжон Жураев Сурхондарё вилояти хркими этиб тасдикланди.

Бугун сизлар билан вилоятдаги мавжуд ахволни атрофлича тах,лил килиш асосида тегишли хулосаларни чикаришга, ташкилий масалаларни ечишга тугри келди. Буларнинг барчаси, авваламбор, ягона эзгу максадга, яъни юртимиз тарихи ва тарак.киётида хамма вакт узининг муносиб урнига эга булиб келган Сурхондарё вохасини хар томонлама ривожлантириш, бу ерда яшаётган халкнинг бугунги ва эртанги х.аётини фаровон килишга к.аратилганини барчамиз яхши англаймиз. Ишончим комилки, захматкаш ва багрикенг, купни курган Сурхон ахли бугунги фикр-мулохазалардан тугри хулоса чикариб, янги рах.бар билан х.амжих.атликда вилоятни равнак. топтириш, уни янада обод килиш учун белни каттик. боглаб, астойдил мехнат кдлади, узининг эзгу максадларига албатта етади, деди пировардида Юртбошимиз.

## НАТО/СЕАП САММИТИДАГИ

Мухтарам Раис жаноблари!

Хурматли давлатлар ва хукуматлар рах.барлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ижозатингиз билан Узбекистоннинг НАТО билан «Тинчлик йулида х.амкорлик» дастури доирасидаги х.амкорлик истик.боллари, шунингдек, Афгонистондаги вазиятни барк.арорлаштириш борасида уз к.арашларимизга дойр масалалар х.акида кискача тухталиб утмокчиман.

НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда х.акик.атга айланмокда ва бу, уз навбатида, Евроатлантика х.амкорлик кенгаши — СЕАПни янада ривожлантириш ва мустахкамлашнинг яхши омилидир.

Ушбу жараёнда мамлакатимизнинг истик.болда НАТО билан амалий х.амкорлик дастури хавфсизликни таъминлаш ва мудофаа курилиши, экология ва гуманитар сохадаги тадбирлар билан бир каторда демократик янгилаш ва модернизация

килиш, демократик ва фукаролик институтлари-ни мустахкамлаш хамда узаро манфаатли бошка йуналишларда хамкорликни хам уз ичига олиши мумкин.

Ядро ва бошка турдаги оммавий киргин курол-ларини таркатмаслик, халкаро терроризмга, нар-котикларнинг нокрнуний айланишига карши ку-рапща хамжихатликни мустахкамлаш масалалари, шубхасиз, хамкорликнинг устувор йуналиши булиб крлиши даркор.

Фурсатдан фойдаланиб, Узбекистон НАТО билан Нохарбий юкларни уз худуди Термиз — Хайратон чегара узели оркали етказиб бериш ко-ридори ва транзитный таъминлаш тугрисидаги битимни мухркама кдяиш ва имзолашга тайёр эканини айтмокчиман. Бу Афганистан билан бог-ловчи ягона темир йулдир.

Бунда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва крнун-чилигини таъминлаш буйича суверен манфаатла-рига риоя килиниши лозим.

Булажак битимга жорий йилнинг 4 мартида Узбекистон билан Германия уртасида имзолан-ган Бундесвер юкларини мамлакатимиз худуди-дан темир йул орк.али ташиш буйича келишувни асос килиб олиш мумкин.

Биз Афгонистонда тинчлик ва барк.арорлик-ка эришиш бутун Марказий Осиё минтак.асини баркарор ижтимоий-иктисодий ривожлантириш





борасидаги х,аётий мух.им муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавф-сизликнинг дал килувчи омили эканини яхши англаймиз.

Бундан бошк.а йул йук.. Негаки, ушбу мамла-катда зиддиятларнинг кучайиб бориши, кескин-лик ва терроризм куламининг кенгайиши глобал хавфсизлик ва халкаро баркарорлик учун жид-дий тахдид солмокда.

Биз куйидаги вазифаларнинг амалга ошири-лиши Афгонистондаги вазиятга ижобий таъсир курсатиши мумкин, деб хисоблаймиз.

**Биринчидан** — гоят мухим хаётий ижтимоий ва иктисодий муаммоларни, ахрли бандлиги, х.оки-миятнинг вертикал бошкаруви ва нуфузини мус-тахкамлаш муаммоларини х.ал этишни таъмин-лаш нихрятда устувор ах.амиятга эга.

Бунда биз энг асосий вазифа — ахрлининг халк.-аро коалиция кучларига булган ишончини к.озо-ниш йулини курамиз.

Айни пайтда буларнинг барчаси жангарилар-ни молиялашнинг асосий манбаи булмиш нар-котиклар ишлаб чик.ариш ва етказиб беришга карши курашиш муаммосини х.ал этишда кучли омил булиб хизмат килиши мумкин.

**Иккинчвдан** — купмиллатли Афгонистон халки-нинг анъанавий линий, миллий-маданий кадрият-лари ва урф-одатларини хурмат к.илиш х,амда

куллаб-кувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига хурмах билан муносабатда булиш.

Нафакат Афгонистон, балки бутун мусулмон оламида токат килиб булмайдиган вазият ва кескинликка сабаб булаётган ислом динига нисбатан мутлакр асоссиз хуруж ва бухдюнларга йул куймаслик даркор.

**Учшиидан** — давлат ва жамият курилиши, фуқаролик институтларини шакллантириш борасида ислохртларнинг боскичма-боскич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш жуда мухдмдир. Бунда, биринчи навбатда, Афгонистонда сиёсий баркарорлик ва иктисодий фаровонликка эритттиш ислохртлар муваффакиятининг мухдм кафолати эканини эътиборга олиш зарур.

**Туртинчидан** — кушни Покистон ра^барияти ва хукумати билан биргаликда чегара муаммоларини, аввало Вазиристон худудида, хал этиш Афронистондаги вазиятни барк.арорлаштириш учун мухдм ах^амият касб этади.

**Бешинчидан** — 1997—2001 йилларда БМТ кумагида самарали фаолият курсатган, Афгонистон билан кушни давлатлар, Америка Кушма Штатлари ва Россиянинг ваколатли вакилларидан ташкил топтан «6+2» мулокрт гурухи доирасида Афгонистонда тинчлик ва баркарорликка эришиш буйича музокаралар жараёнини кайта тиклаш макрадга мувофщ, деб хдсоблайман.





Ушбу мулок.от гурухд томонидан БМТ шафелигида Афгонистон муаммосини х,ал этиш юзасидан гурухга аъзо давлатларнинг умумий принциплари ва ягона ёндашувлари ишлаб чикилди, 1999 йил июлда Тошкентда к.арама-к.арши томонларнинг учрашуви ташкил этилди ва утказилди, «Афгонистондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари тугрисида»ги Тошкент декларацияси к.абул к^илинди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Тошкент учрашуви якунларини афиш муаммосини сиёсий йул билан хдл этиш йулидаги мухдш к.адам сифатида эътироф этди ва ушбу декларация асосида тегишли карор к.абул килди.

2001 йилгача фаолият курсатган «6+2» мулокрт гурухдни хрзирги вок.еликни инобатга олган хрлда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси х;ам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+2»ни «6+3» гурухдга айлантириш зарур, деб хдсоблаймиз.

Барча манфаатдор томонлар иштирокида Афгонистон буйича кенг камровли режани ишлаб чикишда ушбу таклифларни эътиборга олиш Афгонистондаги вазиятни баркарорлаштириш жараёнига ижобий таъсир курсатиши мумкин, деб уйлайман.

*2008 йил 2 апрель*

-

## ХАЛЕ, ДЕПУТАТЛАРИ САМАРКАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА СУЗЛАНГАН НУЩ

.

*2008 йил 15 апрель купи Халк, депутатлари Самарцанд вилояти кенгашининг навбатдан ташцари сессияси булиб утди.*

*Сессияда Узбекистан Республикаси Президенты Ислом Каримов нутц сузлади.*

Бугунгй кунда бунёдкор Самарканд ахли хаётимйзнйнг кугггина соха ва тармокларида катга ютук. ва натижаларни кулга кйрйтаётганйнй алохида таъкидлаш зарур, дедй Юртбошимйз.

Маълумки, Самарканд узининг иктисодий-ижтймойй салохияти бйлан юртимйз тараккиётига муносйб хисса кушиб келаётган етакчи вилоятларимйздан бйрй хисобланади. Буви мамлакатимиз ялпи йчкй махсулотинйнг 6,3 фоизй, кишлок. хужалиги махсулотларининг 13 фоиздан зйёди, хнзматлар ва сервис сохасйнинг 8 фойЗй бугун мана шу вилоят хиссасига тугри келаетганида х.ам куриш мумиш.

Эътйборлй томони шундаки, ана шундай салохият йилдан-йилга ортиб ва мустахкамланиб,





вилоят иктисодиётининг барк.арор усйш суръатларини таъминлашга, ахрли фаровонлигини оширишга хизмат килмокда. Биргина 2007 йили вилоятда ялпи худудий мах,сулот ишлаб чикариш 10,5 фоизга, саноат мах.сулотлари 24,6 фоиз, кишлок. хужалиги 6,3 фоизга, хизмат курсатиш сохаси 37 фоиз, экспорт хажми эса 35 фоизга ошгани хам бу фикрни тасдиклаб турибди. Масалан, саноат сохасини оладиган булсак, утган йилнинг узида бу ерда 21 та янги корхона ташкил этилиб, 10 та корхонада ишлаб чик.ариш кувватлари кенгайтирилгани, соха ривожига 10 миллион АК.Ш доллари ва 1 миллиард 400 миллион сум микдррида хорижий ва махаллий инвестициялар жал б килиниб, 1000 дан ортик. янги иш урни яратилгани эътиборга лойик., албатта. Ана шундай корхоналарда кимёвий толалар, курилиш материаллари ва мотор мойи сингари махсулотлар ишлаб чик.ариш узлаштирилгани, айник.са, автомобилсозлик саноати янги боскичга кутарилганини алохида к,айд этиш керак.

Бугунгй кунда «СамАвто» заводида япониялик х.амкорлар иштирокида ишлаб чикарилаётган «Исузу» автобуслари ва юк автомобиллари нафак.ат мамлакатимиз, балки дунё бозорида х.ам уз харидорини топмокда. Хозирги пайтда ушбу корхонада ишлаб чикариш хажмини янада кенгайтириш буйича кенг куламли ишлар олиб

борилмокда. Бунинг натижасвда якин вакт ичида бу ерда йилига 12 минг дона автобус ва юк автомобиллари ишлаб чикариш имкониятига эга буламиз.

Кдцимдан тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатлари билан ном крзонган Самарканд заминида кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сохаси хам ривожланиб бормокда. Утган йил давомида бу соханинг ялпи худудий махсулот таркибидаги улуши 66,4 фоизга етгани хам шундан далолат беради. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 36 мингдан ортиб, вилоят буйича ташкил этилган жами янги иш уринларининг 83 фоизи, иш билан банд булган ахрлининг эса 75 фоизи айнан шу тармок. хиссасига тугри келаётганини ижобий бахрлаш зарур.

Самарканд вилоятининг мамлакатимиз агросаноат мажмуида узига хос мухим урин эгаллашини барчамиз яхши биламиз. Хозирги кунда вилоятда 24 мингдан зиёд фермер хужалиги самарали фаолият курсатмокда. Мамлакатимизда бу борада хукукий, модций ва молиявий жихатдан зарур шарт-шароитлар, тегишли инфратузилмалар яратиб берилгани бу сохани кенг ривожлантириш учун мустахкам асос булмокда. Утган йили вох.ада етиштирилган пахтанинг юз фоизи, галланинг эса 80 фоизи фермер хужаликлари томонидан тайёрлангани фермерлик харакати чиндан хам хал кдлувчи кучга айланиб бораётгани, унинг имкониятлари ва истикболи катта эканини яна бир бор тасдиклайди.





Умуман олганда, 2007 йилда вилоят буйича 255 минг тоннадан зиёд пахта, 690 минг тонна галла, 834 минг тонна сабзавот, 184 минг тонна мева, 296 минг тонна узум етиштирилганини бугун миннатдорлик билан тилга оламиз.

Биз учун устувор масала булмиш ижтимоий сох.адаги узгаришлар х.акида гапирадиган булсак, 2007 йили Самарканд вилоятида 900 минг квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 72 километр табиий газ, 195 километр ичимлик суви тармок,лари ишга туширилганини к.айд этиш уринлидир, деди давлатимиз рах.бари. Ана шундай ишлар натижасида х.озирги кунда вилоятда ахрлини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 88 фоиздан ошгани, албатта, бу борада салмокди к.адам куйилганини курсатиб турибди.

Утган йили вилоятда 27 минг укувчи таълим оладиган 67 та мактаб,15 минг 400 уринли 12 та касб-хунар коллежи, магистрал йуллар, замонавий мехмонхоналар, янги-янги тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, савдо ва маиший объектлар фойдаланишга топширилгани нафакат Самарканд шахри, балки бошк.а шахар ва

туманларнинг хам обод булиб, киёфаси тобора очилиб боришига хисса кушмокда.

Шундан сунг Ислом Каримов Самарканднинг катта салохиятини, бу ерда хали-хануз очилмаган ва ишга солинмаган имкониятларни хисобга олган хрлда, бугун вилоятда кулга киритилган марралар билан кифояланиб булмаслигига эътиборни каратди. Президентимиз бу фикрнинг исботи сифатида хрзирги кунда Самарканд вилояти республика эришган уртача курсаткич ва ютук.-лардан баъзи бир етакчи сох.аларда оркдда крлаётганини таъкидлади ва куйидагиларни кайд этиб утди.

Агар утган йили мамлакатимизда ялпи ички махсулот таркибида саноатнинг улуши 24 фоиз булган булса, Самаркандда бу курсаткич анча паст, яъни 10,5 фоизни ташкил этди. Айтиш керакки, бундай хрлат бир вактлар Тошкент шадридан кейин индустрия ривожига энг катта эдисса кушиб келган Самарканд шахри ва умуман, вилоятнинг улкан имкониятлари даражасида эмас.

Хеч кимни к.оniктирмайдиган бундай ахролни узгартириш, авваламбор, замонавий саноат корхоналарини, янги индустрия иншоотларини куриш, уларнинг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва илгор технология билан куроллантирипши талаб килади. Лекин, тахлиллар шуни курсатадики, айнан мана шу мухим йуналишда





Самарканд вилоятида ок.сокдик кузатилмокда. Яъни, умумий капитал маблагларининг индустриянинг асосий фонддарини купайтиришга ва умуман, курилиш со^асига йуналтирилган улу-1ди республикамиз микёсида 23 фоиз булгани \олда, Самарканд вилоятида бу курсаткич бугунги кунда 7 фоизни ташкил килади, холос.

Кейинги пайтда вилоятдаги саноат корхоналарининг аксариятида ишлаб чик.ариш самарадорлиги пасайиб, уларнинг иктисодий ахволи огирлашиб бораётгани барчамизни ташвишлантириши табиий, албатта, деди Юртбошимиз. Шу борада юртимизда холодильник ишлаб чикаришга ихтисослашган ягона корхона булмиш «Сино» акциядорлик жамиятидаги хрлатта эътиборингизни к.аратмокчиман. Катта салохиятга эга бу корхонада куп йилдан буен ишлаб чик.ариш имкониятларининг фак^атгина 5—10 фоизи микдорида мах.сулот ишлаб чик.арилмокда. Шунингдек, Самарканд лифтсозлик заводила 2007 йили борйуги 303 та лифт тайёрлангани, натижада корхона ночор молиявий ахволга юз тутгани хам одамни афсуслантиради.

Айни пайтда вилоятда илгари хусусийлаштирилган бир канча саноат корхоналаридаги ахволни хам ижобий бах.олаш кийин. Масалан, 58 та ана шундай корхонадан 36 таси хрзирги вактда тула кувват билан ишламаётгани, 22 таси эса мутлакр

фаолият курсатмаётгани жиддий муаммо булиб крлмокда.

Шу уринда аввал хам куп марта айтилган бир фикрни яна такрорлашга тутри келади. Яъни, бугунги кувда иктисодиётга хорижий инвестицияларни жалб кдимасдан ва замонавий технологияларни олиб келмасдан туриб, бундай корхоналарни оёкда туршзиб булмайди. Афсуски, бу масалага ана шундай муносабат хали хам купчилик рахбар ва мутасаддилар онгида шакллангани йук.. Буни утган йили мамлакатимиз буйича узлаштирилган тугридан-тугри хорижий инвестицияларнинг атиги 1,5 фоизи Самарканд вилояти хиссасига тугри келгани, Кушработ, Нарпай, Окдарё ва Булунгур туманларида бу борада хеч кандай иш килинмаганини хам исботлаб турибди. Энг ачинарлиси, Иштихон ва Нуробод туманларида 2005 йилдан буен чет эл инвестицияси иштирокида биронта хам корхона ташкил этилмаган.

Янгича фикрлаш ва ташаббуснинг етишмаслиги туфайли вилоятдаги «Каттакургон ёг-мой», «8 март», «Нафис» акциядорлик жамиятлари, «УзБАТ» корхонасининг Ургут филиали, «Амин-инвестинтернейшнл» кушма корхоналари хам ошр ахволга тушиб к.олган.

Бундай хрлатнинг сабаблари х.акдда гапирганда, вилоятдаги купчилик корхоналарнинг асбоб-ускуналари ва дастгохдари них.оятда эскириб





к.олганини кайд этиш лозим. Мисол учун, «Гранит» ва «Каттакургон ёг-мой» корхоналарида асосий ишлаб чик.ариш воситаларининг эскириш даражаси 80 фоизни ташкил этмокда.

Давлатимиз рах.бари бу сох.ада вужудга келган бундай салбий ахволни тубдан узгартириш мак.-садида бугунги кунда аник, режа ва дастурлар ишлаб чикилаётгани х.акида тухталиб, жумладан, куйидаги лойих.аларга эътиборни к.аратди.

Аввало, Хитойнинг «Хаер» компанияси билан хамкорликда «Сино» корхонасини к.айта реконструкция килиш ва шу асосда бу ерда йилига уртача 330 минг дона холодильник ва кондиционер ишлаб чикаришга эришиш лойихаси устида иш олиб борилаётганини айтиш зарур. Шунингдек, Самарк.авд лифтсозлик заводини хам модернизация килиш хисобидан бу ерда кейинги икки йилда 2,5 минг дона юк ва одам ташийдиган замонавий лифт ишлаб чикариш устида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Юк.орида тилга олинган заводлар ва шулар каторида бошк.а йирик корхоналарни реконструкция килиш, бунинг учун чет мамлакатлардан тегишли сармоя, маблаг ва технологияларни олиб келиш масаласида вилоят хркимлиги, умуман, шу ишга мутасадди булган рахбарларнинг хиссаси сезилмаётгани, улар куп хрлларда фак,ат кузатувчи булиб утиргани сессияда афсус билан кайд этидди.

Бугунги кунда жахрн бозорида озик.-овкат махсулотларига эхтиёж кескин ошиб бораётганидан, уйлайманки, барчамиз яхши хабардормиз, деди Ислом Каримов уз фикрини давом эттириб. Шундай хрлатни инобатга олиб, юртимиздаги кенг имкониятлардан фойдаланиб, экспорт хажмини ошириш максадида хукуматимиз томонидан тегишли чора-тадбирлар курилмокда. Жумладан, вилоятдаги мева-сабзавот ва гушт-сут махсулотларини кайта ипшайдиган 12 та заводни модернизация килиш режаси ишлаб чикилмокда. Шунингдек, Тайлок., Самарканд, Пайарик., Булунгур ва Окдарё туманларидаги агрофирмалар ва фермер хужаликларига 15 та мини-технологияни жорий этиш кузда тутилмокда. Натижада мазкур туманларда мева-сабзавот махсулотларини кайта ишлаш хажмини 32 фоиздан 43,5 фоизга етказиш мулжалланмокда. Лекин Самарканд вохасида мавжуд булган к,айта ишлаш корхоналари фаолиятига бах.о берар эканмиз, бу борада х.ам жиддий муаммолар борлигидан куз юмиб булмайди. Айникса, Пахтачи ва КаттакурFOH туманларида ^озиргача мева-сабзавот мах,сулотларини канта ипшайдиган биронта корхона ташкил этилмагани, яхши ният билан тузилган агрофирмаларнинг купчилиги самарасиз фаолият курсатаётгани, албатта, х,еч кимни к.ониктирмайди.





Сессияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик со^асида вилоят эришган ижобий натижалар билан бирга, бу борада уз ечимини топмасдан келаётган муаммолар юзасидан хам зарур фикр ва хулосалар баён кшшнди.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд кичик бизнес субъектларининг 71 фоизи кишлок. хужалиги со^асида, карийб 10 фоизи савдо ва умумий овкатланиш йуналишида фаолият курсатмокда. Лекин айни пайтда замонавий таракдиётни белгилаб берадиган саноат, курилиш, транспорт ва алок,а, ахборот хизматлари, кучмас мулк операциялари каби тармоклар буйича уларнинг улуши паст даражада к.олмокда.

Вилоят иктисодиётидаги бундай камчилик ва нук^сонлар, табиийки, молиявий ахволга ^ам салбий таъсир утказмокда. Хозирги вактда худуддаги 16 та шахар ва тумандан 11 таси дотацияда булиб, айникса, Кушработ, Булунгур, Пайарик., Тайлок., Иштихон, Каттакургон ва Пастдаргом туманларида дотация даражаси юкрри булиб турибди.

Президентимиз уз нуткида ерларнинг мелиоратив ^олатини яхшилаш, тупрок. унумдорлигини ошириш борасида долзарб булиб турган вазифалар ^акида атрофлича тухталиб, вилоят х.окимидан тортиб мелиорация сохасида ишлаетган барча мутахассисларгача бир тану бир жон булиб,

ишни тугри ташкил этиши, махсус пудратчи ташкилотлар тузиш, ажратилган молиявий ресурслардан окилона ва самарали, максадди фойдаланишга эришиш каби масалалар хал килувчи ахамиятга эга эканини укдщжб утди.

Бундай максадларга эришиш вилоят ва туман рахбарларидан, соха мутахассисларидан ташкилотчилик ва к,атъиятлилик, шижоат ва сафарбарликни талаб кдяади, деди Ислом Каримов. Бу хакда гапирганда, такрор ва такрор айтишга тугри келади: бизнинг максадимиз — ерларнинг мелиоратив хрлатини яхшилаш, тупрок. унумдорлигини ошириш хисобидан нафакат далада ишлаётган дехдон ва фермерларнинг фаровонлигини юксалтириш, балки бутун халкимизнинг эхтиёжларини янада туларок. крндириш, мамлакатимизни озик.-овкат махсулотлари билан ишончли таъминлаш ва экспортга йуналтирилган товарлар хисобидан валюта даромадларимизни купайтиришдан иборат.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган барча дастурлар, тадбир ва харакатлар, аввалambор, ах.олининг огирини енгил кдлиш, унинг фаровонлигини ошириш, янги боскичга кутаришга к;аратилган, деди Юртбошимиз. Агар шу куз билан Самарканд вохасида ижтимоий сохада мавжуд булган ахволни бахрлайдиган булсак, бу йуналишда хали киладиган ишларимиз жуда куп. Бир-





гина коммунал хизмат курсатиш сохасида дебиторлик к.арзларини камайтириш буйича етарли чора-тадбирлар курилмагани окибатида уларнинг микдори х.озирги кунда 180 миллиард сумдан ошиб кетгани хам бу фикрни тасдиклайди.

Вилоятдаги 200 та уй-жой мулкдорлари ширкати 1 минг 340 та куп каватли уйга хизмат килмокда. Лекин тахлиллар шуни курсатадики, бу ширкатларнинг аксарияти номигагина тузиб куйилган. Шунинг натижасида 1991 йилгача курилган 125 та куп каватли уйни капитал таъмирлаш ишлари 2007 йилда 61 фоизга бажарилган булса, жорий йил режасига киритилган 125 та уйда бу ишлар х.анузгача бошланмаган. Яъни, ана шу уйларда яшайдиган юзлаб одамларни купдан буен кийнаб келаёттан муаммоларни х.ал этиттт буйича ишлар улда-жулда к.олиб келмокда.

Биз учун нафак.ат ижтимоий, айни пайтда, сиёсий ахамиятта эга булган ах.олини иш билан таъминлаш масаласини оладиган булсак, вилоятда бу сохада хам кагор камчиликлар борлигини таъкиддаш зарур. 2007 йил якунларига кура, вилоятда ишсизлар сони 64 минг кишини ташкил этган булса-да, бандлик хизматлари идораларидан расман руйхатдан утганлар сони озчиликни, яъни 1 минг 652 кишини ташкил килади.

Давлатимиз рахбари доимий, баркарор иш уринлари яратиш масаласи биринчи галда х.оким-

ликлар, тегишли вазирлик ва идоралар рахбарларининг кундалик эътибори ва назоратида булиши шартлигини таъкиддади.

Бугун Самарканд вилоятида мавжуд булган ахволни атрофлича тахлил килар эканмиз, вилоят, шахар ва туман хркимликлари, авваламбор, зиммасига юксак вазифа, шу билан бирга, ута катта масъулият юкланган вилоят рахбари фаолиятига танкидий бахр беришимиз хар томонлама уринли булади, деди Юртбошимиз.

Агар шу нуктаи назардан караб, вилоят рах.-бари вазифасини бажарувчи А. Бахромовнинг иш фаолиятини куздан кечирадиган булсак, минг афсуски, уни ижобий бахрлаш кийин.

Маълумки, бу шахе 2005 йилнинг охирида Самарканд вилояти хркимининг биринчи уринбосари этиб тайинланган эди. Уни бу вазифага тайинлашда мутахассислиги, олдинги иш фаолияти, жумладан, Вазирлар Махкамасида анча вакт масъул лавозимларда хизмат килгани, 2003—2005 йилларда эса «Узбекенгилсаноат» уюшмасида рахбар булиб ишлагани хисобга олинган эди. А. Бахромовга бу вазифани топширар эканмиз, у вилоятнинг собик, хркими Мамаризо Нурмуродовнинг иш фаолияти самарасини оширишга, айник.са, Самарканяда катта салохиятга эга булган енгил саноат тармогини янги боскичга кутариш, иктисодий ночор ахволга тушиб к.олган саноат корхонлари-





ни оёкда турЕИЗишга хисса кушади, умуМ^1' вило" ят
иктисодиёти ривожига янги туртки ббР3^1' де умид
килган эдик, деди Президент.

Охирги пайтда М. Нурмуродовнинг сзл°мат
лиги ёмонлашгани, вилоятнинг бирин1!^ ^а^ а
ри вазифасини бажаришга х.ар том куввати
етмаганини инобатга олиб, татлари Самарканд
вилояти кенгаший^11 йил декабрь ойида булиб
утган сессийс11да ^ уз вазифасидан озод
килишга тугри ке^ан эди' Айни пайтда А.
Бахромов Самарканд Рилояти х.окими
вазифасини вак.тинча бажару^411 эт куйилган
эди. Нима учун айнан вазиф311* тинчалик
бажарувчи, деб карор к.абул *0П1Ш^к*-> деган масала
хакида тухталар экан, *Юр?®с* куйидаги
фикрларни алохида уктириб *у*^*

Чунки Самарканддек бой ва кухна таРихга'
улкан салохиятга, авваламбор, 1
лохдятга эга булган йирик бир вилоят^ лик
килиш нак.адар мураккаб ва эканини
барчамиз яхши тушунар эдик. айтганда, бу ута
мухим вазифа рах.б^Р ОЛДИ] к.андай юксак
талаблар куиишидан к^и *1Кс* к.ан х.олда, бу
шахе уз устида ишла^' ] фаоллари ва
депутатларига, мутахасси^-11^1^ яниб-таяниб,
билмаганини урганиб, асосда тажриба
орттириб, воханинг ечиш, вилоятнинг
обруиига обру

тун борлигини бериб ишлайди, деб уйлаган ва синов тарикасида уни шу лавозимга таиинлаган эдик.

Аммо, бугун афсус билан айтиш керакки, ана шу лавозимга утиши, купила катта ваколат пайдо булиши, олдида янги имкониятлар очилиши билан бу одамнинг боши айланиб, оёж ердан узилиб, бопщаларнинг, аввало, уз муовинлари, вилоят ташкилотларининг рахр"арлари, шахар ва туман хркимлари, жамоатчиликнинг фикри билан хисоблашмасдан, манманлик ва узбошимчаликка берилиб кеттани, бир суз билан айтганда, узига нисбатан талабчанлик ва назоратни йукртгани намоён була бошлади. Айникса, унинг иш услубида бошкаларни менсимаслик, узини хаммадан устун куйиш, куполлик хрлатлари кучайиб боргани куплаб эътирозларга сабаб булаётгани хам сир эмас.

Энг номаъкул томони шуки, унинг хатти-харакатларида эл-юрт ишонч билдирган рахбарга мутлакр турри келмайдиган аломатлар, яъни одоб ва ахлок. нуктаи назаридан куттчиликка урнак булиш урнига, бу талаблардан йирок. булиб юриш, маънавий чегарадан чикиш ^еч чидаб булмайдиган даражага етиб борганини куп мисоллар тасдиклайди. Нафс балосига гирифтор булиб, кингир-кийшик., жиноий ишларга берилиб кетган шахслар ва тудалар билан Бахромовнинг алок.алари к.алинлашиб кетгани, купорувчи





ишлар билан шугулланувчи шахсларга унинг оталик. килгани куп нарсани, авваламбор, унинг х.акикий ички дунёсини ифодалайди.

Албатта, вилоятнинг биринчи рахбари томонидан йул куйилган узбошимчалик, бундай хунук хрлатлар х.акида бугун купгина маълумотларни келтириш мумкин ва х.еч шубхасиз, буларнинг барчаси буйича вакти-соати билан крнун асосида бахр берилади ва жамоатчиликка маълум килинади.

Табиийки, вилоят рахбарининг ана шундай хатти-х.аракатлари, масъулият ва жавобгарликни бутунлай унутиб куйгани бу худуддаги ишларнинг ахволига, маънавий мухитга, энг ёмони, Х.ОКИМИЯТНИНГ обру-эътиборига, одамларнинг адолатга булган ишончига салбий таъсир курсатишини тасаввур килиш кийин эмас. Хаётнинг узи шуни тасдиклаб берадики, юк.ори погоналарда тартиб-интизом, талабчанлик бушашиб, узибуларчиликка йул очиб берилса, жойларда уз вазифасини суиистеъмол килигдлар, порахурлик ва бузгунчиликка йул очилади. Шунинг учун х.ам фак.ат кейинги пайтнинг узида вилоятда 10 нафар рах.барни алмаштиришта тугри келди.

Бу х.акда гапирганда, уз иш фаолиятида жиддий нукронларга йул куйгани учун Иштихон тумани х.окими Х. Шукуралиевнинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилганини, Каттакуррон шах.-рининг собик. хркими Д. Маматкулов эса уз ман-

саб вазифасини суиистеъмол килиб, давлат мулки булган катор объектларни крнунга хилоф тарзда хусусий фирмаларга бериб юборгани, 300 миллион сум микдоридаги бюджет маблашнинг максадсиз сарфланишига йул куйгани учун суд хукми билан жиноий жавобгарликка тортилганини айтиш лозим.

Айтиш керакки, биз бундай хрлатлар билан хеч качон муроса килмаганмиз ва бундан кейин хам муроса килмаймиз. Бу хакикатни хамма кулоЕига куртошиндек куйиб олиши керак. Крнун барча учун баробар. Узбекистонда доимо тартиб булган, бундан кейин хам тартиб булади, деб таъкидлади давлатимиз рах.бари.

Сессияда ташкилий масала куридди. А. Бахромов Самарканд вилояти х.окими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод кдлинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кура, Узбекистон Республикаси кишлок. ва сув хужалиги вазирининг биринчи уринбосари вазифасида ишлаб келаётган Уктам Барноев Самарканд вилояти хркими этиб тасдикданди.

Самарканд ахли х.амшпа олижаноб максадлар билан яшашга урганган, уз кучи ва салохиятига ишониб, гурур билан яшаб келаётган халк.. Узининг халол мехнати, азму шижоати, изланувчанлиги билан х.ар к.андай кийинчилик ва синовларни енгиб, улкан марраларни эгаллашга крдир халк..





Ишончим комилки, сизлар, бутун вох.а мехнаткашлари вилоятнинг янги рах.бари атрофида бирлашиб, белни махкам боглаб, мавжуд муаммоларни тез орада бартараф этиб, Самарканднинг обру-эътиборини янада юксалтиришга, албатта, эришасизлар. Бунинг учун сизларда хамма нарса — билим ва тажриба хам, ташаббус ва изланиш, к.атъият ва интилиш хам етарли, деди пировардида давлатимиз рахбари.

. ,

# «ЛУКОЙЛ» ОЧИК. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Мухтарам мехмонлар,

«ЛУКОЙЛ» компанияси Директорлар кенгашж мажлиси иштирокчиларини самимий кутлайман.

Бу мухим тадбирнинг Узбекистон пойтахти — Тошкент шахрида утказилиши улкан углеводород хом ашёси захирасига, уни казиб олиш ва кайта ишлаш буйича ривожланган индустрияга эга булган мамлакатимиз билан «ЛУКОЙЛ» компаниясининг хамкорлик кулами тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Узбекистон мустакилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, энг аввало, стратегик мухим энергетика сохасида узининг табиий-хом ашё ресурсларидан самарали ва окилона фойдаланиш буйича комплекс хамда узок, муддатли истикболга мулжалланган дастурларни амалга оширишдан иборат катъий йулни танлаб олди. Уларни амалга оширищда етакчи хорижий компаниялар хам фаол иштирок этмокда. Виз мазкур компаниялар билан узаро наф курит ва томонларнинг манфаатларини





хисобга олиш тамойиллари асосида изчил х.амкорлик килишга интилмокдамиз.

Узбекистонда Россиянинг бутун дунё эътироф этган «ЛУКОЙЛ» очик. акциядорлик жамияти компанияси билан узок, муддатли самарали хамкорликни ривожлантиришга, умумий киймати 2 миллиард АКШ долларидан зиёд булган, 35 йилга мулжалланган кушма дастурни тулик. х.ажмда амалга оширишга мухим ах.амият берилмокда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаб утмок,чиманки, 2007 йилда «ЛУКОЙЛ» очик. акциядорлик жамияти билан «Узбекнефттаз» Миллий холдинг компанияси уртасида мах.сулотни так.симлаш тугрисидаги битим доирасида К.андим гурух.и, Ховузак, Шоди конларини ривожлантириш ва Устюрт минтакасида геология-кидирув ишларини олиб бориш лойщаси буйича ишга тупшриладиган биринчи комплекс фойдаланишга топширилди.

«ЛУКОЙЛ» хал килувчи урин тутадиган халкаро консорциум томонидан Орол денгизи акваториясида геология-кидирув ишларини олиб бориш ва янги углеводород конларини узлаштириш лойихаси, шунингдек, Узбекистоннинг жанубий кисмидаги Кашкадарё вилояти худудида компаниянгиз томонидан нефть ва газ конлари узлаштирила бошлангани катта истик.болга эгадир-

Ишончим комилки, тупланган ижобий шериклик тажрибаси ва энергетика ресурсларини

самарали кидириш хамда узлаштириш йулидаги хамкорлигимиз Узбекистон иктисодиёти ва компаниянгизни ривожлантиришнинг узок, мудцатли манфаатларига хизмат килади.

«ЛУКОЙЛ» очик. акциядорлик жамияти Директорлар кенгаши мажлиси катнашчиларига самарали ишлашларини ва белгиланган режаларни амалга оширищца янада юксак муваффакиятларга эришишларини тилаб крламан.

Хурмат ва эхтиром билан,

*Ислом КАРИМОВ, Узбекистон*
*Республикаси Президенты*

# ИНСОН ВДДРИ - УЛУР, ХОТИРАСИ БОКДЙДИР

*2008 йил 9 май купи пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум булди. Бу ерга уруш ва темнот фахрийлари, уукумат аъзолари, депутатлор ва сенаторлар, царбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар.*

*Соат 8.30. Майдонга Узбекистон Республика-Си Президенты Ислом Каримов кириб келди.*

*Давлатимиз ра^бари уарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ^айкали пойига гулчамбар куйди.*

*Президентимиз иккинчи жа%он урушида жон фидо цилган минглаб юртдошларимиз хотирасига зурмат бажо келтирди.*

Бугун мамлакатимизда, барча вилоят ва туманларда эзгу анъана булиб к,олган Хотира ва кдцрлаш кунини халк^миз кенг нишонламокда, деди Ислом Каримов. Хакдк,атан х,ам, халк.имиз х.аётида чукур из крлдирган бу сана х,ар кайси уйда, х.ар к,айси ша^ар ва кдшлокда доимо катта

хурмах ва эхтиром билан кутиб олинади. Нега деганда, Узбекистан заминида бирорта сила, бирорта хонадон йукдси, унинг такдири мана ту сана билан богланмаган булса, яъни унинг ота-боболари иккинчи жахрн уруши майдонларида фашизм балосига кярши курашмаган булса, ярадор ёки халок булмаган булса.

Уруш бошланишидан олдин юртимизда яшаган 6,5 миллион ахрлидан 1 миллион 433 мингдан зиёди урушда катнашган. Жангу жадалларда халок булган, бедарак кетганлар, бир суз билан айтганда, уруш майдонларидан кайтмаганларни хисобга оладиган булсак, уларнинг сони 450 минг кишидан ошади.

Уша пайтда юртимиз ахрлисининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини инобатга олсак, мехнатга ярокли одамларнинг 55—60 фоизи фронтга сафарбар этилгани, уруш балоси юртимиздаги бирорта хонадонни четлаб утмагани аён булади.

Давлатимиз рахбари умумхалк. байрами — Хотира ва кадрлаш кунининг ахамияти, Хотира, Кддр тушунчаларининг мазмуни, улар мохиятан чамбарчас боглик. эканлигига тухталар экан, куйидагиларни баён этди:

Бундан ун йил олдин биз 9 майга Хотира ва кадрлаш куни, деб ном берганимиз бежиз эмас. Бунинг замирида катта маъно борлигини вакт





утиши билан тобора кенгрок. англаяпмиз ва унинг мазмунига теранрок. етяпмиз.

Хотира деганда барчамиз, авваламбор, нимани тушунамиз, нимани узимизга тасаввур киламиз?

Аввало, тарихий хотира билан яшаш, инсон хотирасини ёд этиш, утганларнинг хотирасига юксак хурмат ва эхтиром курсатиш — бу асл миллий к.адриятларимизда, анъаналаримизда жуда катта урин тутади.

Агар хаётга фалсафий куз билан чукуррок. карайдиган булсак, хотирасиз яшаб булмайди, аслида, хотирасиз келажак йуХ-

Бугун барчамиз Ватанни химоя килиш учун, бизнинг шу осойишта кунларга етиб келишимиз учун уруш майдонларида куксини калкрн, жонини фидо этган юртдошларимизнинг мукаддас хотираси олдида бош эгиб, таъзим киламиз.

Хотира, хотирлаш хакида гапирар эканмиз, бу тушунчани кадрлаш тушунчасидан ажратиб булмайди, деди Юртбошимиз. Хакик.атан х.ам, бу ёруг кунларга нима хисобидан эришганимизни, бу йудда кандай огир курашлар, азоб-укубат ва йукртишлар булганини, канчадан-канча одамлар уруш майдонларида азиз жонини курбон килганини англамасак, тупгунмасак, бугунги кунимизни, мусаффо осмонимизни, тинч ва ссуда х.аётимизни англаш, унинг кддрига етиш кийин булади.

Айнан шунинг учун хам хозирги пайтда орамизда, сафимизда сог-саломат, бардам яшаётган, бугунги хаетимизга узининг муноси( иссасини кушаётган уруш катнашчиларини, мухтарам ва азиз фахрийларимизни кддрлаш ва эъзозлаш, уларга хар томонлама хурматимизни билдириш барчамиз учун хам карз, хам фарз эканини, уилайманки, хаммамиз яхши тушунамиз.

Мамлакатимиз рахбари инсон, халк„ миллат тарихий хотира билан тирик, бархаёт эканини, айникса, утганларнинг хайрли ишларини ёдга олмок., кадрламок., шу билан бирга, муьтабар кексаларимизнинг дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг квадрига етиш ва шукроналик. туйруларини хис этиш кишига куч-кувват багишлашини, рухимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлашини алохида таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда 15,5 мингдан зиёд иккинчи жахон уруши иштирокчиси хает кечирмокда. Виз ана шу юртдошларимиз олдида умрбод карздормиз. Виз бу фидойи инсонларни янада купрок. кадрлашимиз, уларга нафак.ат мана шундай байрам кунларида, балки хар куни, хар соатда хурмат-эхтиром курсатишимиз зарур, деди Ислом Каримов. Уларнинг умрини кулимиздан келганча, бахоли кудрат узайтиришга, мазмунли килишга, бунинг учун барча шароитларни яра-





тиб беришга харакат килишимиз керак. Бу олижаноб иш хар биримиз учун кундалик инсоний бурчимизга айланиши лозим.

Мана шундай карашлар, мана шундай тушунчалар хакида гапирганда, илгари айтган бир иборани такрорлашни уринли, деб биламан. Савобли ишларни бажаришга шошилиш, уларни уз вактида килишга улгуриш, одам бу дунёдан уттанидан кейин эмас, балки хает пайтида унга ХУРмат ва эхтиром курсатиш зарур.

Шу борада к.албимдан чукур жой олган яна бир фикрни таъкиддамокчиман, деди Юртбошимиз. Яъни, кексаларимиз, нуроний отахон ва онахонларимиз хакида суз борар экан, уларнинг хаёти ганимат эканини барчамиз хеч к.ачон унутмаслигимиз даркор.

Хаётнинг узи кугт-куп мисолларда шуни уктириб бермокдаки, кайси оилада табаррук кексалар булса, шу жойда, албатта, файзу барака, ахиллик ва тотувлик булади. Чунки бу муьтабар зотларни бамисоли хонадонларимиз фариштаси десак, хеч к.андай хато булмайди. Шундай экан, бугунги кунда ёнимизда яшаётган, хаётнинг кувонч ва ташвишларини биз билан бахам кураётган мухтарам отахон ва онахонларимизнинг дуосини олиш, уларга энг эзгу ва самимий тилакларимизни билдириш — барчамиз учун катта бир бахтдир.

Юртбошимиз бу борада Узбекистан ёшларида муайян тушунча ва тасаввур шаклланганини ка.йд этар экан, навкирон авлодни миллий кддриятларга садокат рухида тарбиялаш билан бир каторда, уларга замонавий билимни эгаллашлари учун хар томонлама кумаклашиш, гамхурлик килишга эътиборни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Ёшларимиз, болаларимиз айни шу кунларда биз киммиз, к.андай буюк зотларнинг авлодимиз, деган фикрларни яна бир бор хаёлидан утказиб, шу хакда чукуррок. уйламож лозим, — деди Ислом Каримов.

Ота-боболаримиз бугунги хаётимиз учун, юртимизнинг эркин ва озод булиши, одамларимизнинг фаровон ва муносиб даёт кечириши учун,' халкимизнинг ор-номусини химоялаш, Ватанимизнинг шону шухратини юксалтириш учун к.андай машакдатли кунларни бошидан кечиргани, шу йулда жонини фидо этиб, кахрамонлик курсатгани ёшларимизнинг юрагидан жой топса ва улар узига савол берса: ота-боболарим эл-юрт учун узини аямасдан, бугунги ва эртанги кунимиз учун шундай катта хизмат килган булса, менинг хам бу улур ишларга уз хиссамни кушишга курбимкудратим етадими?

Улар бошлаган ишларни давом эттириш, халкимизнинг эзгу мак.саддарга етиши учун муно-





сиб фарзанд, муносиб углон булиб яшашга тайёрманми, деган фикр уларнинг калбидан, юрагидан яна бир бор утадиган булса, уйлайманки, бундай рух. ва кайфият, хеч шубх.асиз, Хотира ва к.адрлаш кунининг энг мух.им таъсири булиб, катта тарбиявий ах.амият касб этган булур эди, деди Президентимиз пировардида. Илохим, ёшларимиз онгида, к.албида ёниб турган хотира чироги х.еч качон учмасин.

* * *

Президентимиз Ислом Каримов шу куни пойтахтимизда бунёд этилаётган Болалар ижодиёти кургазма марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Мамлакатимиз рах.бари ташаббуси билан кабул килинган «Ёшлар йили» Давлат дастурида мусик,а, рассомлик ва санъатнинг бошк.а сох.аларида болаларнинг ижодий крбилиятини аникдаш х.амда ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, мазкур масалалар билан шугулланувчи жамоат ташкилотларини куллаб-кувватлаш ва рагбатлантиришга алохида эътибор к.аратилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда «Узбекистон маданияти ва санъати форуми», «Сен ёлгиз эмассан», «Мехр нури», Ижтимоий ташаббусларни

куллаб-кувватлаш жамгармалари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Хает» нодавлат нотижорат ташкилоти каби фукаролик жамияти институтлари ^ам фаол иштирок этмокда.

Дастурда «Узбекистан маданияти ва санъати форуми» жамгармаси билан ^амкорликда Тошкент шахрида иккита Болалар ижодиёти кургазма маркази ташкил этилиши кузда тутилган. Президентимиз ташаббуси ва лойщаси асосида бунёд этилган ушбу янги марказ шулардан дастлабкисидир.

Давлатимиз рахбари Болалар ижодиёти кургазма маркази билан танишар экан, бино атрофидаги яшил майдонга — ландшафт дизайнига алохида эътибор каратди.

Ободонлаштириш, аввало, шахарсозликнинг янги усуллари ва услубларини топиш х.амда куллаш, демакдир. Биз икдим шароитимизга мое дизайнларни яратишимиз лозим, деди Юртбошимиз. Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очмок.да. Янги бинолар кад ростламокда. Бир суз билан айтганда, халкимиз, фарзандларимиз, келажак авлод учун том маънодаги замонавий кулайликларни яратмокдамиз.

Президентимиз курилиш-бунёдкорлик ишларида, барча со^ада булгани сингари, узок.ни кузлаб иш тутиш лозимлигини таъкиддади.

Бунёд этаётган иншоотларимиз нафакат бугунги авлодга, балки келажак авлодларга





асрлар оша хизмат киладиган даражада муста^кам ва мухташам булсин, деди Юртбошимиз. Шу маънода, ^ар бир ватандошимизнинг калбида килаётган ишига, касбига, эл-юртига улкан мехрмух.аббат жушиб турмоги лозим. Токи, замондошларимиз бунёд этаётган бокий иншоотлар асрлар давомида бахтиёр авлодларимизга хизмат килибгина крлмай, балки уларда уз аждодларининг нозик диди ва бунёдкорлик салохиятидан фахрланиш ва гурурланиш туйгуларини хам уйготсин.

Давлатимиз рах.бари Болалар ижодиёти кургазма марказида ёш авлоднинг иктидорини ривожлантириш, ижодий имкониятларини руёбга чик.ариш ва бу сохада эришган ютукларини кенг намоён этиши учун барча шарт-шароитларни яратиш зарурлигини кайд этди. Бу борада мутахассис ва мутасаддиларга тегишли тавсиялар берди.

## «БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ УЙИНЛАРИ КАТНАШЧИЛАРИГА

Кдцрли фарзандларим!

Авваламбор, мамлакатимизнинг узок, ва якин худудларидан келган, хакикатан хам юртимиз баркамол авлодининг ёркин вакиллари булган сиз, азиз болаларимни, бугунги спорт анжуманининг очилиш маросимида кдтнашаётган барча-барчангизни багримга босиб, узимнинг юксак мехрим ва ишончимни билдиришдан бахтиёрман.

Сизларнинг юксак нуфузли «Баркамол авлод» спорт уйинларида катнашиш учун уз куч ва махрратингизни намоён этиб, канчадан-канча кескин кураш ва синовлардан угганингизни, бугун калбингиздан, юрагингиздан кечаётган хаяжонли туйгуларни мен яхши тасаввур киламан ва узимни бамисоли сизлар билан мана шу гузал майдонда тургандек хис этаман.

Виз юртимизда хеч кимдан кам булмайдиган эркин демократик жамият куриш учун кенг куламли вазифаларни хал этишга крдир булган,





х.ам жисмоний, х.ам маънавий етук, миллий ва умуминсоний к.адриятлар рухида тарбия топган авлодни вояга етказишни уз олдимизга юксак мак.сад килиб куйганмиз.

Мана шу эзгу максадга эришиш, фарзандларимизнинг уз акд-заковати ва истеъдодини тула намоён этиши, уларни бугунги ва эртанги хаётимизнинг хал килувчи кучига айлантириш учун хеч нарсани аямасдан, куч ва имкониятларимизни сафарбар этиб, кандай улкан ишларни амалга ошираётганимизга барчангиз гувохсиз.

Бугун юртимизда минг-минглаб ота-оналар, устоз-мураббийлар х.ам айнан шундай орзу-х.авас, айнан шундай интилиш билан сизларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мак.садида калб кури, бугун борлигини багишлаб мехнат килмокда.

Ишончим комилки, сизлар эл-юртимизнинг мана шундай юксак эътибори ва ишончини, эзгу орзу-ниятларини руёбга чикариш учун доимо муносиб буласизлар, азиз болаларим.

Хеч шубх.асиз, бугун бепоён крракалпок. заминида, азим Жайхун сох.илларида утказилаётган «Баркамол авлод» уйинлари мамлакатимиз ёшлари х.аётида, спортимиз тарихида яна бир ёркин сахифа булиб крлади.

Нега деганда, юртимизда туртинчи бор утказилаётган бу мусобак.аларнинг айнан «Ёшлар йили»да, якинда Пекин шахрида бошланадиган

Олимпиада арафасида булиб утаётгани бу анжуманга алохида рух. ва мазмун бажшлаши табиий, албатта.

Кддрли угил-кизларим!

Мен ишонаман, сизларнинг хар бирингиз ана шу мусобакаларни катта хаяжон билан кузатадиган устоз ва мураббийларингиз, ота-оналарингиз, тенгдош дустларингиз, барча спорт мухлисларининг ишончини оклаб, холислик ва адолат рухида утадиган беллашувларда нималарга крдир эканингизни амалда якдол намоён этасиз.

Бу мусобакалар нафакат спорт майдонларида, балки хаётдаги интилишларида хам ёшларимизнинг парвозига канот беради, уларни иродаси мустахкам, эл-юртига садок,атли, Ватан шарафини химоя килишни уз зиммасига олган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат кияади.

Иншоолло, бу уйинлар булгуси Олимпиадаларда улкан марраларга эришишда, мамлакат, Осиё ва жах.он чемпиони деган унвонларга муяссар булишда сизлар учун катта мактаб булиб крлажак.

Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод» спорт уйинларини юксак даражада утказиш учун мухташам спорт мажмуаларини барпо этган кули гул курувчиларга, шу йулда сидкидилдан хизмат килган барча инсонларга, бутун крак.алпок. элига самимий миннатдорлик билдираман.





Бугунги гузадлик ва нафосат байрами билан сизларни яна бир бор кутлайман. Менинг сизларга каратилган даъватим: маррани доимо баланд олиб яшанг, эртанги кун бизники, сиздек шижоатли ёшларимизники!

Шуни унутмангки, келгусида эришадиган х.ар бир галабангиз — юртимиз галабаси, Узбекистон галабасидир!

Мана шундай юксак ишонч, омад ва зафар, бахту саодат х.амиша сизларга ёр булсин, азиз фарзандларим!

*Ислам КАРИМОВ, Узбекистон*
*Республикаси Президенты*

# МАТБУОТВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Аваламбор, сиз, азизларни — матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин калбимдан самимий муборакбод этаман.

Кддрли дустлар!

Мана, ун беш йилдирки, мамлакатимизда 27 июнь санасини миллий оммавий ахборот воситалари куни сифатида кенг байрам кдниш яхши бир-анъанага айланиб крлди.

Утган асрнинг бошларида маърифатпарвар боболаримиз миллатни уйготиш, унинг дардларига дармон булиш гояси билан майдонга чикиб, илк миллий нашрларга асос солган эдилар. Матбуотимизнинг тамал тошини к.уйган ана шундай улуг инсонларнинг эзгу орзу-умидларини руёбга чикариш учун утган давр мобайнида узбек журналистикаси катта таракдиёт йулини босиб утди.

Бугун биз ана шу машакдатли йулда канча-канча синов ва кииинчиликларни бошидан кечирган,





узининг истеъдоди ва самарали мехнати, уз касбига мехри ва садокати билан эл-юрт уртасида обру-эътибор крзонган фидойи зотларнинг номларини хурмат ва эхтиром билан тилга оламиз.

Оммавий ахборот воситаларимиз улар бошлаб берган ижодий анъаналарни муносиб давом эттириб, давр талабларига тобора монанд булиб бораётганини мамнуният билан к.айд этамиз.

Хаммамизга аёнки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг узи, хаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари Узбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар ахли олдига бизнинг эзгу максадимиз булган демократик давлат, кучли фукдролик жамияти барпо этиш йулида гоят мухим, долзарб вазифа ва талабларни куймокда.

Бу уринда ran, аввало, матбуотимизнинг эркинлигини таъминлаш, унинг янгиланиш ва ислохртлар жараёнларидаги ах.амияти, мохияти ва таъсирини янада кучаитириш, дунеда ва мамлакатимизда руй бераётган вокеа-хрдисаларга узининг хакдоний ва холисона муносабатини, эътироф ва эътирозларини билдиришга к.одир булиши, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшаши х,акида бормокда.

Журналист деган огир, ту билан бирга, шарафли касбга уз х.аётини багишлаган инсонлар учун юксак профессионал махррат, фаол х.аётий

позициями эгаллаш, халкимизнинг кувонч ва ташвишлари билан яшаш, бугун дунё микёсида тез узгариб бораётган ута мураккаб замонда одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслакдош ва сухбатдош булиш, уларни янги марра ва уфкларга чорлаш — албатта осон иш эмас. Буни барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Бу хакда гапирар эканмиз, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа сохаси захматкашлари, барча ижодий ва техник ходимларнинг мехнатини кадрлаш ва рагбатлантириш, уларни хар томонлама куллаб-кувватлаш бугунги кунда давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида туришини унутмаслигимиз даркор.

Оммавий ахборот воситаларини халкаро андозалар даражасига кутариш, уларнинг эркин ва мустакил фаолиятини таъминлашда муассис ва тахририятларга факат расмий хужжатларда эмас, балки амалда эркинлик, жумладан, молиявий мустакиллик бериш, айникса, нодавлат газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг хаётимиздан мустахкам урин олиши учун хам моддий, хам маънавий шароит яратиш хрзирги пайтда мухим ах.амият касб этмокда.

Барчамизга аён булиши зарурки, бу вазифаларни амалга оширишда биз учун кандайдир майда ёки иккинчи даражали ишнинг узи булмаслиги керак.





Шу борада халкимиз, жамоатчилигимиз матбуот ходимларидан якка мафкура хукмрон булган мустабид тузумдан к,олиб келаётган айрим эскича ендашув ва к.арашлардан, журъатсизлик ва уткир муаммолардан узини четда тутиш каби х.олатлардан бутунлай халос булишни, уларнинг янада шижоат ва к.атъият билан фаолият курсатишини кутаётганини алохида таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда медиа тармоклари, матбаа корхоналарини замонавий ахборот-коммуникация сох.асидаги энг сунгги ютукларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлаш, айник.-са, Интернет тизимидан кенг ва окилона фойдаланиш учун имконият яратиш, моддий ва молиявий кумак бериш масалаларини ечиш, шу асосда ушбу соханинг таракдиётини янги боскичга кутариш, бошлаган х.аракатларимизни изчил давом эттириш эътибор марказимизда булиши шарт.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб малакаси, ижодий махрратини ошириш, уларнинг жахрн журналистикасининг илгор тажрибаларини пухта узлаштириши учун таракдий топган мамлакатлардаги х.амкасблари билан алокаларини кучайтириш, содда килиб айтганда, узаро борди-келдиларни купайтириш буйича тегишли шароит тугдириб бериш х.ам ана шундай мухим вазифалар к.аторига киради.

Ишонаманки, бугунги байрам муносабати билан марказда ва жойларда булиб утадиган учрашув ва мулокртларда журналистларимиз уларнинг мехнати натижаларидан бахраманд буладиган муштарийлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифалар хакдца атрофлича фикр алмашиб олиш имконига эга буладилар.

Азиз дустлар!

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор кутлар эканман, фурсатдан фойдаланиб, матбуот сохасига куп хизматлари синггап мухтарам фахрийларимизга, яна узок, йиллар орамизда юринг, COF-OMOH булинг, деб уз хурмат-эхтиромимни изхрр этаман.

Барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, янги ижодий ютуклар тилайман.

*Ислом КАРИМОВ, Узбекистан*
*Республикаси Президенты*

## УЗБЕКИСТОН РАЛЛАКОРЛАРИГА

Кдцрли дустлар!

Авваламбор, сиз, азиз дехдон ва фермерларни, барча квиток. мех.наткашларини бугунги мех,нат галабангиз — 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд улкан галла хирмони бунёд этганингиз билан чин калбимдан самимий муборакбод этаман.

Мехнаткаш ва омилкор дехдонларимизнинг уз пешона тери билан кулга киритган, барчани хайратда к.оддирадиган бундай ютук. ва марралар, уларнинг авваламбор юкрри х,осилдорликка, яъни уртача 48 центнердан галла олишга эришганлари хакдкатан х.ам х.ар к.андай тах.син ва тасаннoларга арзийди. Айник^са, Андижон, Самарканд, Ьчашк^адарё, Сурхондарё вилоятларида хрсилдорлик даражаси 50—60 центнерни ташкил этгани, Окдарё, Денов, Пахтаобод, Избоскан ва Сариосиё туманларида эса бу курсаткич 58—65 центнердан юкрри булгани алохида эътиборга сазовордир.

Дехдонларимизнинг салмокли ва фидокорона мехнати эвазига бу йил утган йилга нисбатан карийб 230 миллиард сумдан купрок., мамлакатимиз галлачилиги тарихида биринчи бор 1 триллион 37 миллиард сумдан зиёд даромад олишга муваффак. булганимиз халкимизнинг кунглини мамнуният ва кувонч билан тулдириши табиий, албатта.

Шулар кэторида мамлакатимизда етиштирилган мул хрсил натижасида 3 миллион 300 минг тоннадан ортик. галла дехкрн, фермер хужаликлари ва ахрли ихтиёрида крлгани кдшлок. ахлининг рузгорига кут-барака багишлаб, эртанги кунга булган ишончимизни мустахкамлашга хизмат кдиади.

Хеч кимга сир эмас, дон, бурдой эл-юртимизни бокадиган, кунглимизни тук., дастурхонимизни тукин киладиган азиз ва мукаддас неъмат сифатида хаётимизда хямиша бекрёс урин тутиб келади.

Айникра, бугунги кунда дунё мик^ёсида дон махсулотлари масаласида мураккаб вазият вужудга келаётгани, айрим мамлакатларда бу борада жиддий такриллик юз бераётгани, бурдойнинг нархи к,андай ортиб бораётгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошкд халк.аро минбарлардан бу хакда катта ташвиш ва хавотир билан гапирилаётганини инобатга оладиган булсак, азамат дехдонларимиз бунёд этган бу галла хирмонининг ах.амияти ва мохиятини яна бир бор хар





томонлама хис этишимиз, уларнинг том маънодаги буюк мехнатига тан беришимиз хам к.арз, х.ам фарз, деб биламан.

Халк^имиз азал-азалдан нонни эъзозлаб, кузига тугие к^илиб яшайди. Нонни муътабар деб 1фдрлаш, унинг ушогини х.ам исроф кдимаслик бизнинг х.аётимизда миллий кддрият даражасига кутарилган, тарихий хотирамиздан чукур жой олган, десак, асло муболага булмайди. Дарх.ак,ик,ат, нон биз учун фаровонлик, тинчлик ва файзу барака тимсолидир. Асрлар давомида шундай булиб келган ва бундан кейин хам шундай булиб к^олади, иншоолло.

Мана игу х.аётий х.акик,атни униб-усиб келаётган ёшларимизнинг к,алби ва онгига сингдириш, фарзандларимизни х.ам нонга, дехкрннинг огир ва шарафли мехнатига хурмат рухида тарбиялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Азиз дустларим, биродарларим!

Бу йилги галла мавсумини якунлар эканмиз, мана шундай юксак марра ва бек^иёс бойлик ниманинг х.исобидан, к,андай машак^^атли ва масъулиятли мехнат туфайли кулга киритилганини узимизга яккрл тасаввур килиб, эришилган ютукнинг асосий омил ва мезонлари х.акдда суз юритишимиз табиийдир.

Хакив;атан х.ам, бу йил бошимиздан кечирган кийинчиликлар — кишнинг них.оятда совук, кел-

гани, даттид кургокчилик, дул ва сел каби офатлар, турли хашарот ва зараркунавдаларга дарши кураш — буларнинг барчаси мард ва азму шижоатли дехдонларимизнинг иродасини яна бир марта синовдан утказди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бугун мамлакатимизнинг бепоён далаларида мехнат дилаётган, ишнинг негизини биладиган дайси мутахассис, фермер ва миришкор дехдон билан сухбатда булманг, уларнинг барчаси кишлод хужалигида эришилган марра ва натижаларнинг замирида аввало сохада янгича иктисодий ва ижтимоий муносабатларни изчил жорий этганимиз мужассам эканини бир овоздан эътироф этади.

Энг асосийси, ризд-рузимиз манбаи булган ерни хакидий эгасига топширганимиз, мулкдорлик хисси далада ишлайдиган хар бир одамнинг онгу шуурига чудур кириб бораётгани, уларда ерга, мехнатга муносабат тубдан узгариб, келажакка ишонч туйгуси кучайиб бораётгани бундай ютукдарга эришишда гоят мухим ахамият касб этмокда.

Бизнинг кишлок. хужалигида тулик. фермерлик х.аракатига утганимиз нададар турри булганини хрзирги кунда х.аётнинг узи амалда тасдик.лаб бермокда. Бутун мамлакатимизни камраб олган бу х.аракат ташкилий ва иктисодий нуктаи





назардан шаклланиш боскичидан утиб, эндиликда ижтимоий-сиесий хдётимизда х.ал кдлувчи куч сифатида узини намоён килиши долзарб вазифага айланмокда.

Бугун кишлок. хужалиги таракдиётини мана шундай юксак погонага кутаришда мухим урин тутадиган яна бир масала эътиборимизда булиши лозим. Яъни, сохада шартнома муносабатларини янада мустахдсамлаш, уларнинг хукудий асосларига к.атъий риоя к.илиб, шартнома мажбуриятларининг сузсиз бажарилишини таъминлаш — бу нафакат давлат ва давлат идораларининг вазифаси, балки биз кураётган хукукий давлатнинг х.ар кайси аъзосининг бурчига айланишини, крнун нормаларига хурмат билан к.араш кундалик х.аётимиз доидаси булиб к.олишини истардим.

Айнан мана шундай муносабатни хар томонлама к.арор топтириш биз келажакда эришадиган ютукдарнинг гарови ва кафолати булиши даркор.

Шу билан бирга, галла етиштириш маданиятини янада ошириш, дехдон-фермерларни зарур моддий ресурслар билан уз вактида таъминлаш, юртимизнинг барча минтада ва худудларига мое булган янги, серхрсил бутдой навларини яратиш, доннинг сифати ва истеъмол хусусиятларини яхшилаш, бу борада илм-фан ютукдари

билан омилкор дехдонларимизнинг бой тажрибасини уйгунлаштириш каби доимо эътиборимиз марказида булиб келаётган ишларни келгусида хам изчил давом эттирамиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, манату хурсандчилик кунда галлакорларимизга, илгор механизатор ва комбайнчиларга, мутахассис ва мутасаддиларга, бу улкан галабага узининг муносиб хиссасини к$шган барча-барча инсонларга чин кдлбимдан миннатдорлик изхрр этиб, бутун хальдиэдиз номидан таъзим кдламан.

Сизларга ва оила аъзоларингизга хамита сихат-саломатлик, бахту саодат, ишларингизда омад ёр булишини тилайман.

*Ислам КАРИМОВ,' Узбекистан*
*Республикаси Президенты*

•

;

**МУНДАРИЖА**

УЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАК.ИЛ ТАРАIQK.НЕТ ЙУЛИ. *Узбекистан Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маукамаси ва Президент Девонининг Узбекистан мустациллигининг 16йиллигига батишланган цушма мажлисидаги маъруза, 2007йил 30 август*..........3

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАК.ИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАРИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СУЗИ. *2007 йил 31 август*..........57

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ДУРДОНАСИ. *Мартлон шщрининг 2000 йиллигига батишланган тантанали маросимдаги нутц, 2007 йил 7 сентябрь*..........63

ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛК^ИМИЗГА САДОКАТ БИЛАН ХИЗМАТ К.ИЛИШ - ОЛИЙ САОДАТДИР. *Тадбиркорлар ва ишбилармонлар %аракати — Узбекистан либерал-демократик партияси 1Ук.урултойидаги маъруза, 2007 йил 6 ноябрь*..........75

УЗ ХАЁТИМИЗНИ ВАТАН ИСТИК.БОЛИ, ФАРОВОН КЕЛАЖАГИ УЧУН БАРИШЛАБ ЯШАШ ИНСОНИЙ ВА ФУКАРОЛИК БУРЧИМИЗДИР. 110

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУРАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГДАСТУРИ..........110

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУРАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ. *2007 йил ноябрь — декабрь*..........122

АСОСИЙ МАКСАДИМИЗ - ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ДАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙУЛИНИ КАТЬИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР. *Узбекистан Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига башланган тантанали маросимдаги маъруза, 2007йил 7'декабрь* ........ 143

УЗБЕКИСТОН ХАЛКИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ. *2007 йил 31 декабрь* ........ 171

ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. *2008 йил 11 январь* ........ 177

ВИЗ УЗ ОЛДИМИЗГА КУЙГАН ЮКСАК МАРРАЛАРГААЛБАТТАЭРИШАМИЗ. *Президент лавозимига киришиш маросимидаги суз, 2008 йил 16 январь* ........ 186

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ - БАРЧА ИСЛОХОТ ВА УЗГАРИШЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАКСАДИДИР. *2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иqтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда щтисодий исло^отларни чукурлаштиришнинг энг му%им устувор йуналишларига башланган Вазирлар Ма^камаси мажлисидаги маъруза, 2008 йил 8 февраль* ........ 190

ХАЛК. ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА СУЗЛАНГАН НУЩ. *2008йш 15февраль* ........ 238

ХАЛК. ДЕПУТАТЛАРИ ФАРРОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА СУЗЛАНГАН НУЩ. *2008 йил 6март* ........ 255



УЗБЕКИСТОН ХОТИН-КИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. *2008 йш 7 март* ........ 276

«ОРОЛ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИНГ АХОЛИ ГЕНОФОНДИ, УСИМЛИК ВА ХАЙВОНОТ ОЛАМИГАТАЪСИРИХАМДА ОКИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ УЧУН ХАЛКАРО ХАМКОРЛИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» ХАЛКАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА *2008 йш 12 март* ........ 281

НАВРУЗ БАЙРАМИГА БАРИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СУЗ, *2008 йш 21 март* ........ 288

ХАЛК. ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА СУЗЛАНГАН НУТК.. *2008 йил 25 март* ........ 293

НАТО/СЕАП САММИТИДАГИ НУТК.. *2008 йил 2 апрель* ........ .313

ХАЛК ДЕПУТАТЛАРИ САМАРКАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СУЗЛАНГАН НУТК- *2008 йш 15 апрель* ........ 318

«ЛУКОЙЛ» ОЧИК. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА. *2008 йш 24 апрель* ........ 336

ИНСОН КАДРИ - УЛУР, ХОТИРАСИ БОКИЙДИР. *Хотира ва цадрлаш купи муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берилган интервью, 2008йш9май…* ........ 339

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ УЙИНЛАРИ КДТНАШЧИЛАРИГА. *2008 йш 17май* ...... .348

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТА-
ЛАРИ ХОДИМЛАРИГА . *2008 йил 27 июнь* ........... 352

УЗБЕКИСТОН РАЛЛАКОРЛАРИГА.
*2008 йил 16 июль*

***Ислам Абдуганиевич Каримов***

**ПО ПУТИ
МОДЕРНИЗАЦИИ СТРАНЫ
И УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ
ЭКОНОМИКИ**

Том 16

*На узбекском языке*

Нашр учун масъул К. БАРОНОВ
Бадиий мухаррир Х- КУТЛУКОВ
Техник мух.аррир У. КИМ
Мусахдахлар Ш. ОРИПОВА, М. РАХИМБЕКОВА
Компьютерда тайёрловчи Б. ДУШАНОВА

Босишга рухсат этилди 12.08.08. К.ОРОЗ формати 84хЮ8 $^{1}/_{32}$-
Тайме гарнитурада офсет усулида босилди. Шартли б.т. 19,32.
Нашр т. 11,24. Тиражи 10000. Буюртма №. 08-174.

Узбекистан Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Узбекистан» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
700129, Тошкент, Навоий кучаси, 30.

66.3(5У)6
К25

**Каримов, Ислом Абдутаниевич.**

Мамлакатни модернизация килиш ва иктисодиётимизни баркарор ривожлантириш йулида. /Ислом Абдуганиевич Каримов. — Т. 16. — Т.: «Узбекистан», 2008. —368 б.

**ББК 66.3 (5У)6**
**65.9(5У)**

ISBN 978-9943-01-297-4

9'789943[11]0129741